


Yz2  
H 55

YOSHLIK  
jurnali kutubxonasi

Дли Ниёз

**ТАҚДИР**  
**ҚҮНФИРОГИ**



**Kitob shu yerda ko‘rsatilgan muddatdan  
kechiktirilmagan holda topshirilishi shart**

**Ilgarigi berilmalar miqdori \_\_\_\_\_**

--	--





«Ешик» журналы кутубхонаси

**Али НИЁЗ**

**ТАҚДИР ҚҮНГИРОҒИ**

*Қисса*

Гафур Ўулом номидаги нашриёт-матбаа  
ижодий уйи – 2017

**УЎК 821.512.133**

**КБК 84 (5Ў)6**

**И 55**

**Ниёз, Али**

**Тақдир қўнгироғи / Али Ниёз. Тошкент: Гафур Гулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи 2017. – 216 б.**

Нашриётимиз ижодий жамоаси шу йилдан эътиборан янги сериядаги асарларни чоп этишини бошлади. Кўлингиздаги ушбу китоб «Ёшлик» журнали кутубхонаси сериясида чоп этилмоқда. Ёзувчи Али Ниёзниңг ушбу киссади журналининг 2014 йилги сонларида эълон қилинганди.

Ушбу киссада бир инсоннинг руҳий кийинклари, қувончу изтироблари қизиқарли воқсалар воситасида қаламга олинган. Асар ҳаётий лавҳаларга бой. Китоб ани шу жиҳатларни билан ўқувчилар эътиборини қозонади, деган умидламиз.

**УЎК 821.512.133**

**КБК 84 (5Ў)6**

**© Али Ниёз**

**© Гафур Гулом номидаги  
нашриёт-матбаа ижодий  
уйи, 2017**

**ISBN 978-9943-4911-2-0**

## ГОЙИБДАГИ ОДАМ

Телефон яна жириングлади. Гўшакни кўтариб, «Алло», дедим – жимлик... Мен гапира бошлидим. Телефон қилган одам менинг гапимни эшитиб турарди.

Ҳар куни худди келишилгандай айнан соат учларда қўнғироқ бўлади. Мен ҳам қадрдон дўстимга гапиргандай, тинмай жаврайвераман. Миямга қандай фикр келса, гапиравераман, гапиравераман. У жим тинглайди. Сас чикармайди. Мен бу ҳолатга ўрганиб қолган эдим. У гўшакни қўйиб қўйишидан қўрқаман. Шунинг учунми, кизик-кизик воқеаларни гапираман. Беихтиёр гўшакни қўйиб қўймасин деб, кулдирадиган ҳангомалардан ҳам айтаман. У нима учундир кулмайди ҳам. Гапириб-гапириб чарчаганимдан сўнг, энди бўлди, бугунча етар дейман. Унга соғлик тилайман. У гўшакни қўяди, қисқа «дуд-дуд-дуд» деган овоз келади.

Хонамда қолиб, ўзимга тааллуқли ишларни бажараман-да, асосан, эртанги кунга тайёргарлик кўраман. Эртага нима десам бўлади. Режа туза бошлайман. Янги-янги ҳангомаларни топишга

харакат киламан, чунки у гўшакни тўсатдан кўйиб қўйиши мумкин.

Эртасига яна янги иш куни бошланади. Бошкacha бўлиши мумкин хам эмас. Ходимлар билан саломлашиш, бошлиқнинг хонасига кириб топшириқ олиш, коғозлар ичига кириб ракамларни ахтариш – касбим шундай. Бу касбни Худо раҳмат килгур опам танлаб берган.

Иш билан оввора бўлиб соат уч бўлганини сезмай қолибман. Бирдан телефон жиринглади, гўшакни олдим. Яна жимлик...

Саломлашиб, ахволини сўрадим. Иложи бўлса бир оғизгина гапиришини, бу ҳолат узок давом этмаслигини, факт менинг гапиришим билан иш битмаслигини тушунтириб, уни ҳам гапиришга унладим. «Мен жуда чарчадим», – дедим, овозимни баландлатиб. У чукур нафас олди. Аник ҳис қилдим, миямга ҳадеганда кизик фикр келавермади. Ўйлай бошладим: «Узундан-узок ҳангомаларим унга нима учун керак? Нега ўзини таништирмайди? Ким ўзи телефон қилаётган? Аёлми? Эркакми? Нега энди ҳадеб унга ёқадиган ёлғон-яшиқ воқеаларни тўкиб, унинг кўнглини овлашим керак? Нима учун? Ахир уни танимасам?» – деган савол бошимда тинимсиз айланади.

ди. Гўшакни столим устига кўйиб кўйдим-да, унга караб гапирмасдан ўтиравердим...

Энди телефон соат учда жирингласса ҳам, гўшакни олмайман, хонамдан чикиб кетаман. Соат тўртдан кейин гўшакни кўлимга олдим, узун «дуд-дуд» деган овозни эшигач, жойига кўйдим.

Ишни якунлаб уйга кетар эканман, соат учда бўладиган қўнғироқнинг жаранг миямни тарк этмасди. Мени эшитиб жим ўтирадиган одам турли киёфада гавдаланиб, баъзан у келишган йигит, зум ўтмай чиройли киз ёки гўзал аёл қиёфасида кўринса, гохида қандайдир менинг устимдан кулаётган телбасифат одам, дарвеш бўлиб, гоҳо бадбашара, искирт маҳлук устимга бостириб келаётгандай туюларди. Хуллас, адоги йўқ бу ўйлардан кочишнинг иложини тополмадим. Уйга хаёлим паришон бўлиб кирап эканман, ўзимни чалғитиш учун қўлимга дуч келган китобни олдим. Машхур ёзувчининг маймун етаклаган одам ҳақидаги хикоясини ўқий бошладим. Бу вокеалар хаёлимни жамлашга ёрдам бермади. Балки тескари таъсир килди. Қандайдир қўркинчли маҳлукнинг ҳамласини кайтаришга шайланган одамдай ўзимни химоя килиш учун кўчага чиқдим.

Шаҳарга тун чўккан. Ҳаво тоза, осмон тўла юлдузлар, бири-биридан чиройли. Ана у юлдуз

Хулкар, Зухро, Катта айик, буниси Темиркозик, Тарози, Беш оғайни, униси Етти оғайни. Қаранг, уч оғайни юлдузлар ҳам бор экан, осмоннинг кўркига кўрк кўшиб, безаб турган бу юлдузлар тўғрисида бир вактлари момомдан эшитганман.

Юлдузлар бирин-кетин яркираб осмон гумбазида тартибсиз ва тартибли жойлаштирилган нималарнидир эслатар, назаримда, улар зимдан ерни кузатаётгандай туюларди. Қайсиdir журналда ўқиган эдим, осмон очик бўлганда август ойлари кечаси беш мингтacha юлдузни санаш мумкинлиги, кейин одам адашиб кетиши ҳакида ёзишган эди. Эринмай санай бошладим. Бир, иккى, уч, тўрт, беш... мингларга борганимда чалғиб кетдим.

Сомон йўлини томоша кила бошладим. Тантрининг бу кудратига, табиатнинг хеч ерда такрорланмас мўъжизасига койил қолмай иложинг йўқ. Осмон худди катта бир денгиз, унга юлдузлар шундай жойлаштирилганки, коинотдаги бу ажойиб манзарани томоша килиб, инсоннинг ақли бу хукм олдида накадар ожиз эканлигига беихтиёр ишонасан. Яратганга ўукроналар айтасан...

Яна иш. Корхонанинг барча хисоб-китоблари менинг зиммамда. Кўл остимдаги ходимларга керакли топширикларни бердим-да, хонамга ка-

малиб олдим. Вақт шундай тез ўтардики... Зум ўтмай соат уч бўлиб колди. Телефон жиринглади. Гўшакни олдим, жимлик, аста гап бошладим: «Ҳангомалар тугади, менга бошка телефон килманг, илтимос. Агар иш шундай давом этаверса, жинни бўлиб қоламан». У жим тингларди. «Гўшакни қўяман», дедим. «Энди хайр. Охирги марта хайрлашайлик. Ҳақиқатан, сизга жуда ўрганиб қолган эканман. Гапирмасангиз ҳам нафас олишингизни эшитдим-ку. Омон бўлинг. Мендан хафа бўлманг», деб гўшакни қўйдим. Дақиқа ўтмай телефон яна жиринглади. Хаёлимда телефон жаҳл билан жиринглагандай бўлди. Кўзимни узмай гўшакка қараб турдим. Бу сафар ундан ҳам каттиқ жиринглади назаримда. Гўшакни олдим.

**Жимлик.**

– Нима ишингиз бор? Айтинг, ахир мендан нима истайсиз?! – дедим тоқатим ток бўлиб.

Жимлик ҳамон давом этар эди. Мен ҳам жим туравердим. Узок кутдим. Тўғриси, чарчаб кетдим. Гўшакни столим устига қўйдим-да, ишларимни қила бошладим. Соатга карасам, тўрт. Гўшакни жойига қўйиб қўйдим.

Менга ҳар доим соат уч билан тўртгача қўнғироқ қилинар эди. Соат учдан тўртгача телефонни ўчириб қўйсам-чи? Кашфиётимдан ўзим

севиниб кетдим. Ҳақиқатан ҳам, нега олдин шу фикр миямга келмади экан-а? Балки мен телефон билан гаплашишга жуда ўрганиб қолгандирман?

Эртаси куни соат учдан тўртгача хонамдаги телефонни ўчириб қўйдим.

Қўл телефонимга хабар келди. «Илтимос, соат учда телефонингизни ўчирманг. Сиз учун бир соат гаплашиш шунчалик қийинми? Агар сўз лашибни хохламасангиз, гўшакни кўтариб столингиз устига қўйиб қўйинг. Бу ишингиз яхшиликка олиб келмайди».

Ҳайрон қолдим. Қўл телефоним рақамини қаёқдан билади? Нима учун хабар жўнатувчининг телефон раками йўқ? Наҳотки менинг гапларим унга шунчалик қизиқ бўлса?! Ўзи нималар бўлаяпти? Агар бирон кимсага шу тўғрида айтсам, хечам ишонмайди. Мени телбага чиқариши аник. Яна қўрқитиши ортиқча. Мени қаёқка бошляяпти бу?..

Мен, хаёлим паришон бўлиб, баъзан ўзим билан ўзим гаплашадиган одат чиқардим. Ишхонадагилар, оила аъзоларим ҳам ҳайрон.

Обдон ўйлаб қўриб, якуний қарорга келдим. Хонамни соат учларда ичидан бекитдим-да қўнғирокни кута бошладим. Максадим, то гўшакни қўйгунча гапириш, у билан дардлашиш. Унга

ўзим ҳакимда кўпроқ сўзлашни маъқул кўрдим. Соатга караб турибман, роппа-роса уч бўлди. Телефон жиринглади. Гўшакни олдим. Саломлашиб, кўл телефонимга юборган хабари учун раҳмат айтдим. Ундан озроқ гина ҳам қилдим. У ҳакида ҳеч қандай маълумотга эга эмаслигими ни билдиридим. «Агар мен билан сухбатлашиш ниятингиз бўлса, ўзингиз ҳакингизда бирон-бир ишора билан билдирангиз яхши бўларди», дедим.

– Сизни бирон кимса менга карши ёлламаганими? Шунга ишонтиринг, – дедим.

### Яна жимлик.

Касбим иктисадчи. Ўттиз беш йилдирки ҳисобчи бўлиб ишлайман. Қилаётган ишимдан мамнунман. Ташкилотнинг иктисадий тикланишига анча-мунча хиссам қўшилган. Шунинг учун ҳам ўзимга яраша обрў-эътиборга эгаман. Тўрт нафар фарзандим бор. Иккита киз, иккита ўғил. Ҳаммаси олий маълумотли. Рафиқам олий тоифали шифокор. Кўринишим ихчам. Бўйим бир метру етмиш саккиз сантиметр. Бошимнинг сиғими эллик олти, оғирлигим етмиш саккиз килограмм. Кўйлагимнинг ёқаси кирк икки, оёқ кийимим ҳам кирк иккинчи ўлчамли. Буғдой рангман. Сочим кирк ёшимдан оқара бошлаган.

Ҳозир оппок. Кўзларим катта-катта, юзимнинг чап томонида билинар-билинмас хол бор. Кошларим қоп-кора. Юрданда дадил қадам ташлайман. Кўпроқ оқ кийим кияман... Ҳаётимдан мамнунман. Қизиқадиган соҳам – қадимий, ўрта аср тарихий воеалари ҳақидаги асарларни кўп ўқийман. Бу ҳакида анча-мунча маълумотлар тўплаганман. Ҳар қандай колок, иқтисодий ночор ташкилотнинг молиявий салоҳиятини яхшилаш учун озгина бўлса-да фойдам тегади, хўжалик раҳбари ва бош ҳисобчиси соғлом, ҳалол фикрлайдиган ва унга амал киладиган шахс бўлса, корхонанинг нуфузи яхшиланишига ишонаман. Агар раҳбар ё бош ҳисобчи ўз манфаатини ўйлаб иш юритар экан, бу хўжаликнинг иш жараёни узокқа бормайди.

Шундай қилиб, мен учун ҳаёт – синов майдони. Бу майдонда ўзимни синайман, кимлигимни, нималарга қодир эканлигимни; нима учун яшаётганимни англашим керак.

Атрофимдаги одамлар факат ўзларини ўйлашади. Ташкилотнинг ривожланиши, иқтисодий самарадорлик улар учун ёт нарса. Келдингми, келдинг. Нима мақсадда келдинг? Бугун хўжаликка қандай нафинг тегди? Келгусида хўжаликни кенгайтириш, ишлаб чиқаришни ривожланти-

риш, таннархни пасайтириш эвазига олинадиган даромадлардан унумли фойдаланиш, шу корхонада келажакда фарзандлари ишлаши ҳакида ўйлаб ҳам кўрмайди. Ой охирласа: «Иш ҳаки нега кечикди? Нега маош ошмаяпти? Нега фалончининг ойлиги кўп? нега меники оз?» – деган саволларни кўйишади. Бу чаласавод, ўз ҳак-хукукини билмайдиган одамлар билан қандай қилиб хўжаликни ривожланган, чет эллардаги миллионер компаниялар даражасига олиб чиқиш мумкин? Қолаверса, бизнинг мулкдорларга ҳам худди шундай, қаёққа бошласа эргашадиган оломон керак. Авваламбор бу одамларни, (ишчи деб бўлмайди) ва мулкдорларни яхшилаб тарбиялаш керак. Қандай қилиб?! Шулар ҳакида кўп ўйлайман, ўзимча анча-мунча режалар тузганман. Европадаги тараккий этган мамлакатлардек бизнинг юртда ҳам одамларнинг ҳаёт, яшаш даражаси юкори бўлса, дейман. Орзуларимнинг амалга ошишига ишонаман...

Шу мавзуда кўп гапларни гапирдим. Соатта қараб кўяман. Соат миллари тўртга яқинлаша бошлиди. Гўшакдан «дуд-дуд»деган овоз эшитирди.

Сездимки, нотаниш кимса бир соат эрин масдан менинг гапларимни эшиитди. Ҳайрон коладиган жойи шуки, гўшакни кўяётганда чукур

нафас олди. Гүё гапларимни нафас олмай эшитгандай таассурот қолдирди менда.

Яна ўз ишларим, ўз юмушларим билан бўлиб кун ботди, тонг отди. Эрталаб ишга, банкка бориш. ҳисоб рақамдаги пул маблағларини таксимлаш, ишлаб чиқаришта зарур бўлган ускуналар сотиб олиш ва шунга ўхшаш ҳар доимгидек бир хил иш жараёни курсовида тушлик бўлганини сезмай қолдим. Хонага келиб соат уч бўлишини кута бошладим. Энди бу ёғи менга ҳам қизик эди. Хўш, бунинг охири нима билан тугайди?! Барibir, бир куни у ўзини таништиради. Мулокотга чиқади. Ҳар нарсанинг ҳам аввали ва сўнгти борку?! Хонамга назар ташлар эканман, рўпарамда турган компьютерга синчиклаб карадим. Бу мосламадан ҳар балони кутса бўлади. Хона тўридаги хужжатлар қўйиш учун аргувондан ясалган олди ёпик жавонлар ҳам сеҳрли кўринарди менга. Ўнг томонимдаги ходимлар ўтириши учун мўлжалланган олти дона курси худди устимдан кулаётгандай эди. Хона тўридаги иш столининг ўнг ёнидаги темирдан ишланган ўн икки киши амаллаб силжита оладиган сейф хўжаликнинг бор сирларини ютадиган кафасга ўхшаб қакқайиб туради. Чап томонида эса газета ва журналларга мўлжалланган ихчам стол, унинг устида якиндагина

нашрдан чиккан янги шеърий китоблар турарди. Соат уч бўлди. Телефон жиринглай бошлади. Гўшакни олдим. Жимлик...

– Кўшниларим ҳакида гапириб бераман,— дедим саломлашгандан сўнг. – Ажойиб қўшниларим бор. Чап томондаги қўшнимнинг ёши мендан уч ёш кичик. Жуда зийрак, ҳамма билан ҳам чикишиб кетавермайди. Ўта жиддий. Табиати шундайми, билиш кийин. Ҳарбий. Сўзлашганда дона-дона, аник ва лўнда килиб гапиради. У билан эрталаблари кўришиб тураман. Эрталаб баъзан ярим соат, гохида кўпроқ турли мавзуларда сухбатлашамиз. Бизнесга ҳаддан зиёд кизикади. Мен иктисад соҳасида ишлаганим учунми банклардаги ўзгаришлар, солик тизимидағи янгиликлар, ташкилотларнинг молиявий ҳолатига тўскинилик килувчи омиллар тўғрисида саволлар беради. Мен газеталардан ўқиган янгиликларни сўзлаб бераман. Кейин қуюқ хайрлашамиз. Агар бирон кун субхидамда кўринмай колсам, бир баҳона топиб чакириб олади. Дарвоза олдида ихчамгина қилиб тахтадан ясалган ўриндикка жойлашиб:

– Хўш, бугун бизнес оламида нима янгиликлар?! – деб гап бошлайди.

Ўз соҳаси ҳакида лом-мим демайди. Соҳаси ҳакида савол берсан, гапни бошқа томонга бу-

риб, охири бизнесга тақайди. Ҳа, мана шундай ажойиб қўшним бор.

– Сиз, дарвоқе гапирмайсиз, ё соқовсиз ёки умуман тилингиз йўқ, – дейман гўшакка. – Нима бўлганда ҳам нафас олишингизни эшитиб турибман-ку. Ўнг томонимдаги қўшнимни таништирадиган бўлсан, у – курувчи. Ниҳоятда одамохун. Менга жуда хурмат билан қарайди. Ҳар доим мендан олдин салом беради. Кўпроқ дам олиш кунлари тўкнаш келамиз. Ҳовлиси менинг ҳовлимга ўхшаб чала. Якинда сотиб олган. Ўзининг айтиши бўйича қандайдир катта қурилишда ишлайди. Ҳар хил қурилиш материалларини олиб келиб битмаган уйини тиклаш билан овора.

– Ҳорманг, – дейман уни кўрганда. – Хўш, пишиқ ғиштни қанчага олдингиз?

– Ўзимиизда «дехкончилик», – дейди соддалик билан.

«Ё тавба, ғишт ҳам дехкончилик бўладими», – деб ўйлайман. Ажабланиб елкамни кисаман. Қўшним мендаги хайронликни тушунгандай:

– Биласиз-ку, қурилишда ишлайман. Ўн мoshин ғишт олсак, бир мoshини бўёкка жўнатилади. Ҳудонинг куни кўп. Ҳовли ҳам битай деб қолди, насиб бўлса уй тўйини ўтказамиз, – дейди.

— Ҳа, шу кунларга етказсин, дейман. Ҳали битмаган, ойналар кўйилмаган, усти шифер билан ёпилган уйимга қараб, дарвозамнинг кўримсизлиги ичимни тирнайди. Бу кайфиятдан чикиш учун қўшним билан хайрлашаман. Кўшнилар ҳақида сўзлайвериб, соат тўрт бўлганини ҳам сезмай колибман. Гўшақдан «дуд-дуд» деган товуш эшитилди.

Анча енгил тортдим. Кайфиятим ўзим сезмаган ҳолда кўтарилиди. Осмонда учиб юргандай хис кила бошладим ўзимни. Бўлаётган воқеалар ҳақида ҳеч кимга айтганим йўқ. Кимгадир айтишим керак-ку, дердим.

Ё ҳарбий қўшнимдан маслаҳат сўрасамми, ёки рафиқамга айтсаммикан? Телефон соҳасида ишлайдиган бир танишим бор. Шундан сўрасам-чи? У менга қўнғироқ килаётган одамни аниклаб беради. Нега шу ҳақида олдинроқ ўйламадим-а. Эртага соат учгача танишимни топаман, ускуналари билан келиб бу ишга ойдинлик киритади.

Ховлидаги темир чорпоя устида болишни қуҷоқлаб, хаёл оғушида осмонга қараб ётганимда қўл телефонимга хабар келди: «Сиз бу сұхбатимиз ҳақида ҳеч кимга айтмаслигингиз шарт. Мабодо, айтсангиз ўзингизга ёмон бўлади...»

Ол-а, нима демокчи бу нотаниш кимса? Энди очикчасига кўркитишига ўтдими? Менда кечаётган ўйларни қаёдан англади, ё телепатмикан? Ҳакикатан ҳам оқибати ёмон бўлса-чи? Тўртта фарзандим бор, улар ҳали ёш. Уларни оёқка кўйишим, уйли-жойли килишим керак.

Бу ўйин яна қачонгача давом этади?!

Эй Худо, Ўзинг ёрдам бер. Ёки мени ўз синовингдан ўтказаяпсанми? Воеалар шундай давом этаверса, жинни бўламан-ку! Менга нималар бўляяпти? Бунинг қандайдир чораси бўлиши керак. Рухшуносга кўринсаммикан? Эҳтимол, оддий галлюцинация бўлаётгандир. Боши-охири йўқ, лекин одамни умидсизлик боткоғига етакловчи телба-тескари бу ўйлар тинчимни шу қадар буздики, оромим йўколиб, бошимда ғужгон ўйнаётган ҳавои ҳисларни жиловлашга куч топа олмасдим. Фол кўрсатсан-чи? Эй қўй-е, Эркор, бу ғирт шайтоннинг иши-ку. Қандай кунларга колдим? Кутиш, худди гўшакдаги одамдай сабр билан чидаш керак. Охирги дақиқагача нима бўлишини, бу воеаларнинг ечими кун келиб очишини бардош билан кутишдан ўзга чорам йўқ.

Эрталаб барвакт турдим. Кайфиятим яхши. Ҳарбий қўшним билан бироз сухбат курдим. Америка сиёсати ҳакида гап очган эдим, хуш-

ламади. У нима учундир кутилмаганда аёллар хакида гапириб кетди. «Биласизми қўшни, аёл эрини оғзимдаги лукмам деб ўйлади. Чайналган бу лукмага бошқа аёл қарамайди. Уни хоҳлаган вақти ютаман, деган бемаъни хаёл билан яшайди». «Ҳаммаси ҳам шунака бўлмаса керак», дедим шошиб. Чунки менинг рафиқам бундай ўйламаслигига ишонардим. Миямдаги ўйни ошкор айта олмадим. Бирор асоси бордирки, шу фикрга келган, деб ўйладим.

Қўшним соатига қараб сухбатни кисқа қилди. Хайрлашиб, хизматдаги «Нексия» машинасига ўтириб ишга кетди.

Ишхонага етиб келганимда, деярли барча ходимлар ўз ўрнида эди. Хонамнинг эшигини очарканман, котибага: «Мени соат учдан тўртгача хеч ким безовта килмасин, бошлиқ сўраса муҳим ишлар билан банд эканлитимни айтинг», – деб илтимос қилдим. Котиба чиройли табассум билан қошларини чимириб:

- Ҳали эрталаб-ку, Эркор aka, – деди.
- Бугун хисботларни кайта назоратдан ўтказмокчиман, – деб хонамга кирдим.

Хонам кўзимга файзсиз кўринди. Жиҳозларнинг ранги қочгандай, тўшалган гилам оёқ ости-

да топталавериб титилмаган бўлса ҳам, ўз хизматини ўтаб бўлганини эслатар эди.

Омбор мудирини чакиртирдим. Унга бу гиламларни алмаштиришни, ҳозир эса кичикрок радио келтиришини буюрдим. Юрагимга ўзим билмаган ҳолда ваҳима тушди. Гўё жиҳозларни алмаштиrsам таскин топадигандай, хонамни синчилаб кўздан кечирар эдим. Хаёлимда бирдан телефондаги одам гўшакдан чиқиб: «Хўш, ўзинг килган гунохларинг тўғрисида лом-мим демаяпсан-ку. Шунчалар фариштамисан? Кўриб-кўрмаганга, билиб-билимасликка олган қанча-канча нопок ишларнинг гувоҳи бўлганлигингни тан олмайсанми?» – дея саволга туваётгандек эди.

Эшик очилди. Омбор мудири радиони ўрнатиб чиқиб кетди.

Тараалаётган куй қулогимга ёқди, берилиб эшита бошладим. Қанча уринмай қўлим ишга бормади. Кун бўйи кўчага чиқмай паришон, хаёл оғушида тушликни ҳам унутиб, хонамда камалиб ўтирдим. Рухиятимда кечётган бу ўзгаришларни ўзим ҳам тўлик идрок эта олмасдим. Менинг токатимни синайдиган соат учни ёмон кўриб қолдим. Энди аллакачон куй ва оҳанглар йўқолиб, ҳар хил ахборотлар, маъносиз қўшиклар, тутуриксиз ҳангомалар жигимга тега бошлади.

Радиони ўчириб кўйдим. Хаёлимда телефон жиринглагандай бўлди. Ўзимни ўнглаб гўшакни кўтардим. Жимлик...

Бу гал салом бермадим. Бирдан мақсадга ўтдим. «Нима учун мен сизга хисобот беришим, бир соат вайсашиб, ўзимга-ўзим гапириб, мени кийнайдиган муаммолар тўғрисида узундан-узок сўзлашим керак. Менга бўлмағур хабарлар юбориб бардошимни синаш сизга ёқаяптими? Қайси килган гуноҳим учун жазоланишим ёки қўркишим керак? Нега шанба-якшанба кунлари безовта қилмайсиз? Демак, бошқа иш кунлари ҳам бу ўйинларни тўхтатса бўлади-ку!» – дедим.

«Тўғриси, чарчадим бу можаролардан. Мехнат таътилига чикаман. Энди сизга айтадиган гапларим тугади. Ўзим, қўшниларим, ишхонам тўғрисида билганларимни айтдим. Келинг, бугун охирги кун деймиз-да, сенлашиб гаплашамиз. «Сен» Худога яқин сўз. Агар каршилик қилмасангиз, сизни энди сен дейман. Назаримда сиз қандайдир фариштасиз. Одам зотидан эмассиз, чунки фаришталар олдиндан кўра олади. Сиз ҳам мени нимани ўйлашимгача биласиз. Менинг вужудимга ғулғула соладиган, обдон ўйлашга ундейдиган бу холат мени қўрқитиб туради. Демак, одам эмас экансиз, Аллоҳга яқин мавжудотсиз.

Бизга Худо инсоннинг юрагида деб ўргатишган. Худони сиз деган борми? Ҳали эшитмаганман. Масалан, «Эй Худо, Ўзингиз кечиринг», – деган гапни эшитганмисиз? Худонинг хар бир бандаси, бошига кулфат тушганда «Эй Худо, Ўзинг кечир», – дейди.

Баъзи кимсалар «ёлғизман» ёки «мен ёлғизликни хоҳлайман» деб ўзларини-ўзлари алдашади. Бундай бўлиши мумкин эмас, чунки хар қандай ёлғиз одам билан Тангри бирга. Аллоҳ унинг юрагида. Шундай килиб, мен ҳозир сизни сен демокчиман. Розимисан?!

Жимлик... Энди очикчасига ўтайлик. Сен қандай киёфадасан? Гўзал кизмисан? Ёки... Аслини олганда менга фарки йўқ, канака кўринишида бўлишингнинг. Бу жим туришларинг, қўл телефонимга хабар юборишларинг билан нима қилмокчисан? Сабримни синаяпсанми? Ёки менинг кўркоклигимдан фойдаланиб ўзингга ёқадиган ўйин топганингдан кувонаяпсанми? Шуни биламанки, сенинг чекингга тушиб колишим менинг фожеам. Бунинг олдини олишнинг ягона чораси – мулоқотларимизни тўхтатиш. Ёшим элликдан ошган бўлса ҳам, бошка мамлакатга ишга кетишим мумкин. Ҳозир бундайлар оз эмас. Россия

шашарларида, Кореяда, Қозоғистонда, Европа-нинг турли мамлакатларида, ота-онасини, оиласини, болаларини, юртни ташлаб, ризқ излаб юрган кимсалар озми... Шуни ҳам биламанки, айримлари калтак еб, майиб-мажрух бўлиб келаётган бўлса, баъзилари ўзга юртларда дом-дараксиз, денгизга чўккан тошдай йўқ бўлиб кетмоқда. Куни кеча дам олиш куни Мироқи кишлоғига бордик. Ана манзара, ҳавонинг тозалигини айтмайсизми. Кишини ҳайратга соладиган бундай жойлар бошқа ўлкаларда камдан-кам топилади. Тоғ бағирларида худди қўл билан экилгандай, тизилиб турган яшил арчалар. Кўрса кўз кувонадиган ёнғок дарахтлари. Юқорирокқа чиқиlsa, гуллаб, ўзини оппок-сарик чойшабга ўраган дўлана дарахтлари, писта-бодомларнинг эндиғина баҳор нафасига тўяётган шивирини эшлитиб, кўзингиз қувонади. Мени ўйга толдирган жойи шу ердаги кишлок кўчаларида йигитлар кўринмайди. Кўча бўйлаб экилган узун тераклар остида кексайиб қолган момолар, ахён-ахёнда олдига супача килиб, устига шарбат, сигарет, ҳар хил сакичлар, минерал сувлар, курт, туршакларини ёйиб ўтирган чолларга ҳам дуч келамиз.

Шу гўзал гўшада иш ўринлари ташкил килиб, пистазорлар, бодомзорларни, умуман, тоғ ҳаво-

сига мос келадиган боғдорчилик, чорвачилик соҳасини йўлга қўйса бўлади-ку.

Аслида биз нимани кутяпмиз? Ноёб мевали дарахтларни кўпайтириш, юртимизнинг бозорларини тўлдириб, қолаверса, янада кўпроқ етишириб чет элларга чиқариш, жаҳон бозорида ўз ўрнини эгаллаш фурсати аллақачон келган-ку? Бир вактлар Варганза анорлари, олмалари, Қаршининг Лағмон узумлари, анжирлари номи жаҳонга таралган. Қани у дехқонлар?..

Гапираверсам гап кўп.

Кексалардан эшитишмча, қурғокчилик ёкиш каттиқ келганда, очарчилик бўлганда, юрт бойлари ўзаро келишиб, кунларни бўлиб олишган. Ҳатто баъзи бойлар кирк кунлаб тўй берган. Тўғри, уларнинг бу базмида мактаниш, бир-бидан ўзиш, топган сармоясини кўз-кўз қилиш таъмлари ҳам ётган.

Асосийси, юрт ахлининг қорни ҳар куни тўйган. Очлик балосидан омон қолган. Ҳадиси шарифда ёзилишича, бойлар тўрт хил бўлади:

«Ҳаромдан топиб ҳаромга сарфлайдиганлар, улар дўзахийдир.

Ҳалолдан топиб, ҳаромга сарфлайдиганлар, улар ҳам дўзахийдир.

Ҳаромдан топиб, ҳалолга сарфлайдиганлар,  
булар ҳам дўзахийдир.

Ҳалолдан топиб, ҳалолга сарфлайдиганлар жан-  
натийдир».

Хўш, бизнинг бойлар кайси тоифага киради?!

Бу савол, жумбокларнинг охири борми?! Бу-  
нинг ечими қайси авлодга насиб қиласди?

Дардинг ичингда тўлиб кетган экан-ку, де-  
япсан. Ҳа, ичим тўла дард! Бу иллатдан милли-  
он йиллардан бери кутула олмаяпман. Фаришта  
бўлсанг, саволларимга жавоб бер! Нега жимсан?  
Сўзларим ёқмадими?

Телефон гўшагидан «дуд-дуд» деган овоз  
эшитилди. Соат тўрт бўлди

Ё алҳазар! Мен нималар деяпман ўзи?! У фа-  
риштами, паривашми, нега ундан аламимни ола-  
япман?! Унинг нима айби бор? Мени текшириш  
учун маҳсус «кулок» бўлса-чи? Ўзингни кўлга  
ол, Эркор. Ҳали яшашинг, ўғилларингни уйлан-  
тиришинг, кенжа қизингни узатишинг керак,  
шу кунгача орттирган обрў-эътиборингга болта  
урма. Шунча йил жим яшадингми, бу ёғига ҳам  
жим бўл.

Гўшакни узоқ ушлаб турдим. Кераксиз, ор-  
тиқча юкни елкамдан туширган одамдай ўзимни  
енгил ҳис қилдим.

Котибага солик инспекциясига боришимни айтиб, уйга жүнадим. Рухим тетик бўлса-да, биронта одам билан сұхбатлашишдан кочардим. Чунки шу кеча-кундузда ҳаётимда кечаётган бу ғаройиб воқеаларни айтиб қўйишдан кўркар эдим.

Энг яқин сирдошларимдан бўлган шоир билан ҳам учрашмадим. Мен билан ҳамсұхбат бўладиган дўстларимга қўнғирок қилиб, ишларим ниҳоятда қўпайиб кетганини, ҳозирда безовта килмасликларини илтимос килдим. Уйда ҳам ниҳоятда камгап бўлиб қолганимдан рафиқам ҳайрон.

– Тинчликми? – деб сўрайди.

– Тинчлик, Худога шукур, – дейман.

Дам олиш кунлари китоб ўкиш баҳонасида уйга камалиб оламан. Миямда такрорланаётган мантиқсиз ўйларни қанча ҳайдамай, устимга бостириб, ўзим ўйламаган ҳавои гаплар келаверади. Телефон гўшагини олсан, калламга келган сўзларни тинмай гапиравераман. Бу гапларни ҳеч ким мендан сўраётгани йўқ-ку?! Ихтиёrim ўзимдан кетганини сезмай, худди туш кўраётгандек хаёлимда гавдаланган воқеалар кўз ўнгимда намоён бўлади. Кейин сўзлайвераман, сўзлайвераман, ҳеч гапим тугамайди. Қулғимга

кимдир пичирлаб мана бу гапни айт, энди у гапларни айт, деб бошқараётгандай туюлади. Олдинлари режа тузиб, тайёргарлик кўриб, ҳангомаларни эслаб, уни зериктириб кўймаслик учун гапирган бўлсам, энди тайёргарликсиз гапириб, баъзан соат тўрт бўлганини сезмай коламан. Гапиравераман, гапиравераман, ҳеч сўзим тугамайди. Менга бу сўзамоллик қаердан илашди? Ҳайронман. Ўзимни-ўзим тушуна олмаяпман. Гўё мени кандайдир ғайритабиий куч бошқараётгандай эди. Эрталаб яна иш. Хонамга келдим. Керакли ҳужжатларни тахлаб бошлиқка имзо кўйдиришга кирап эканман, котибага зимдан қардим. Унинг негадир кайфияти йўқ. Кўзлари кизарган, ковоклари шишган, чиройли табассумидан асар ҳам кўринмайди. Ҳар доим кулиб турдиган яноклари сўлғин. Эътиборсиз саломлашдим-да, бошлиқнинг хонасига кирдим. Бошлиқ тўрда ястаниб ўтиради, у мени мулойимлик билан карши олди. Ҳужжатларга кўл кўяр экан:

– Эркор ака, сиздан бир илтимосим бор, котиба кизимиз Мохиранинг ножўя харакатини сезиб колдим. Унга озрок насиҳат кылсангиз,— деди.

Мен бу изоҳни жавобсиз қолдирдим. Чунки Мохира билан Карим Суярович ўртасидаги «ошик-маъшук»ликдан озрок хабарим бор эди.

Яқинда меҳнат таътилига чикишимни билдириб, хонамга қайтдим. Телефонни кўзимдан яшириб, ўзимни чалғитиш мақсадида хиргойи кила бошладим:

– Йигит омон бўлса хавфу хатар йўқ.

Бир оздан кейин телефон жиринглади. Гўшакни оларканман, ғалати бўлиб кетдим. Соат ҳали ўн бўлгани йўқ. «Алло» деган овоз келди.

Овозидан танидим, ёзувчи дўстим Маҳмуд Оқбош.

– Ассалому алайкум, дўстим.

– Ваалайкум ассалом.

– Нега гурунгга келмай қўйдингиз, Эрқоржон? Иш ҳеч қачон тутамаган ва тугамайди ҳам. Келсангиз, шахмат ўйнар эдик. Бирон ёкка чиқмасангиз ҳозир олдингизга ўтмоқчи эдим. Маслаҳатли иш бор.

– Келинг, соат учгача келинг, учдан кейин мени тополмайсиз, – дедим.

– Хўп, ҳозир бораман, – дея гўшакни қўйди Маҳмуд Оқбош.

Ажойиб, истеъодли ёзувчи, борган жойида даврани тўлдириб ҳаммани кулдириб ўтиради. Ҳикоялари, киссалари рус, қозок, тожик тилларига таржима бўлган. Ҳажвияларини айтмайсизми. Ҳавас килса арзийдиган истеъодод эгаси.

Махмуд Окбош хакида ўйларканман, унинг киёфаси кўз ўнгимда гавдаланди. Тўладан келган, елкалари кенг. Хумкалла, гавдаси мендан иккита келади. Кўл панжалари полвонларнинг панжаларидай гўштдор, бўлик. Шахмат ўйнашга ишқибоз бу дўстимнинг ҳангомаларини эшитиш жуда мароқли.

Соатга қарадим. Учгача беш соат вақт бор. Радиони кўйдим, ёқимли куй тарала бошлади.

Кўп ўтмай Махмуд Окбош етиб келди. Ичкарига кириб, кулочини кенг ёзиб, мени осонгина бағрига олди. Куюқ сўрашди. Ўтирдик.

– Хўш, дўстим Бакаччо (менга нима учундир шунаقا лақаб кўйган эди. Гўё мен грекка ўхшар эканман), ҳангоманинг янгисидан айтайми?

**Жавоб кутмасдан бошлади:**

– Десангиз, бир подшо мулозимлари билан бошқа бир мамлакатга борибди. У мамлакат подшоси борган меҳмонларни иззат-икром билан кутиб олиб, юртининг (тинч-тотув, бой эканлигини кўз-кўз қилибди) баланд-баланд иморатларини, ўзи яшайдиган ҳашамдор саройни кўрсатиб мактанибди.

Меҳмонларни тушликка таклиф килибди. Шунақанги лаззатли, антиқа таом тайёрлашган

эканки, жуда мазза килишибди. Овқатдан кейин меҳмон подшо ўз маслаҳатчисини чакириб:

— Билгин-чи, овқатни нимадан тайёрлади экан. Юртимизга борганда биз ҳам уларни сийлашимиз керак, — деб топшириқ берибди.

Маслаҳатчи таомнинг таркибини тезда аниклаб, Олий Ҳазратларига хисбот берибди:

— Жаноби Олийлари, биласизми, тамадди қилган овқатимиз... — деб қулоғига нималарнидир шивирлабди...

Ўз навбатида донғи оламга кетган шоҳ ҳали у даражада тараккӣ этмаган, ўзи якинда меҳмон килган подшонинг мамлакатига ташриф буюрибди. Улуғ шоҳ юрт билан танишиб, мамлакатнинг салоҳиятини янада ошириш учун подшога маслаҳатлар берибди.

Улуғ шоҳни подшо ўз аркига меҳмондорчиликка айтибди. Дастурхон атрофида ўтирган меҳмонлар ҳар хил ичимликлардан истеъмол килиб овқатни кута бошлабди. Тоқати ток бўлган подшо, улуғ шоҳнинг олдида изза бўлиб, ўрнидан туриб, эшик ёнига бориб, маслаҳатчига қичкирибди:

— Яна қанча кутиш мумкин, таомни сузмай-сизларми?

Маслаҳатчи аста келиб, подшонинг қулоғига, овқат бўлмайди, саройдаги мулизимлардан йи-

гирматасининг калласини олиб кўрдик, уларда мия йўқ, – деб қалтирабди.

Иккимиз ҳам хохолаб кулиб юбордик.

– Бизга хизмат, – дедим ўзимни зўрға кулгидан тўхтатиб.

– Иссикхона курмоқчи эдим. Шунга озроқ пишиқ ғишт керак. Нархини арzonроқ килиб берсангиз, – деди хижолатомуз.

– Сиздек одамга, бепул берса ҳам бўлади. Ахир прокурор, соликчи акаларга битта кўнгироқ билан берилаяпти-ку. Албатта, бу ҳожатингизни чиқараман, – дедим. У севинчи ичига сифмай мени қайта-қайта қучоклаб хонамдан чикиб кетди.

Ҳисоботларни топшириш учун солик идорасига йўл олдим. Бу ўта салобатли бино темир панжаралар билан ўраб олинган. Кирадиган йўлакка тўsicк ўрнатилган бўлиб, ўзингизнинг ким эканлигингизни тасдиковчи хужжат кўрсатмасангиз ичкарига қўйишмайди.

Панжара атрофида одам кўп. Таниш ҳисобчидан ичкарига нега қўйишмаяпти, деб сўрадим.

– Мажлис деяпти. Бир соатдан бери ўтирибман. Ҳисоботларнинг эса муддати келиб колди. Вактида топширмасангиз жаримага тортишади, – деди тўпланган одамларга ишора килиб.

Кутишга тоқатим йўқ. Тушдан кейин муовинимни юбораман, деган ўй билан идорага кетдим.

Август күёши аёвсиз киздиради. Яхшиям одамлар совутгичларни ўйлаб топишган. Хонамдаги совутгич меъёрида ишлаши учун ўртача иссиликни 25 даражага мослаб қўяман.

Телефонга кўзим тушди. «Ким бўлса бўлаверсин. Фариштами? Шайтонми? Фарки йўқ. Хаёлимга нима келса айтавераман. Тез кунда меҳнат таътилига кетаман. Кейин Худо пошшо» деб ўзимни-ўзим овунтирас эдим.

Соат уч. Кўнғирок овозидан ҳаловатим йўқолиб, осойишталикдан асар колмади. Хаёлимга нималар келмади дейсиз. Гўё кимгадир айтиб юрагимни бўшатиб олишим керакдай гўшакни олдим.

### Жимлик.

«Бугун Сенга айтадиганларим, бошлиғим ҳакида бўлади. У мендан уч ёшлар кичик, олдин унинг отаси билан ишлаганман. Бироз қитмирлик ва каттиклигини эътиборга олмасам, мени тушунадиган одам. Ўзини ниҳоятда авайлаб-асрайди, олий сифат матолардан кийим тикириб, дид билан кийинади. Айтишича, йигирма беш ёшидан бошлаб раҳбарлик лавозимида ишлаб ке-

лаяпти. Иш бошқариш соҳасида тажрибаси катта. Ишлаб чиқариш соҳасида бирон иш килмоқчи бўлса, ўн ўлчаб, бир кесади. Отасининг сўзини доим ёдида саклади. «Ўғлим, бу мансаблик курсисида мих бор. Унга чидаган одам ўтиради», деган ўгитини менга ҳам бир неча бор айтган. Ўзининг таъкидлашича, кўпроқ мендан маслаҳат сўрайди. Нима бўлганда ҳам мен билан ўта мулоим, эҳтиёткорона гаплашади. Айрим ҳолларда, айниқса, соликқа пул тўлаш тўғрисидаги тўлов топшириқномаларини имзо қўйдиришга олиб кирганимда, менга солиқчига карагандай карайди. Шу соҳада озми-кўпми тортишамиз.

Тушликни кўпинча бирга қиласиз. Овқатланиш вактида унинг гапи кўпроқ иш эмас, аёллар ҳақида бўлади. У гўзал, дунёқараши кенг аёлларни ёқтиради. Қайси корхонада раҳбар бўлиб ишлаган бўлса, котибаси ўта чиройли, дид билан кийинадиган, боши очик аёл бўлган. Бунинг ўзгача завқи бор, дейди викор билан. Келишган, хушрўй аёл ёнингда турса, ҳамиша ўзингга оро беришга мажбурсан. Яхши кийинасан. Ўзингни маданиятли тутишга ўрганасан. Маст-аласт юрмайсан. Оғзингдан ёмон сўзлар чиқмайди. Индаллосини айтганда, зиёли жанобга айланасан. Бу ўгитларни марҳум устозим Бекназар Бек ака

ўргатган. У кишининг айтишича, ёш, гўзал аёлга кекса одам уйланса, ёшариб, умрига умр кўшилар экан. Бу ҳолатни ўзим ҳам ҳаётда кузатганман. Бекназар Бек ака хотини ўлгач, саксон тўрт ёшида ёш жувонга уйланиб яна ўн йил умр кўрганлар. Саксонбой, Тўксонбой деган фарзандлар кўрдилар.

Сухбатни бошқа томонга бураман. Солик соҳасида ислоҳотлар бўлаётганини, ташкилотлар учун солик юкининг камайиши эвазига иқтисод килинган маблағлардан корхонанинг ишлаб чиқариш салоҳиятини ошириш, ишчи-хизматчиларнинг меҳнат ҳакини кўпайтириш, иқтисодий ҳолатни тиклашда қўшимча манба сифатида катта ишлар қилиш мумкинлигини тушунираман.

– Қўйинг шу солигингизни! Солик десангиз қон босимим ошади: ҳаммаси қоғозда ёзилган, амалда эса эски ҳаммом, эски тегирмон. Гулдир гуп...

Билмадим, ҳали-бери корхонанинг фойдасини кўрмасам керак. Ана шу, ташкилотни қаритади. Оёқлантирмайди. Билганимда бошқача ишлаган бўлар эдим. Худди чет эллардагидай.

Энди бошлиқ умуман бошқа одамга айланган, ҳозиргина гўзал аёллар ҳақида ширин-шакар сўзлар айтиб ўтирган одамга умуман ўхшамас эди.

– Ўртоказынан көбүнчөлүк болуп, барлық таңдауда да олишни хам билиш керак. Яшаш керак, демокчи-ман. Бутунга етади, тушлигимиз тугади, – деб ўз хонасига кетди.

Ха, соат хам чиқиллады юриб турибди. Ҳар ким ўз билганини ўқыйди. Менинг билгандарым ишга келиш, уйга бориш, оила деган аравани юргизиш, рўзғорнинг ғорини тўлдириш... яна нима хам кўлимдан келади. Менда сармоя йўқ. Иктидорим шунака, майда ташвишлар билан чегараланганди.

Худди бошқа киладиган ишим йўқдай соат учни пойлаб куним ўтаяпти, минг афсус. Бу холат яна қанча давом этар экан-а, дейман ўзимча.

Хонамда кун бўйи камалиб олиб, худди берилиб ишлайдиган жонкуяр одамдай ўзимни ўзим алдаб яшаганимни ўйласам, қанчалар ночор эканлигимни англаб эзиламан. Хўш, додингни кимга айтасан? Эшитадиган, сени тушунадиган, хом ғояларингга қулок соладиган жонзот борми?

Ана, жим тинглайдиган гўшак бор, соат уч...

Сармоя...

«Хусусий мулки бўлмаган фукаро беватандир», деганда ҳак экан бир файласуф. Бизнинг сармоядорлар кандай одамлар? Уларда ўзлари хам сезмаганга олиб турадиган иллат бор. Бу ил-

лат сармоядорларнинг бир-бирини тан олмаслиги. Корхонада меҳнат қилаётган ишчи-ходимларнинг иш фаолиятини қадрламаслиги. Арзимаган иш ҳаки белгилаб, боқиманда соликлардан қочиш, сабаби – иш ҳакини оширса, солик тўловлари ҳам ошар эмиш.

Узокни кўрмайдиган, кун ўтиши ҳисобига яшаётган кичик-кичик мулк эгалари йилдан-йилга тугаб, ишсизлар сони ошса-ошдики, камаймади. Натижада кичик корхоналар ўртасида молиявий таназзул вужудга келди.

Бу иллат нафакат сармоядорларда, балки барчамизнинг қонимизда бор. У олимми, файласуфми, шоирми, ёзувчими ёки раҳбарми, оддий ишчи-ходимми – бир-бирини тан олмайди, ҳамма ўзича зўр. Тараккиёт эса олдинга караб кетаяпти. Бошлиқ японлардан қаеримиз кам, деган билан ўзининг сўзига амал қилмайди. Унда Ватан, ҳалқ учун кайғуриш туйғуси сўнган, бу иллат фарзандларига ҳам ўтиб бўлган. У ўзи чиқкан тепани ўйлади. Давлатга иложи борича солик тўламаслик йўлларини ахтаради.

«Нега бизнинг мулкдорлар японларнинг бойларидай эмас?!» – деб ўйлайман ҳамиша. Ўз ташкилотининг иқтисодий тараккиёт даражасини кўтариш учун япон мулкдорлари ўзида мавжуд

сармояни сарфлаб солиқка тушадиган даромадни яширмай давлат хазинасини бойитади. Бизда-чи, мана, ўттиз беш йилдирки, иқтисод соҳасида ишлайман. Тажрибамдан келиб чиқиб айтаманки, мен билан ишлаган раҳбарлар иложи борича солик тўловидан кочиш йўлларини ахтарган. Бу давоси топилмайдиган дард хўжаликларни ин-кирозга етакловчи омиллардан биридир.

Бир-бирини алдаш, ғайирлик, димоғдорлик. Мен сендан камми қабилида иш юритиб, ўзаро низоларни авж олдиришади, ривожланиш ўрнига ички зиддиятлар оқибатида корхоналар тугатилади.

Мен гўшакка тўхтовсиз сўзлардим. Бу мантиқсиз ҳаракатим ўзимга жуда ёқарди. Кимdir эшитаётibiди-ку, худди дардини қудукка айтаётгандай, гўё айтмасам ёрилиб кетаман чоғи, тўхтовсиз сўзлардим. Кейин ваҳимага тушиб, қудукдан қамиш ўсиб чиқса-чи, деб ўйлардим. Нима бўпти?! Кимdir қамишдан най ясад чалса – чалар. Ўзи Искандарнинг ҳақиқатан ҳам шохи бўлганми?!

Кул, ҳеч бўлмаса кулгингни эшитай. Ё менга раҳминг келиб йиғлаяпсанми?!

Йиғла, тўйиб-тўйиб йиғла, йиғингни эшитай!

Қандай бўлса ҳам овоз бер, шоввоз!

Дуд-дуд, дуд...

Соат тўрт. Тўрт бўлмай кет, соатга нафрат билан қарайман. Ҳаммасига тўхтовсиз «чик, чик, чик...» этаётган соат айбдор.

Яна, «чик, чик, чик...» Қаёкка чикай?! Қаёкка борай?! Бошимни қайси деворга урай? Гўшакдаги сукунатдан кўра соатнинг бир меъёрда эринмай ўз тилида кишиларни огоҳлантириши, вакт ғанимат эканлигини эслатиб туриши реал воже-а-ку. Ҳаётимда кечаётган бир хиллик, осойишталик, ҳар нарсага кўникиш мени ўз домига олаётган эди.

Одам ҳам шунчалик мутеъ бўладими? Ўз ҳакхукукини талаб қилиш шунчалик кийинми? Нега бунчалик манқурт, мижғовсан? Қаердан юқтиридинг бу ғаройиб феълни. Куним ўтса бўлди кабилида яшашдан чарчадингми?! Бола-чаканинг тинчи деб яна қанча йиллар шу турмушнинг шу ботқоғида яшайсан! Ёнгинангда нонингни тужа қилаётган, кўша-кўша машина, кошона ҳовлилар, етти пуштига етадиган бойликни кўз-кўз қилаётган, номига бўлса ҳам, қолган сукни хайрия деб ногиронларга тарқатаётган бойваччаларнинг тегирмонига яна неча йил сув куясан? Ўлгунингча куясан. Улар сендан усталик билан фойдаланишади. Тўкин яшашни орзу қилмаганимидинг?! Йиллар ўтиши билан қора ишчига айландинг.

Наҳотки бой-бадавлат яшаш учун одамзот инсоф, диёнат, ишонч, мұхаббат, әзтикод деган түйғулардан кечиб, сүнг давлатга эришса?! Ё бу инсонларга хос қисматми?! Балким мен орзу қилған бойлик ҳеч вакога арзимас. Арзимаса нега бу нокас бойлар ҳар доим уйнинг тўрида, ошиғи олчи, мансаби, мартабаси юкори?!

Шоирнинг шеъри ёдимга тушди:

Қандайин гуноҳим бор эди, Худо,  
Рози эдим банди бўлсам зиндонга.  
Рози эдим жондин бўлсамда жудо,  
Мухтоҷ қилиб кўйдинг мени нодонга!

Қандайин гуноҳим бор эди, Аллоҳ,  
Лозиммиди ёвга ё бош эгишим?!  
Кураш майдонида панд берди, эвоҳ,  
Хоин бўлиб чиқди ишонган кишим!

Қаёkkадир кетишум керак. Ўзим бу ҳисни тўлиқ англаб етмаган бўлсам-да, вужудимда ҳукм суроётган тушкунлик, ишларимдан кониқмаслигим мени номаълум томонларга кетишга ундарди.

Ишхонага келиб меҳнат таътилига чикиш учун ариза ёздим. Ҳали имзо кўйдиришга ултурмаган ҳам эдимки, хонамга икки киши ки-

риб келди. Ҳужжатларини кўрсатиб, ўзларини таниширишди.

— Сизларнинг ташкилотингиз режали текширувга тушган. Мана буйрук, бу иш режамиз, — деб қоғозларини кўрсатди. Улар солик идорасидан бўлиб, корхонанинг икки йиллик молиявий фолиятини ва ишлаб чиқариш самарадорлигини тафтиш қилишга келганини айтишди.

— Бошлиқ ҳозир йўқ экан. Биз хужжатлар бўйича асосан сиз билан ишлаймиз. Шунинг учун ишни сиздан бошлаганимиз маъқул, — деди гавдали, формаси ўзига ярашиб турган солик ходими.

— Яхши, лекин корхона раҳбарини огоҳлантириб иш бошлашингиз керак, — дедим хотиржам.

— Майли, кутамиз, — дейишди. — Биз унгача ғазна, омборхона ва бошқа моддий бойликлар сақланадиган жойларга сизнинг иштирокингизда назорат белгиси қўйиб чиқамиз.

Мен энди гапиришга оғиз жуфтлаётган эдим, бошлиқ шошиб хонамга кириб келди.

Улар билан худди қадрдонлардай саломлашиб, ўз хонасига олиб кириб кетди.

Бир соатдан кўп вакт ўтди. Улар нимани сўзлашишди, менга коронғу. Нихоят котиба бошлиқ чакираётганини айтди.

Соликчилар режали текширувни хужжатлар асосида бошлашни айтишди. Уларга алоҳида хона ажратиб, ташкилотга алокадор иккى йиллик ҳисобот хужжатларини олиб бориб бердим.

Хонамда ёлғизман. Бунақа текширувларни иш тажрибамда кўп кўрганман. Уларнинг қандай текширув олиб боришини яхши биламан. Номига хужжатларни олдига йиғиб олиб, аслида омборхонадан ва ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг таннархидан хатолар ахтаради. Ўзларига тегишли улушни «ҳалоллаб» олишга уринишади. Корхонамизнинг йигирма беш фоиз улуши давлатга тегишли. Акцияларнинг ҳаракати, двиденларнинг таҳсимланишини назорат қилиш бўйича давлат мулкини назорат қилиш органидан ҳам текширувчи келди.

Мехнат таътилим кечикадиган бўлди. Хизмат вазифаларини бажариш билан овора бўлиб соат уч бўлганини сезмай қолибман. Назоратчилардан менга бир соат ҳалакит қилмасликларини илтимос қилиб хонамга кирдим. Эшикни ичидан кулфлаб кўнғирокни кута бошладим.

Менинг ички вазиятимда канчалик безовталик бўлмасин ташки кўринишимда вазминлик, ишонч, катъият хукмрон эди. Ўзимга ўзим далда бериб, ҳаётнинг бу ғаройиб ўйини ҳар кимга

ҳам насиб этавермаслиги ҳакида ўйлар, бу синов Худонинг менга юборган каромати деб ишонардим. Бу ғайритабий жараённинг нима билан тугашини Худодан сабр тилаб кутардим. Телефон қўнғироғи қандай пайдо бўлган бўлса, худди шундай тўсатдан йўқолади, деб ўзимни ўзим ишонтирас эдим. Яна шуни ўйлардимки, агар қўнғироқ тўсатдан йўқолиб колса нима киламан, канча кунлардан бери сас чикармай тинглаётган бу кулоқнинг маълум вактдагина мени суҳбатга чорлашига ўрганиб қолган эдим. Назаримда соат учда бўладиган қўнғироқ учун яшаяпману ҳаётимнинг шу бир соати асрларга татигулик даврни эслатарди.

– Алло...

– ...

– Ассалому алайкум, – дея салом бердим мулойим оҳангда.

«Таътилга чиқиш кечиктирилди. Режали текширув тугагандан кейин, насиб бўлса, дам олишга кетаман. Унгача, эҳтимол, бирор мўъжиза рўй бериб сен билан бирон жойда учрашиб қолармиз.

Ҳаётда нималар бўлмайди? Бу сир-асрорга тўла оламда қизиқ-қизиқ воқеалар жуда кўп бўлган. Кўринмас одамлар, учар тарелкалар, бошқа сайёраликлар, руҳлар, ажиналар кимларнингдир

кўзига кўринган-ку?! Бу ҳакикатдан ҳеч бир кимса кўз юмолмайди. Сен ҳам шулар шажара сига мансуб ғойибдан кўрувчи, олдиндан шу киска ҳаётимиз ҳакида башоратлар айтувчи Аллоҳнинг мўъжизаси бўлсанг, ажаб эмас. Нима бўлганда ҳам, мен сенга жуда ўрганиб қолдим. Шу ёшгача ўзимга бир дардкаш ахтардим. Энди адаш масам, топдим. Тўғри, дўстларим орасида шоир Элёр алоҳида мавкега эга. Унга ишониб дилимдаги бор гапларимни айта оламан. Нима учундир сен жуда бошқача чиқдинг, худди илҳом манбаидайсан.

Сенга кўнглимда газак олиб ётган, тузатиб бўлмайдиган, хом-хатала, пишмаган ўйларимни ҳам айтавераман. Юракнинг туб-тубида, ҳали бирон кимсага айтмаган анча-мунча сўзларим бор. Яхшиямки, Худойим менга сендеқ ноёб ҳамроҳни ато этди.

Менинг атрофимда яшаётган одамларга эътирозим ниҳоятда катта. Қалбимнинг энг тўрида ётган, қанча давлардан бери тинчлик бермаётган, мени азоб гирдобига тортаётган, тўғриси, эркинлигимга рахна солаётган бу оғир кўтариб бўлмайдиган тош мен тенги катта-кичик замондошларимнинг ҳам елкасида юк бўлиб ётибди. Бунака ҳаёт юкини сезмаганлари эса, бир-бирини

алдаш, ҳасад килиш, қандай йўллар билан бўлса-да, юкори мартабага кўтарилиш, бойлик ортириш, бойлигини кўз-кўз килиш учун хайриялар тарқатиш, ногиронлар корнини тўйғазиши эвазига охиратларининг обод бўлишига эришиш никобида яшаяпти. Асл башараларини кўрсатишмайди. Қадимий ривоятларда айтилишича, диний таълимотларни мукаммал ўрганган бир шайх, уламолар ва одамларни тўплаб:

– Хўш, нима учун Худога ибодат киласизлар? – деб савол берибди. Гуноҳкор бандалар:

– Аллоҳ бизнинг гуноҳларимизни афв килишини сўраб илтижо қиласиз, – дейишса, гуноҳ килмаганлари:

– Охиратларимизни обод килиш учун, – дейишган экан.

Шунда Шайх яна сўрабди:

– Сизлар Худога рўпара бўлишни хоҳлайсизларми?

– Қандай килиб? – дейишибди улар.

– Аллоҳга юз тутиш учун икки қадам қўйиш керак... Биринчи қадам дунёдан (мол-бойликдан) воз кечиш, иккинчи қадам охиратдан воз кечиш, – деганида бошқа, Шайху уламолар ғазабланиб дунёдан воз кечишни тушунса бўлади. Лекин охиратдан нега воз кечиш керак, деб уни ўртага олишибди. Шайх уларга тик қараб:

– Кўрдингларми, гунохкор оломон бу ҳикматни англамади. Сиз аҳли ислом уламолари Худога юз тутадиган одам эмассизлар. Сизлар охиратларингизни ўйлаб бу дунёни тарқ этгандан кейин жаннатдан жой олиш учун тоат-ибодат килгансизлар. Юраларинг тўрида у дунёниг манфаати ётибди. Худо учун, Худо йўлига деб халқни алдайсизлар. Бу килаётган ибодатларинг ёлғондир, – деган.

Шайху уламолар улуғ Шайхни шаккокликда айблаб, унинг ўлимига фатво берган. Кўпгина кишилар кўнглини ёлғон таскинларга тўлдириб, ўзларини-ўзлари алдаб яшаяптилар. Бу азалдан бўлган, бундан кейин ҳам бўлади, дейишади жўр бўлишиб.

Дунёга келдингми, иймон-эътиқодингни бутун килиш учун тавба кил! Тавбангни Тангри кабул килади. Гуноҳларингни (тўхтовсиз гуноҳ килавер-да) кечиради.

Комил инсонни етиштиришга кўп уринишди, лекин чиқмади. Нега комил инсон чиқмаяпти, деб бонг уришади. Қаерда хатога йўл қўяяпмиз, дейишади. Бандаси такрор-такрор хатога йўл қўяверади.

Давраларда уламоларни эслалиб қани энди улуғ шахсларимиз яна кўпроқ бўлса эди дейишади, куюнишади.

Лекин уларнинг таълимотлариға заррача ҳам амал қилишмайди.

Аллоҳга юз тутиш учун икки қадам у ёқда турсин, ярим қадам ҳам ташламайдилар.

Бўрттириб-бўрттириб улар ҳакида ривоятларни бичиб-тўкишади. Гўё улар шунга муҳтождай. Яна комил инсон ҳакида ўйлай бошлашади.

Кўп ва узок ўйлайман... Шу оқимга кириб чўкиб кетайми бўлмаса?! Миллионлаб одамлар туппа-тузук чўкиб-ботиб, кўриниб-кўринмай юрибди-ку. Сен ҳам шуларнинг бирисан-да. Замондан чикиб қаёқка борасан. Бу холатдан факат тарки дунё қилиб кутулиш мумкин. Ўзингни ўзинг кўп кийнама. Шунчалар ҳам ношуд бўласанми, жон шунчалар ширинми?! Шайтон бутун вужудингни эгаллаб олибди-ку! Ундан кутулиш йўлларини бобокалонларимиз такрор-такрор айтишган-ку. Шунга ҳам бардошинг етмайдими?! Ўзи бардош борми?! Қаердан келувдинг, қаерга кетаяпсан?! Дунёни расво қилиб кетаяпсан-ку!

Айбим шу жамиятда яшашимми?! Нега энди бу дунёга келганим учун айбдор бўлишим керак. Қанча-қанча улуғ ишлар бўляяпти. Шаҳарлар кўркамлаш-тирилмокда, янги шаҳарлар бунёд этилмоқда. Алломаларнинг мақбараларини қайта

тиклаш, тараккиёт, техника, самолётлар, коинотни ўрганиш, ўзга сайёralарни топиш – буларнинг ҳаммасини менинг замондошим қилаяптику! Нега кўз юмишим керак бу тараккиётдан. Боболарим бу мўъжизаларни кўрганда албатта:

«Баракалла, болам, омадларингни Худо берибди. Худонинг севган бандаларисиз», – деган бўлар эди. Инсоннинг ички киёфаси-чи, ўзгардими? Худбинликдан чекиндими? Миллион йил олдин яшаган одам билан ҳозир яшаётган одам орасидаги ички ўхшашлик қай даражада? Ўзгарганми?

«Яхшилик қанча тарғиб килингани билан, ёмонлик унинг аксидай кенгрок қулоч кермоқда. Шу нафс балоси бор экан, бу иллатдан одам боласи кутула олмайди. Инсоннинг қизиқишини яхши томонга йўналтириш учун нима килиш керак? Жамиятни нима бошқарайпти? Изла, буларнинг жавоби бор. Ҳар доим бўлган. Фақат сенинг хиссиз юрагинг, кар қулоғинг, кўр кўзинг кўрмаяпти буни...»

Дуд, дуд, дуд...

Соат тўрт.

Беҳол бўлиб қанча ўтирганимни билмайман. Шу ўтиришда оромкурсида қотиб ухлаб қолибман.

Уйғонганимда вакт алламаҳал бўлган чоғи, ташқари қоронғу эди. Хонамдан чиқдим. Идорада коровулдан бошқа ҳеч ким йўқ. Соат кеч тўққизлар чамаси.

Корхонамиз шаҳарнинг жанубий чеккасида жойлашган, катта йўл ёқалаб аста уйга жўнадим. Атрофимдан ғиз-ғиз ўтаётган турли маркадаги енгил машиналарнинг чироклари кўзни қамаштиради.

Хаёл билан бўлиб, шаҳар марказига етганимни сезмай ҳам колдим.

Тунги шаҳар. Худди байрамлардагидек ўчиб-ёнувчи ёритгичлар билан безатилган. Йўл бўйлаб тизилиб кетган қатор чироклар ўзининг чиройини кўз-кўз килиб, шахарга янада салобат, файз бериши билан бирга, кўчани худди кундузгидай чароғон килиб кўрсатади.

Шу кунларда шаҳар таниб бўлмас даражада ўзгарган эди. Шаҳарнинг кок ўртасидан ўтадиган кенг кўча бўйлаб эски шахарга борар эканман, бундан беш-олти соат аввал гўшакка айтган сўзларимни батамом унуган эдим.

Осмондаги юлдузлар ёниб-ўчаётган чироклар билан кўз кисишаётгандай гоҳ хира, гоҳ чароғон нурларини таратар эди.

Йўлкада пиёдалар сийрак кўринади. Бу тунги сайрнинг роҳатбахш озукасидан тўйиб-тўйиб

хузурланаман. Шаҳарнинг тунги манзарасига маҳлиё бўлиб, Одина масжидига етиб келдим. Боболаримиз меҳнатига канча таҳсинлар айтсак оз. Одина масжиди ёриткичлар курсовида мовий осмонга учётган ғаройиб ярим шарни эслатади.

Масjid устида тўлин ой бор ёғдусини тўкиб, уни қаёқларгадир олиб кетаётган йўлдошдай фа-зога чорларди.

Қадим Насаф. Бу шаҳар X-XII асрларда жа-хоннинг энг йирик шаҳарлари қаторида турган.

Мадинаи мунаввара, Бағдод, Исфаҳон, Нишо-пур, Марв, Бухоро, Самарқанд, Насаф...

Насафнинг бу кутлуғ шаҳарлар сафига қўши-лиши, довруғининг оламга ёйилишида шу ша-ҳарда туғилган, ислом маданиятининг шуҳрати-га шуҳрат қўшган олим уламоларнинг хиссаси катта.

Узок ўтмишни ёдга солувчи бу зиёратгоҳ шаҳар, не-не бўхронлар, канча-канча урушлар, кирғинлар, вайронагарчиликлар, зилзилаларнинг шоҳиди бўлди. Бузилди, қайта тикланди, яна бу-зилди... Собиқ Шўролар даврида Одина масжиди жиноятчилар учун хибсхонага айлантирилди...

\* \* \*

Эрталаб, ишга келгач, турли ўйлар гирдобида паришон ўтирап эканман, телефон жириングлади. Соатга карадим. Соат ўн бир.

Гўшакни олдим.

– Алло?!

– Ассалому алайкум, Эркор ака, – деган овоз эшитилди гўшакдан.

– Ҳа, шоирим, бормисиз? Нега узок жим бўлиб кетдингиз?

– Пойтахтдаман. Бир олам янгилик, якинда бораман, гаплашамиз. Янгамга, жиянларга, дўстларга салом айтинг.

– Хўп, ўзингиз ҳам соғ бўлинг, Элёржон! – дедим-да, гўшакни қўйдим.

Яна иш. Тафтишчиларга арзимаган камчиликларни тушунтириш, уларни тушликка олиб чиқиб, меҳмон қилиш, шунга ўхшаш кунлик ташвишлар менинг зиммамда. Соат учга яқинлашган сайин ўзимни ноқулай хис эта бошлайман. Меҳмонлардан узр сўраб, хонамга кирдим. Эшикни бекитиб, қўнғироқни кутдим. Телефон жириングлади. Гўшакни олдим.

– Омонмилар, менинг фариштагинам!

Бугун нима учун мен бой эмаслигим ва бўла олмаслигим тўғрисида гапирмокчиман. Биламан,

ишлиб чиқаришни йўлга кўйишга сармоям йўк. Ёлланиб ишлайман. Ҳали косам оқармади, сочим оқарди. Худойим яна қанча умр бергани Ўзига аён. Ёмон яшамайман. Яхши ҳам эмас, ўртача, одамлар орасида бир гап бор-ку: «Қозикнинг боши ҳам, учи ҳам бўлма. Боши бўлсанг гурзи ейсан, учи бўлсанг, ерга кирасан. Ўртаси бўл». Қозикнинг ўртаси, қозикнинг боши ерга киргунча, то бирон болта келиб энди керак эмассан, деб ёриб ташлагунча яшайверади...

Эҳтимол, менинг пешонамга қозикнинг ўртаси бўлиш ёзилгандир. Бой бўлиш айб эмас. Мен ўттиз беш йилдан бери тер тўкаман. Бой бўла олмайман. Бой бўлишнинг ўз сирлари бўлса керак. Бойлар бу ҳақда лом-мим дейишмайди. Бир танишим бор, яхиси шу одам ҳакида сўзлаб берай. Исми Мардон. Бирон бир давлат идорасида ишламайди. Данғиллама ҳовлиларидан ўнтасини биламан. Укасининг, жиянининг, болаларининг номига куриб ташлаган. Машинасини ҳар ой алмаштиради. Айтишича, бизнес билан шуғулланади. Дўконларга ҳар хил спиртли ичимликлар таркатади. Иктисадий аҳволи таранглашганда, олдимга маслаҳат олгани келади. Албата қурук кўл билан эмас, тўлиб-тошиб, бир ойга етадиган озик-овқатни усталик билан йўлинни килиб рўзго-

римга ташлаб кетади. Рафиқам, рўзғорда камчилик кўпаяверса, анави «бизнесмен» жўрангиз кўринмай қолди, ишлари яхшими дейман, деб менга шама килади.

Бир куни шу «жўрам» дардини тўкиб солди. Анчагина кайфи бор. Менга жуда ишонишини, агар рухсат берсам, чала турган ҳовлини тез кунда битказишини, унга жуда ёкишимни, менинг маслаҳатларим боис кўп ютукларга эришаётганини айтиб, баландпарвоз гаплар килди. Кейин секин қулоғимга шивирлаб: «Яна битта арок цехи очдим, мана беш йилдирки, дала ҳовлим ертўласида ўғилларим билан арок тайёрлаймиз. Кечаси ишлаймиз. Тўғриси, ёмон яшамайсану бой бўлиш кийин. Маҳаллага катта мачит қуриб бердим. Давлатимга давлат қўшилишини сўраб, ҳаккимга дуо қилишаяпти. Ҳар ой уларни чакириб худойи қилиб бераман. Чиким ҳам қилиш керак-да. Кеча меҳрибонлик уйига иккита рангли телевизор, иккита совутгич ҳадя килдим. Насиб бўлса, йилнинг охирида битта «Дамас» машинаси олиб бераман. Бу ишни ҳозир амалга оширишга кучим етади. Баъзи одамлар кўролмайдими, ишонч ракамларига қўнғирок қилиб ёки юмалок ҳат ёзиб, жигимга тегишади. «Борни кўролмайди, йўкка беролмайди». Бунакалар ҳам анчаги-

на. У куни устингиздан шикоят тушган деб роса титкилашди. Арок ишлаб чиқарадиган цехларим шаҳардан ташкарида. Уни ўзим, ўғилларим билади. Баривир, меҳмон қилиб, совға-салом билан жўнатдим...»

Бу мен билган манзараларнинг энг кичкинаси. Бойлик изидан қувиб, не-не расво ишлар билан шуғулланиб юрган каслар озми?! Қайси шаҳарга борма – тикилиб ётибди. Уларнинг қармоғига илинаётган ёш-ёш қизлар камми... Тақинчоғу совғаларга ўч бўлган киз-жувонлар майшат ботқоғига ботмокдалар.

Эй, гўшак, сенга айтаяпман. Бу беҳаёқ кинолар ёшларни қаёққа бошлияпти? Ҳамманинг ҳам бардоши бир хил эмас-ку. Ўзини тия била-диганлари ҳам бор. Лекин бу иллат болалагандан болалаб, муҳитни бузаяпти. Унинг олдини олиш йўлини қанча излама, тўхтатишнинг ҳеч иложи йўқ. Мамлакатга яширин йўллар билан кириб келаётган яланғоч, беҳаёқ расмлар ва касеталар оқимини ким тўхтата олади?! Де Саднинг расволарча ёзилган китобини ўкиётган одамлар хаёт тўғрисида нималарни ўйляяпти? Ёки бу ўтиш даврими? Инсон зотига тўғри келмайдиган бу жоҳилликни инсоният бошидан кечириши керакми?!

Бир пайтлар буюк ҳинд ёзувчиси: «Эй Аллох, ҳеч қачон Ҳиндистонга Мопассан келмасин», деб илтижо қилган экан.

«Ўғил болани қўп пул, киз болани кам пул издан чикаради», дегани рост. Тарбия қачон бузилган? Бой бўлгин-да, мухитни истаганингча бузавер, дегани эмас-ку?! Бу касалликларни даволашнинг иложи борми?! Иложи бўлса нимани кутаяпмиз?!»

Дуд, дуд, дуд...

...

Сукунат. Бошим кизиб кетди. Соат миллари тўртни кўрсатмоқда. Ҳеч ким билан хайрлашмай уйга жўнадим.

Нега мен гўшакни олганда фақат қора доғларни кўраяпман? Ҳаёлимда олдингида мавж урувчи соф, тоза фикрлар ўрнига ҳаёт оқими нукул иллатлардан иборатдай туюлаяпти. Ўзи кимман? Бу дунёга нимага келдим? Ёруғ дунёга келишим менинг ихтиёrimda эдими? Вужудимни қамраб олаётган, менга таҳдид солаётган ваҳималар қаёқдан келаяпти? Энди нималарнидир англаб ета бошлаганимда ёруғ оламдан нечун кўз юмишим керак? Нима учун ҳад-худудсиз коинот тизимида, ҳеч қандай қадриятларга эга бўлмай, тасодифларга тўла ҳаётнинг оддий ўйинчоғига

айланиб қолишим, умримнинг самарасиз ўтиб кетишига йўл кўйиб беришим керак?!

Нега?!...

Шунча йиллик хаёт тажрибасига эга бўлган мендек одам ҳам бу саволларга жавоб топишга кийналар эдим. Юк жуда-жуда оғир, уни кўтаришга илм етишмасди. Илм бўлганда ҳам ботиний илм йук . Ер юзида ҳозирги кун маълумотларига кўра етти миллиард одам яшашини инобатга олсак, шу одамлар яна юз йилдан кейин ном-нишонсиз тупрокка коришиб йўқ бўлиб кетишини, улардан саноклигина номлар, яъни тараккиётта ҳисса кўшган (олимлар, ихтирочилар, шоирлар, ёзувчилар, рассомлар ва х.) ларнинг номлари колишини эсласам, ўшаларнинг бири-да мен ҳам, ном-нишонсизлар сафидиа йўқ бўлиб кетаман дердим. Ўрнимизга худди бизларга ўхшаган яна тўккиз миллиард одам кайтадан дунёга келиб, борлиқда бу ҳолат неча бор такрорланиши ажабланарли. Бундан дунёга нима фойда?!

Эй, тинчгина ўз оиласидан бағрида, ойнаи жахонда ҳар хил сериалларни кўриб, ҳалол-покиза яшаётган эдинг-ку. Қайт шу ҳаётга...

Эҳ, тезроқ тафтишчилар ишини тутатсалар эди. Бироз дам олган бўлардим. Бутун танам, асабларим зўриккандан зўриқаяпти...

\* \* \*

Ишга барвакт келдим, ҳамишагидек узундан-узок иш, тушунтиришлар, коғозбозлик.

Ишхонамда ўзимга ўзим хисоб бериб, радионинг овозини кўтариб кўйдим. Радиодан майин мумтоз куй янгради. Оҳангি шу кадар ёқимли, худди бу куй менга ором бериш учун тараалаёт-гандай эди, ёмон хаёллардан ўзимни чалғитишга уриндим. Мусика калбимдаги ваҳимани сикиб чиқарди гўё...

Хонамга тафтишчи кириб келди. У радионинг овозини бироз пасайтирди-да:

— Мумтоз куйларни ёқтирас экансиз-да, — деди рўпарамдаги стулга ўтириб: — Текширувни якунлаш арафасидамиз. Ҳисоботлар бўйича эътиrozим йўқ. Қанийди, ҳамма хисобчилар сиздай ишлашса. Кўп ташкилотларни текширганман. Ҳеч қайсисидан кониқмаганман. Ўчириб ёзишлар, бошланғич ҳужжатлардаги чалкашликлар, ҳужжатларни тўлиқ тақдим этмаслик текширувни орқага суради ва мураккаблаштиради. Сизда ҳаммаси оддий, жой-жойига қўйилган. Андоза сифатида кўргазмага қўйса арзиди.

— Раҳмат, — дедим фикрларимни бир жойга тўплаб қаршимда турган, мендан ўн беш ёшларча кичик йигитнинг юзига бокарканман. У жуда

хотиржам. Эгнидаги формаси ўзига ярашган. Енги калта кўйлагидан бақувват мускуллари унинг кучга тўлганлигини кўрсатиб турарди. Унга бир оз қараб турдим-да: «Савол берсан бўладими?» – деб сўрадим.

– Марҳамат, кўлимдан келса жавоб бераман, – деди у мулоиймлик билан.

– Ойлигингиз канча?

– Шартми жавоб беришим? – деди у ажабланниб. Қуюқ қошлари чимирилди.

– Жавоб бермасангиз ҳам майли, шунчаки сўрадим-кўйдим, – дедим.

– Сиз менинг янги машинада юрганимни кўриб шу саволни бераяпсиз чофи? – деди.

У безовталана бошлади. Ноқулай ҳолатдан чикиш учун бўйинбоғини тўғрилаган бўлди-да, ўзини хотиржам тутишга уринди.

– Узр, ноўрин саволим учун. Кечиринг мени, бекорга кирмагандирсиз? Хизмат? – дедим.

– Менга сизнинг иш услубингиз ёккани учун айрим ўзимга боғлик нарсаларни сўрагани кирган эдим. Малол келмаса тушунтирангиз, пишиқ ғишт ишлаб чиқариш бўйича тежамли, арzon лойиҳаларни сиз яратган экансиз. Бу борада ажойиб натижаларга эришибсиз.

Сиз ҳакингизда кўп одамлардан эшилдим. кайси ғишт заводига бормай, бу Эркор аканинг лойиҳаси бўйича қурилган дейишади. Ҳакикатан ҳам, шу кеча-кундузда улар жуда яхши натижа бераётганига ўзим гувоҳман. Мен ҳам пишик ғишт ишлаб чиқарадиган корхона очмокчиман. Ўзингиз бош-кош бўлсангиз, харажатлари менинг ҳисобимдан, – деди у паст овозда.

Мен иккиланмай унинг юзига қараб: «Йўқ», – дедим.

– Нима учун ўйлаб кўрмасдан рад жавобини бераяпсиз?

– Сабаби шуки, сиз ёшсиз, қолаверса, нозик жойда (солик идорасида демадим) ишлайсиз. Ишлаб чиқаришнинг моҳиятини билсангиз-да, унинг манбаларини билмайсиз. Билганингиздан кейин эса, жиноят йўлига кира бошлайсиз. Кейин кайтиш кийин. Шунинг учун тинчгина ўз ишингизни давом эттирганингиз маъкул.

– Сиз бу ерда ишлаб жиноят қиласизми? – деди унинг важохати ўзгариб.

– Йўқ, жиноят килмаяпман, жиноятчиларнинг орасида ишляяпман, – дедим кўзимни лўқ килиб.

– Қандай жиноятчилар? Нега биз кўрмадик? Ким улар? Бизга айтинг, чора кўрайлик? Мен

сизни тушунмадим. Шунча йилдан бери бирга ишлаган одамларни қандай күркмасдан жиноятчилар дейсиз!

— Ҳазиллашдим, — дедим хотиржам. — Сизни синамоқчи эдим. Жуда хүшёр экансиз. Ёшлар шундай бўлиши керак. Доим сергак, ҳар қандай хавфга зарба беришга тайёр туриши шарт. — Ўрнимдан туриб, қўлини маҳкам сикиб қўйдим. У нима қилишини билмай, каловланиб ўрнидан турди. «Кизик, жуда кизик», — деди-да, хайрлашмасдан чикиб кетди.

Ҳа, соликчи укам, жуда кизик. Энг кизиги шу ердаки, ҳамма балони билиб турибсан. Пишиқ ғишт ишлаб чиқаришни обдон ўрганиб, менинг олдимга кирдинг. Аввал бу содда лойиҳаларни ким яратганини, куёш нурида текинга куриётган хом ғиштларнинг ҳисоб-китобини қилиб хумдонларга жойладинг. Пишиқ ғиштлар жарак-жарак пул бўлиб тинчингни бузди. Келаётган фойда ҳисобсиз эканлигини англаб етдинг. Кейин менинг олдимга келиб, aka, корхонани курайлик, ўзингиз бошкарувчи бўласиз, дединг.

Соатга карадим, соат миллари учни кўрсатмоқда. Телефон жиринглаши билан гўшакни олдим. Вужудимни жунбушга келтирувчи, ўзимни гойибона кўлловчи, кўрғоним десаммикан? Нима

десам ҳам мени тоқат билан эшитувчи, сўзларимни бўлмай, барча ҳасратларимни бирга тингловчи, эй овозсиз, тилсиз, кулоқсиз, кўзсиз, жарангсиз, жонсиз ҳамроҳим. Сенинг бир соатлик ташрифинг, менинг йигирма уч соатлик умримдан буюк.

«Хаёлларим пайхон-пайхон, ўйларим сарсон, кўнглим-чи вайрон-вайрон. Ичимда яшар бир одам, ташимда яшар бир одам. Иккиси ҳам менман-ку. Яйраган ҳам мен бўлдим, яйрамаган ҳам мен бўлдим. Қақшаган ҳам мен бўлдим, қақшатган ҳам мен бўлдим. Ўзлигини унутиб яшамаган ҳам мен бўлдим. Ўзгаларга ўз бўлган, тузлиғига туз бўлган, шўр пешона мен бўлдим. Ҳай, айтайнин нелардан, сўзидан қайтган мен бўлдим. Юрагим пора-пора, танам қалтирас, кара. Бу аҳволда куним ўтар, не чора? Яна қанча яшайман, Худо билар. Борлитимга шубҳам бор, гумонларим минг пора... Эй парилар-парилар, сўзланг, жим туриш етар...»

Негадир жим бўлиб қолдим. Тилимга куйилиб келаётган сўзлардан ўзим ҳам таажжубланиб соатга карадим. Соат ўн беш дақика кам тўрт.

Бурнимдан қон кела бошлади. Чап кўлим билан стол тортмасидан пахта олиб бурнимга тикдим. Қон тўхтагандай бўлди. Гўшакни стол усти-

га кўйиб, эшикни қулфладим. Мени бу холатда  
кўришларини хоҳламас эдим.

Анча вакт осмонга караб турдим. Бурнимни,  
юзимни совук сув билан ювдим. Қон тўхтади.  
Келиб гўшакни олдим.

«Ҳаммасини сезиб турибсан-а?

Мени қандай ахволга солдинг. Ёки шаънингга  
ножўя сўзлар айтдимми?

Устингдан кулдимми?»

Дуд-дуд...

Жимлик. Соат тўрт.

Ўзимга келишим анча қийин бўлди. Кимлар-  
дир хонамнинг эшигини тортиб кўрди, тақиллат-  
ди. Сассиз ўтиравердим.

Соат олтиларда уйга қайтдим.

Рафиқам мени кўриб:

– Рангингиз оқариб кетибди, нима бўлди? Ма-  
зангиз йўқми? – деб саволга кўмиб ташлади.

– Ҳа, негадир мазам йўқ, – дедим жавоб бе-  
ришдан қочиб.

Юмшок кўрпага ўралиб, ухлаб қолибман...

Эртаси куни тонгда ишга боришим билан,  
мени Карим Суярович сўраётганини айтишди.

Хонада текширувчилар ҳам бор эди, бошлиқ  
чак-чаклашиб нималарнидир муҳокама қилаёт-  
ган экан. Ходимлар билан саломлашиб бўш стул-  
га ўтиредим.

Карим Суярович менга синчикалб қаради-да:

– Мана, текширув далолатномаси, танишиб, имзо қўйиб беринг, – деб бир нусхани қўлимга тутқазди.

Далолатнома хайрон коларли даражада ёзилган эди.

Гўё хужжатлар асосида текширилганда ишчи-ходимлардан ушланадиган даромад солиги кам микдорда ушланган. Айрим ойларда ушланган солик йигими ўз вақтида солик идораси ҳисобига кўчирилмаганлиги сабабли ҳар кечиккан кун учун жарима солинган эди. Маҳсулот сотишдан олинадиган ягона солик бўйича ҳам соликка тортиладиган сумма камайтириб кўрсатилган ҳоллар мавжуд. Ўқидим: «Ташкилот ҳисобидан соликка ундириладиган жами сумма қўлланилган жаримаси билан 1240000 (бир миллион икки юз кирк минг) сўм ундирилсин. Ташкилот раҳбари, бош ҳисобчиси йўл қўйилган нуксонлар учун маъмурӣ жавобгарликка тортилиб, беш минимал ишҳаки ҳисобида жарима ундириб олинсин».

Ажабланиб солик инспекторига карадим. Бошлиқ нимадир дейнишимни билди-да:

– Эркор Орипович, юринг хонангизга, сизга баъзи нарсаларни тушунтириб бераман, – деб мени хонамга бошлади.

– Биласизми, – дея гап бошлади у. – Агар хозир шу далолатномага имзо қўймасак, ахвол чаток. Сотилган маҳсулотларнинг баъзилари кирим килинмаганлигини аниқлаган. Бундан ташқари, омборхонадаги камчиликларни ҳам далолатномага ёзишса, солиқдан катта микдорда қарз бўлиб чиқамиз. Биз ўзаро келишдик.

– Хужжатлар бўйича далолатномада кайд этилган камчиликлар йўқ бўлса ҳам, ўзим рухсат бердим. Оппок деб ёзиб кета олмайди-ку. Сиз иккиланмай имзо қўяверинг, бу ёғига ўзим кўндаланг, – деди бошлиқ асабийлашиб.

– Мен тушуна олмаяпман, Карим Суярович. Агар мен билан маслаҳат килганингизда, далолатномани бошқачароқ қилиб ёзишига кўндирадим. Ҳойнаҳой, анча-мунча харажат қилгандирсиз, – дедим ўзимни хотиржам тутиб.

– Сиз имзо қўйиб беринг. Вассалом, – буйруқ оҳангода деди Карим Суярович.

– Йўқ, – дедим шартта. Қандайдир ички куч шу сўзларни айтишга ундади мени.

– Мен хужжатларда акс этмаган, ёлғон далолат-номага қўл қўймайман, – дедим. Карим Суярович худди айбини тезгина бўйнига олган одамдай:

– Шунча йил бирга ишладик, ака-укачилик хурмати мени шарманда қилманг. Энди барча маҳсулотларни тўлиқ кирим килдирман. Бунака чўнтағимдан пул тўлаб ишлаш ўзимнинг ҳам ҳикилдоғимга келди. Ишонинг менга, – деди ялинган оҳангда.

– Мени озрок ёлғиз қолдиринг, ўйлаб кўрай, – дедим. Карим Суярович чикиб кетди.

Хўш, қўл қўймасам нима бўлади? Демак, ишдан кетаман. Кейин-чи? Қаерга иш қидириб бораман?! Бу эски най кўп вактдан бери бир хил куйини чалаётган бўлса...

Бошингни кўп котирма, далолатномага имзо қўй. Мендаги охирги ўй ўз ҳукмини ўтказди. Ҳақиқатдан қўркоқнинг қўркоғи эканман, далолатномага имзо қўйдим. Котибани чакириб, коғозларни бошлиқка олиб боришини айтдим.

Бутун танам зирқираб, шу қадар ночор, ҳеч кими йўқ, суюнчиқсиз кимсадай нотавон эканлигимдан уялиб кетдим. Мен ичимдаги бу ўйларимни ўзгартира оламанми? Уларнинг гирдобида парча-парча бўлиб йўқолиб кетмайманми? Ҳозир борманми ўзи? Яашшим ёлғон, сўзим алдовлардан курилган. Йўқ ҳисобиман. Бу тушкунликлар хаёлимга қаёқдан келаяпти? Охири борми? Ми-

ямга бостириб келаётган кора қуюндан кутулишнинг чорасини излардим.

Чалғишим учун шоирнинг телефон рақамини тердим.

– Ассалому алайкум, мұхтарам шоири олам. Соғликлар яхшими? Сизни жуда соғындым. Ҳозир қаердасиз?

– Ваалайкум ассалом, Эркор ака. Ишларингиз яхшими? Янгамлар, болалар омонми? Ҳозир пойтактадаман. Яқинда бораман, албатта учрашамиз. Ўзингизни эҳтиёт килинг. Тез кунда учрашгунча, хайр.

Гўшакни қўйдим. Шоирнинг овозини эшитиб тетиклашдим. Кучимга куч қўшилиб, кайфиятим кўтарилганини сеза бошладим.

Ички телефон жиринглади.

– Эркор Орипович, меҳмонлар билан тушлик килсак девдим. Овлок бир ошхонага овқат буюрганман. Бирга борсак. Нима бўлганда ҳам хайрлашув куни, – деди Карим Суярович.

– Раҳмат, мен ўзимда бўламан. Сизлар бемалол тушлик қиласверинглар, узрим бор. Ҳафачилик йўқ, – дедим.

Яна ёлғизлик. Энди Карим Суярович ҳакида ўйлай кетдим. Карим Суярович ёш бўлса-да, ҳамма соҳага кизикувчи, ҳаётнинг паст-баланди-

ни ўзича талкин киладиган, раҳбарлик унга ота касб эканлигидан мағуруланиб юрадиган зотлар сирасига киради.

У ишлаб чиқаришни оёкка кўйиш мақсадида каттагина сармоя сарфлади. Эндиги нияти корхонани тўлиқ хусусийлаштириб олиш.

– 25 фоизи давлат улуши бўлса, 10 фоизи ишчи – ходимларники, колган 65 фоизи Карим Суяровичнинг мулки ахир. Унинг менга ёқмайдиган жиҳати, хотинларга ўчлиги. Аёллар ҳам пули кўплигини билиб, ортидан югуришади.

Ҳатто баъзилари адашиб менинг хонамга ҳам кириб қолишади. Суксурдай ёшгина жувонлар тараддулданиб мени бошлиқ деб ўйлайди шекили, чақирган экансиз, деб гап бошлайди. Шундан биламанки кўпчилиги Карим Суяровични кўрмаган, танишиш мақсадида келган бўлади. Булар учун ҳаёт лаззатдан иборат. Карим Суяровичнинг назарида севги қорин тўйғизмайди. Ҳирс-хавасга коришган туйғулар кўшилганда шунга ўхшаш, одамнинг корни очганини англатувчи ширин иштиёқ пайдо килади. Қорнинг тўйдими, унутасан, лекин биласанки, қорнинг яна очади. Қоринни доим тўқ саклаш танга заар, шунинг учун оч қолиб, овқат ейиш ажойиб «лаззат» бағишилайди. «Мұҳаббат оҳ-воҳлар билан

бошланиб, эснаш билан тугайди», деган ақидага жуда ўхшаш.

Хозирча котибасини беш марта алмаштирди. Билмадим, яна неча бор алмаштиаркин.

Мохира негадир күпроқ ишлаб қолди. Унинг келишган қомати, күрки менман деган эркакни ўзига жалб қиласы.

Карим Суярович нозиктаъб Мохирани очик-часига ҳаммадан қизғанади. Ўзича унинг қаерга борганини, дам олиш кунлари нималар билан шуғулланишини одам ёллаб бўлса ҳам, кузатиб юради. Хуллас, Карим Суярович бирорларга ўзини хафа қилдирмайдиганлар тоифасидан.

Бу фикрларимнинг гўшакка қизиги йўқ. Мен ҳам шунчаки ўйладим, холос.

Таътилга чиқиш ҳақидаги аризамни олиб, Карим Суяровичнинг қабулига бордим. Тушлик аллақачон тугаган. Котибадан сўрадим:

– Ўзларидами?

– Ҳа, – деди Мохира менга жилмайиб. Юзининг тиниклиги, юонон маъбудаларини эслатувчи чеҳраси, кўзларидаги беғуборлик. «Ё алҳазар, Мохирани Карим Суяровичга боғлаган ришта нима экан? Ўйладим. Албатта гўзаллиги», деб ўзимча пицирладим. Ичкарига кирдим.

1

Карим Суяровичнинг кайфияти жойида. Мехмонлар билан яхши базм бўлган шекилли, юзига кизиллик юргурган эди. У телевизордан Москва-нинг спорт каналида берилаётган тенис ўйинини томоша қиласди.

Мен тик турган ҳолатда аризамни Карим Суяровичга узатдим.

У аризамни қўлига олиб ўкиди-да:

– Ҳозир таътилга чиқишининг мавриди эмас, – деди. – Банкдан шу кеча-кундузда қарз оламиз. Банк бошлиғи билан келишганман, имтиёзли қарз беришга рози бўлди. Қарз олишга тааллукли хужжатларни тайёрлаб банкка боринг. Хохласангиз, ишни эртага эрталабдан бошланг. Кейин аризани кўриб чиқаман. Мъқулми? – деди думалок, айни вақтда қизғиш тус олган юзини менга қаратиб.

– Мени тўғри тушунинг, Карим Суярович, кўпдан бери ўзимни жуда ноқулай хис қиласман. Бирон яхшироқ клиникада тиббий кўрикдан ўтишим керак. Гап соғлигим тўғрисида кетаяпти. Хужжатларни муовиним рисоладагидек тайёрлаб олади.

– Йўқ. Мен муовинингизга ишонмайман. Унинг оғзида гап турмайди. Моҳирани ҳам менга карши қайраётган сизнинг муовинингиз.

Хужжатларни ўзингиз тахланг. Пулни хисоб рақамга туширинг-да, бемалол дам олишга бора-веринг. Моддий ёрдам пули ёзиб бераман. Ахир даволанишга пул керак-ку??!

Хонадан чиқдим. Банкка тааллукли хужжатларни тахлашга киришдим. Соат тўртдан кейин банкга бораман, хужжатларни бемалол шу бугун топшираман. Банк ҳакидаги фикрим ниҳоятда нохуш. Банк билан боғлик ишлар кўпинча жанжал билан битар, баъзан бошлиқнинг ўзи аралашиб ишни тинчтар, кўпинча келишмовчилик юзага келарди. Ишчи-ходимларга маош олганимизда накд пул йўқ деса, бирон ташкилотга маҳсулот олиш учун ўтказиладиган пулни вактида ўтказмай ҳафсалани пир қилас эди. Бу можаролар ҳар куни бўлмаса-да, ойига уч-тўрт маротаба бўлиб турарди.

Соатга қарашга юрагим бетламасди. Назаримда телефондаги номаълум шахс, мен ҳакимда кўп маълумотларни биладигандай, қандайдир нохуш воқеа бўлишини ич-ичимдан сеза бошладим. Қанчалик ўзимни хотиржам тутмай ичимдаги тошкин, катта ташвиш юзага келишидан хабар берарди.

Телефон жиринглади. Соат уч. Гўшакни олдим.

...Жимлик. Негадир унга дардларимни түкким келмай қолган эди. Нима бўлганда ҳам бир соат гапиришим, унинг менга бўлган токатини хурмат килишим керак, деб ўйлайман.

Олис болалигим ҳакида гап бошладим.

«Мен Эркор 1950 йилда киш ойида Тошгузар қишлоғида туғилдим. Отам Ориф ўғли Элдор 1918 йилда, онам Аҳмад кизи Хурсанд 1926 йилда шу қишлоқда чорвадор оиласида дунёга келган.

Улар уруш тугаши арафасида оила куришган. Опам Оймехр 1948 йилда, синглим Машар 1956 йилда, кичик синглим Гулнор 1958 йилда – айни юрт қашшоклашиб, одамларнинг корни нонга тўймаган даврда туғилишган.

Отамнинг от араваси бўлиб, бизнинг оиласи из, колаверса, бутун қишлоқнинг оғир кунларида мададкор бўлганини, турмушнинг аччик қийинчиликларини енгишда катта хизмат кўрсатганини, ҳали-ҳали одамлар оғзиларидан қўймай гапириб юришади.

Эсим кириб мактабга борганимда, отам менга янги кийим олиб берган. Тушдан сўнг уйга келсан, итимиз мени танимай уйга киргизмаган. Шуларни эсларкан-ман, болалигимнинг энг баҳтиёр дамлари баҳор булутидай шамолларга ўйин бўлиб ўтиб кетганини ҳис қиласман, холос.

Синфдан синфга аъло баҳолар билан ўтиб, ёшимга ёш қўшилган сари, турмушимиз ҳам фаровонлашиб борарди. Тўйиб овқат ердик. Мирекиб болалар билан ҳар хил ўйинларни ўйнар эдик: чиллак, ошиқ, зув-зув, бекинмачок, уруш-уруш, ланка, ок теракми-кўк терак, подшо-вазир, соққа, мак-мак, пойга...

Саккизинчи синфга ўтгач, таътил вақтида кўшни қишлоқда яшовчи Фотима холамникига меҳмонга кетдим. Икки ойки болалар билан ўйин гаштини суриб чопқиллаб юрганимда, холам келиб: «Эркор, тез бўл, уйингга кетамиз, – деб колди. – Уйинг куйди, болам», – деди-ю, уввос солиб юборди. Ўн тўрт ёшдаги ўспирин нима бўлаётганини тушунмай, вужудим титраб кетди. «Нега ўйим куяди? Ким ўт кўйди, холажон», деганимча ўйимизга етиб келдик. Ҳовлимизда бутун қишлоқ йиғилган, хотин-қизлар «ув-увлаб» йиғлашади. Деворга тўртта тобут суюлган. Иккита кичик, иккита каттароқ ёғочдан ясалган бу хунук тахталарни ҳали-ҳали нафрат билан эслайман.

Наҳотки ўт тушган бўлса, нега ёнғин кўринмайди? Юрагим шувиллаб, жойимда ўтириб колдим. Катта момом (менинг киндигимни кесган) Бегам момо бошимни уқалаб: «Эркоржон, сен

омон бўл, Худойим уларнинг умрини сенга берсин. Ўзингни тут, гавдангни кўтар, сен йигит кишисан, сен эрсан, йигитлар, эрлар йиғламайди, болам. Бевакт ўчган уйнинг чироғини энди сен ёқасан. Отанг ҳам йўқ, онанг ҳам йўқ, сингилларинг ҳам йўқ. Опанг мажрух, касалхонада. Ўзингни ушла, болажоним», – деб уввос солиб йиғлайди.

Кўзларимга бир катра ҳам ёш келмасди. Гўё ёш кўзимда музлаб колгандек эди. Момомнинг дийдиёлари, эркаг-у аёлларнинг фарёди ҳам бу музни эрита олмади. Қанча вакт ўтганини билмайман. Мени уйга олиб киришди. Уйнинг тўрида отам чиройли, қора соқоли ўзига ярашган, уйкуга кетган одамдай ётарди.

– Отанг билан хайрлаш, – деди елкамдан тутиб амаким.

Мен тош ҳайкалдай котиб қолгандим.

Мени бошқа хонага киритишди. Онагинам гулдор матога ўралган, факат юзи очик, худди менга қараётгандай эди. Ёнларида иккала синглим ҳам матога ўралган, юзи очик, тепага қараб ётишарди. Тамоман ўзимни йўқотиб кўйдим. Мозор тепасидагина ўзимга келдим. Худойшукур амаким қўлимдан тутиб, олдин отамнинг қабрига, кейин онам ва сингилларимнинг қабрига

бир сиким тупрок ташлатди. Хаёлимда яшин тезлигига «Опам кани?» деган мудхиш садо янграгандай бўлди. Амаким сезди шекилли:

– Опанг касалхонада. Худога шукур, хозирча яхши, – деди бошимни силаб. Юрагимни бир умрга мажрух килган бу манзара умрбод кўз ўнгимда, то киёматгача унутмайман...

Шу билан менинг ўсмирилигим якунига етди. Бирданига катта одамлардай, ташвишларга кўмилган киёфада улғайган эдим. Момом бекорга уввос солиб йиғламаган экан, эр бўлдинг деб. Мен йигитликни сакраб ўтиб, ўзимни кап-катта эркакдай тутардим.

Опам анча ўзига келиб уйга кайтди. Ундан нима воеа юз берганини сўрашга қўркардим.

Амакимнинг айтишича, отам бозордан сара буғдой дони олиб, уни тегирмонда ун килдирган. Мен бўлмаган икки ой ичидан онам тегирмон ундан нон қилиб ёпганлар, ҳаммалари ейишган. Баъзи ҳамсояларга ҳам улашганлар. Ун заҳарланган экан. Улар оз истеъмол қилганлиги сабабли касалхонада даволаниб соғайиб кетишган. Шифокорлар опамнинг тирик колганига ҳайрон. Ёш бўлгани учун захарга қарши кураша олган, дейишади.

Амаким отни ва аравани сотиб, бизнинг кам-кўстимизга ишлатдилар. Холам келиб

опамни ўз уйига олиб кетди. Амаким менинг ҳовлида қолишимни, агар кетсам, уй бузилиб кетишини тушунтирилар. Ёлғиз ўзим ҳувиллаган уйда яшарканман, тақдиримда ўсмирлигимдан ёлғиз яшаш битилганини у вактлар тушунмас эдим.

Опамни ўн етти ёшида қўшни қишлоқка турмушга беришди. Менга поччам бўлгувчи одам умуман ёқмасди. Шу сабабли опамникига бормас эдим.

1967 йилда мактабни битирдим. Мен учун қишлоқда яшаш ниҳоятда оғир кечарди. Отам, онам, сингилларимнинг ҳаётдан бевакт кўз юмгани кўз ўнгимда такрор-такрор намоён бўлаверарди. Тунлари туш-ларимга кириб, аллақандай мудхиш воқеалар ичидаги яшардим. Тенгдошларимга кўшилмасдим. Ёлғиз ўзим ғамгин ўйларга ботиб, гўё юз берган ҳамма воқеаларга ўзимни айбор ҳисоблардим. Ёлғизлик мени ўз қаърига тортиб, рангимни сомон рангидай хазон қилиб кўрсатарди. Бундан ташибишланган опам қайнонаси билан келиб, мени уйга олиб кетишга кўндиримокчи бўлди. Кўнмадим. Шаҳарга ўқишига кетаман, деб оёқ тираб туриб олдим. Саратон ойининг охирларида бор-будимни тўплаб мен учун нотаниш бўлган шаҳарга жўнадим. Опамнинг қистови би-

лан ўзим истамаган, умуман қизиқмаган иқтисодчилик бўлимига хужжатларимни топширдим. Имтиҳонлардан ўтдим. Нихоят, талаба бўлдим. Менинг ўқишига киришим келгуси ҳаётимни ўзгартириб юборишини, мурғак тасаввуримга сифмаган турмушнинг аччик ҳакикатларини англасам-да, бу мен учун қизиқарли ҳаётнинг бошланниши эканлигини билмасдим.

Опам ўқишини битиришим арафасида оламдан ўтди. Ортидан чирқиллаб, икки қиз, бир ўғли колди. Менинг нотавон ёшлигим шундай якун топди. Мен энди шаҳарлик эдим.

Менинг мураккаб ва фожеали ўтган ёшлигим химояга нихоятда муҳтоҷ бўлса-да, атрофдан суюнчиқ топа олмасдим. Қариндош-уруғлар ўз йўлига, улар хол сўрашади, насиҳат килишади, ўзларича йўл кўрсатишади.

Начора, 1970 йил декабр ойларида газ таъминоти бошкармасига оддий хисобчи бўлиб ишга жойлашдим. Менинг шаҳардаги иш фаолиятим аянчли ёлғизлик гирдобига ботган ҳолда бошланди. Болалигимдан прокурор бўлишни орзу килардим. Ҳечкиси йўқ, иқтисодчи бўлдим...

Айни баҳорнинг қиёзғин палласи, ҳамал ойи. Қирлар кўм-кўк билан лолакизғалдокларнинг чандон очилган даврда ҳарбий хизматта чакирил-

дим. Москвадай катта шаҳарда ўтган икки йиллик ҳаётим, одамларга бўлган меҳр-муҳаббатим тубдан ўзгариши, мустакил яшаш ва дадил ишга киришиш учун ҳаёт мактаби вазифасини ўтади десам, янгишмайман. Ҳарбий қисмда олти ойлик курсга катнаб, ёғочсозлик бўйича ўқиб, хунар ўргандим.

Мен ҳали ўз йўлини излаётган, ёшликда ота-она меҳрига тўймаган ўспирин бўлсан-да, қатъиятли, ўта вазмин, бир ишга киришишдан олдин обдон ўйлаб оладиган кап-катта одамга айландим.

Хизмат тутагандан сўнг Москвада қолсан ҳаётимда қандай ўзгаришлар юз беришини сезар, бу катта шаҳарда колиш учун албатта шу шаҳарда яшайдиган қизга уйланишим, уйланадиган кизим ўзимга мос, мени тушунадиган, оқила, ҳар жиҳатдан қўллаб-куватловчи ҳамфир дўст бўлса, ғоят ажойиб бўларди, дердим.

Аслида ҳаётнинг бу узун-қиска йўлларида мени нималар кутаёттанини билмасдим. Мен кўпроқ китобий ўйлардим. Шу қиска давр ичida жуда кўп бадиий асаллар ўқидим. Ҳудди китобдаги қаҳрамонлар каби, орзуларим оғушида сузиб, гоҳ Ўзбекистоннинг беғубор осмонида, гоҳ Россиянинг булутга бурканган қуюқ ўрмонларининг тепасида парвоз қиласдим.

Ниҳоят мен кутган, бир карорга келишим керак бўлган кун ҳам келди.

1973 йил май ойида аскарлик хизматимни тугатдим. Москвада, хизматдош дўстларимни кида навбатма-навбат колиб бир ой яшадим. Бутуниттифок қурилишларига ишга кетаётган тенгдошларим билан танишдим. Уларнинг мамлакат равнақи йўлида ҳузур-ҳаловатидан кечиб, БАМга, Уралга, Ўзбекистонга йўлланмалар асосида жасорат билан сафарга отланиши мени аниқ фикрлашга ундади.

Москвада колсам қандай иш билан шуғулланман, қурилишларда ишлайманми? Кейин-чи?

Бу олис ўлкада колиб кетсан, олдимга қўйган мақсадларим нима бўлади? Отам, онам, сингилларим, боболаримнинг қабрлари Ватанимда бўлса-ю, мен бу ерларда ризкимни излаб юрсан... Эркор, яхшилаб ўйлаб кўр. Сенинг жойинг туғилган юртингда. Ватанга қайт. Ҳаммасини бошидан бошла, деган нидо ич-ичимдан қуилиб келаверарди.

Июн ойининг охирларида Москва-Тошкент самолётига ўтириб, Ватанимга қайтдим.

«Мана сенга менинг мураккаб ва фожеали хаётим. Нега мени танладинг, гўшақдаги одам? Ҳамма қатори Худонинг бир ожиз бандаси бўл-

сам. Одамлар бир-бирларини алдамаса, иймонни арзимаган чакага сотмаса, дейман. Муллатарни, эшонларни кўрдим. Ўз манфаати йўлида ҳамма нарсага тайёр. Оғизларидан диёнат, инсоф, бирорвнинг ҳаққига хиёнат килмаслик, охират ҳакидаги ваъз тушмайди. Амалда эса тескариси. Буни ҳамма кўриб турибди. Мен ҳам жим, бошқалар ҳам жим. Ҳамма жим, сен ҳам жим».

Дуд-дуд... гўшакни кўйиб кўйдим... соат тўрт.

Хужжатларни олдим-да, банкка жўнадим. Банк биноси шаҳар кўркига кўрк кўшувчи ҳашамдор кўп қаватли иморат бўлиб, корхонамиздан уч-тўрт чакирим нарида, шаҳар ичкарисида жойлашган. Конус шаклидаги бу иншоот ҳамманинг дикқатини тортади. Ичкарига кираверишда посбонга рухсатномани кўрсатдим. Семиз юзли, иш формаси ўзига ярашмаган ходим хужжатими ни бир оз ушлаб турди-да:

– Соат тўртдан ўтди, aka, – деди рўпарада осилган катта соатни кўрсатиб. – Энди эртага соат тўкқизда келасиз.

Мен шу банкнинг доимий мижози эканлигими ни тушунтиридим.

Учинчи қаватга тез-тез чиқиб банк бошқарув-чисининг хонасига етиб келдим. Котибадан ичкарига киришга рухсат сўрадим.

Қадди-қомати келишган, дид билан кийинган, йигирма ёшлар атрофидаги қиз: «Ҳозир», – деди-да, бошқарувчининг хонасига кириб кетди. Фурсат ўтмай қайтиб чиқди-да:

– Киринг, – деди.

Олдин ҳам иш юзасидан банк раҳбари билан кўп бор учрашганман. Ҳурматимни жойига қўйиб, қарши олди.

Қарз олиш бўйича Карим Суярович юборганини, ҳужжатларни олиб келганимни айтдим. Унинг хабари бор шекилли, қоғозлар ичидан аризани олди-да, имтиёзли қарз ажратилсин, деб имзо қўйди.

– Кредит бўлимига боринг, – деди мулойим оҳангда.

Рахмат айтиб, мижозларга қарз бериш бўйича ҳужжатларни қабул қиласиган бўлимга ўтдим. Бўлим бошлиғи саломимга жавобан истар-истамас бошини қимирлатиб қўйди. Гўё соат тўртдан кейин нега ишлашга халақит бераяпти дегандай менга эътибор бермади. Қоғозларни олдига қўйдим. У аризага бир зум караб турди-да:

– Имтиёзли?! – ниҳоятда ажабланиб, худди биринчи бор бунақа сўзни ўкиётгандай, – имтиёзли кредит, шунақа кредит бор эканми? – деди, аёлларникига ўхшаган ингичка овозда, кошларини чимириб.

– Ё тавба, бошқарувчининг эси оғиб колганим дейман. Юкоридагилар бунга рухсат бермайди-ку! – у ўзи билан ўзи гаплашарди.

Бўлим бошлиғи худди бомбани ушлаб тургандай эҳтиёткорлик билан ҳужжатларни олдимга кўйди.

– Бунақа кредит йўқ! – деди буйруқ оҳангидা.

– Буни бошлиққа айтинг, – дедим телефонга ишора қилиб.

– Керак бўлса ўзи чакиради. Олдин мен билан маслаҳатлашиб иш қилиш керак. Бу бўлимга бошим билан жавоб бераман. Қабул килмади деб айтинг, – деди, кейин кал бошини силаб кўйди.

Мен бошқарувчи ёнига кириб, бўлган воқеани унга тушунтирдим.

Банк бошлиғи асабийлашиб, тутмани босди. Котиба кирди.

– Бадалбоевни чакиринг, – деди. Бадалбоев келгунча хонага узок жимлик чўкди. У келди-да, бошқарувчининг ёнига ўтирди.

– Хўш, Умарбой. – У «бой» сўзини ургу билан айтарди. Кулогимга «Ўммор» дегандай эшистилди.

– Битта акахонимиз бор вилоятда. У кишини сиз ҳам яхши биласиз, Карим Суярович. Агар у кишининг ҳожатини чиқармасак хафа бўлади-

лар. Ҳужжатларни олинг-да, комиссияга таҳланг. Кўриб чиқишиди, бу ёғи бир гап бўлар, – деди у босиқлик билан.

– Жаҳонгир Маматович, мен-ку ҳужжатларни оламан, лекин марказ имтиёзли қарзга рухсат бермайди.

– Бу ёғини менга қўйиб беринг, сиз тезлик билан ўзингизга тааллукли ишларни бажаринг, вассалом, – деди бошқарувчи буйруқ оҳангидা.

Умарбой бўйинини эгиб хонадан чиқди. Изидан борарканман, ҳужжатларни мендан олиб, диккат билан юзимга тикилди:

– Қанчага келишилди? – деди яқинроқ келиб.

Мен бундан хабарим йўклигини айтдим.

– Ҳа, ҳаммангнинг тилинг бир. Ахир сиз бош ҳисобчисиз, Карим Суярович сизсиз бу ишларни кила олмайди.

Мен елкамни қисиб қўйдим.

– Майли, ҳужжатлар қолсин, бир ҳафтадан кейин хабар олинг, натижасини биласиз, – деди у. Шу ерда хайрлашдик. Уйга кетдим.

Кайфиятимни хушлаш ниятида бадантарбия машқларини бажаришга киришдим.

Боқقا чиқиб дараҳтларни томоша қилас эканман, имкони борича бўлган воқеаларни эсламасликка ҳаракат килардим.

Менга энг қадрдон кунлар – шанба ва якшанба бўлиб қолди. Бу икки кунда бир оз бўлса-да, ташвишлардан, асабийлашишлардан, ўзимни-ўзим сўрок килишлардан чалғиб, ором олиш, хордик чиқариш гаштини сезаётганимни англаб борардим. Телефонда бўлаётган сухбатлардан тез кутулишим керак. Таътилга чиқаман, шоирга телефон килиб айтаман, пойтахтдан келмай турсин. Тез кунда ўзим етиб боришимни билдираман, деб ўзимни тинчлантирдим.

Эрталаб ишхонага келиб шоирга қўнғирок килдим:

– Алло! Элёржон! Ассалому алайкум, яхшимисиз?! Мен Эркор акангизман.

– Эркор ака, зўрмисиз? Насиб бўлса эртадан кейин етиб бораман, – деди севиниб шоир.

– Элёржон, дўстгинам, иложи бўлса келмай туриңг. Менинг ўзим жума куни бормоқчиман. Учрашсак, сизга сабабларини тушунтираман.

– Майли, кутаман сизни, – деди-ю, алоқа узилди.

Бугун ҳафтанинг иккинчи куни, яна уч кун бор йўлга чикишимга. Бардам бўл, Эркор! Ўзингни тут. Ҳали ҳаммаси олдинда. Кўрмагандай бўлиб кетасан. Бу кўпкарига ўхшаган талатўп

ўйинлардан кутуласан. Ўзимга тасалли бериб болшикнинг хонасига кирдим.

Карим Суяровичнинг кайфияти яхши, мен билан қуюқ сўрашди. Ўзим гап очмасдан:

– Кетишингиз аниқми? Билсак бўладими, қарга, қайси мамлакатга бормоқчисиз? – дея ҳазил аралаш сўради.

– Насиб бўлса, пойтахтдаги бир оромгоҳда ҳордик чиқармоқчиман, – дедим мамнун бўлиб.

– Яхши, биз ажратган ёрдамларни олинг-да, тайёргарлигингизни кўринг.

– Айтгандай, банк бўйича ҳужжатларни топширдингиз-а?

– Ҳа, топширдим.

– Қачон йўлга чиқасиз? – деди, кетишимдан норозилигини унутиш максадида.

– Насиб бўлса, жума куни, – дедим ўзимни эркинроқ ҳис килиб.

– Сизга оқ йўл! Соғликни асранг, – деди қўлимни қаттиқ кисиб.

Хонамга қайтишим билан чўнтак телефонимга хабар келди. Унда шундай сўзлар бор эди: «Сафаринг хайрли бўлсин. Хонадаги телефон рақамини чўнтак телефонинг рақамига алмаштири! Ўзингга яхши бўлади!»

Ё тавба! Бу нимаси? Аслида шу телефондан қочиб кетяпман-ку?! Эй Худо, нима қилай? Ўзинг мадад бер. Бошқа чидай олмайман. Сабрим тугади. Ўзинг қўлла, кудратингни кўрсат. Мендек беозор одамга кўрсатган кароматингга ишондим. Сен мен билан болаликдан, эсимни таниганимдан бери биргасан. Ё, кодир Худо! Қилган гунохларимни ўзинг кечир. Агар жоним керак бўлса, бу тарзда олма, тавба қилдим. Тўксон тўккизта номингни ёд олиб айтаманки, ўзинг кечир эй, Эгам!

Узок ўйладим. Охирги қарорим шу бўлдики, телефон компаниясиға бориб, ишхонамнинг телефон ракамига ёнимда олиб юрадиган телефоним рақамига алмаштиредим. Ҳакиқатан ҳам, бирон кор-ҳол бўлишидан кўркардим. Корхона хисобидан ён телефонимга кўпроқ пул ўтказдим. Бу можаролардан хали-вери кутулишим кийин эканлигини юрагим сезиб турарди.

Уйга бориб, котиб ухлаб қолибман. Қўккисдан уйғониб кетдим. Хонада ёлғиз ётганим, ўз уйимда эканлигимга ишонч хосил килиб, деворда осилган соат милларига карадим. Бир дакиқаси кам уч. Котиб ухлабман, ҳатто овқат ҳам емабман. Ён телефонимни олдим, соат уч. Телефоним ёкимли куй чалиб, овоз берди.

– Алло!

– ...

Кўнғироқ қилувчининг ракамига қарадим. Не кўз билан кўрайки, ишхонамдаги телефон раками туар эди. Бу қандай мўъжиза? Менга телефон қилаётган одам ишхонамдаги ракамдан чиқаётганди. Ақлимга сиғдиролмасдим. Наҳотки у менинг хонамдан телефон қилаётган бўлса?

Жимлик. «Ҳа, қадрдоним, сенмисан? Бу энди ортиқча. Ахир бу телефонда бир соат гаплашиш қанча туради? Нима қилмоқчисан ўзи?» – овозим баландлаша бошлади. Бориб эшикни ичкаридан кулфладим. «Ҳой, шоввоз, ялиноман, ҳеч бўлмаса таътил вактида тинч кўйгин. Қайтиб келганимдан кейин яна гаплашаверамиз.

Наҳотки сен ҳам менга шунчалар боғланиб колган бўлсанг.

Умуман ақлга сиғмайдиган, қанча ўйламай, охири кўринмайдиган самарасиз ташвишларим сенга нима учун керак?»

Бироз жим турдим. Мен кашф қилган одам фариштанинг ўзгинаси. Нафас олиши, хўрсиниши.

– Энди мен билан бирга яшамоқчисан, шекилли. Яхши, лекин билиб қўй, телефонга кетадиган харажатлар сенинг ҳисобингдан, – дедим кулимсираб.

Яна алжирашлар бошланди. Диққатимни бир ерга жамладим-да: «Яхиси, сенга шоир дўстим Элёр ҳакида гапириб берай», – дедим.

Элёр мендан ўн ёшлар кичик. У билан танишган даврим 80-йилларга тўғри келади. У шу вақтларда ҳам сара шоирлар каторида турарди. Матбуотда кам кўринса-да, шеърлари ёшлар орасида кенг тарқалган. Унинг ғазалларини машҳур ҳофизлар кўшик қилиб куйлашади.

Биз бир вилоятдан бўлсак-да, у асосан пойтахтда яшарди. ижодининг энг гуллаган навкирон фасли марказда ўтди. У доим: «Шоир қишлоқда туғилади, шаҳарда ўлади, – дер эди. – Менинг юрагимга ҳамиша ёруғлик нурини солган туғилган масканим, юртимдаги одамларнинг соддалиги, болалигимдан қалбимга мухрланган бўлиб қолган қишлоғимнинг содда одамлари. Шу куч, шу ишонч ҳамиша мени қўллаб-куватлайди», – дер эди.

Эсимда, 85-йиллар хизмат юзасидан пойтахтга бордим. Шоирни жуда изтиробда қўрдим. У ўзига сифлас, бўлаётган воқеаларни телба-тескари баҳоларди. Ўзбек тили ҳакида, миллатнинг тақдирни тўғрисида куйиниб, бу олчоқлар нима килмокчи ўзи, Ўзбекистонда яшасанг-у, ўзбек тилида бирон-бир муассасага мурожаат кила ол-

масанг? Нималардир килишимиз керак. Вокеалар кўр-кўронга факат кўрсатмалар асосида давом этиши мумкин эмас. Хўш, Эркор ака, айтинг, корхонамизда канча ўзбек ишлайди? Мингтами, икки мингтами – бунинг аҳамияти йўқ. Ҳужжатларнинг тўлдирилиши, йигилишлар рус тилида бўлади. Нега? Одамлар тушунса, тушунмаса, бошини тебратишиб маъқуллашади. Раҳбарларга бунинг қизиги йўқ. Улар мансабдан кетмаса бўлди. Шу хам адолатданми? Қачонгача чидаш мумкин? Бу юртнинг олимлари жим, шоири ёзувчи, зиёлилари жим...

Яна канча жим яшаймиз! – дерди кўзлари чакнаб. Мамлакатда шу йиллари йилдан-йилга жуда қалтис воеалар юз очмоқда эди.

Пахта иши, кама-камалар, раҳбарларнинг қамоқларга ташланиши, кандайdir тозалашдай кўрингани билан бу машъум воеалар, 37-йилларни эслатувчи катагон кунларининг давоми, юрт зиёлиларини, меҳнаткаш оммани боши берк кўчага бошлаб кирди. Ҳамма ниманидир кутарди.

Шоир билан пойтахт хиёбонида айланиб тушлик килдик.

У соат тўртда атокли шоирлардан бирининг хотира кунига бағишланган анжуманга бирга боришимни илтимос қилди.

Дўстим айтган шоир мен учун ҳам қадрли. Мактабда шеърларини ёд олганмиз, кўм-кўк диёrimiz манзарасини чизиб берган, бизни баҳтлар водийсига етакловчи ажойиб истеъодод соҳиби эди. Бирдан қўл телефонимда узилиш бўлди, шунда англадимки, ҳар йигирма дақиқада алоқа узилиб ўчиб, кайта кўшилар, мени сухбатга чорлар эди.

Соат тўртдан ўтгач, маданият институтига етиб бордик. Йиғилиш бошланган. Атокли профессорлар, шоирлар, шоирнинг қизи гуллар билан безатилган саҳнада қатор бўлиб стулларда ўтиришибди. Тўрда шоирнинг катта қилиб ишланган сурати осилган.

Мен биринчи қатордан жой олдим.

Минбарда гапираётган одам, шоирнинг болалиги ҳақида сўзини давом эттирди. Кейин шоирнинг ижоди тўғрисида гапирдилар. Бу сўзларнинг ҳаммаси бизга мактабдаёқ таниш бўлган, кўп бора эшитавериб ёд бўлиб кетган жумлалар эди. Учинчи бўлиб шоирга сўз берилди.

Шоир минбарга яқинлашиб, микрофонни ўзига қулай жойлаштирди. Катта, кенг хона талабалар билан тўла.

У охиста сўзларкан, гапни узоқдан бошлади.

– Хурматли талабалар, азиз ўкувчилар, мухтарам устозлар, – бир оз жим туриб саҳнага караб олди ва яна сўзида давом этди. – Мен ҳам ўкувчилик даврларимдаёқ юрагимда туғён урган Ватанга муҳаббатимни, шу она юртга садоқатимни кир-далаларда мавжланган, ҳар мавсумга хос та-крорланмас гўзаллигини қалбимизга сингдирган шеъриятни ўкиб катта бўлганман.

Ўзим кўрмаган бўлсан ҳам, кўлимга ижод қаламини олишимга туртки бўлган устозимни ҳурмат қиласман, қадрлайман.

Лекин, ҳурматли ёшлар, сизлар бор ҳакикатни билиб қўйишиларингиз керак. Машъум 30-37 йилларда, ўзбек ҳалқининг асл зиёлилари турмаларда сакланиб, ҳалқ душмани деган тамғани босиб, рус ўрмонларини кесишга бадарға қилинганини, асосан, Байкал-Амур лагерларида, Волга-Москва канали қурилишларида, Владивосток, Новосибирск лагерларига олиб бориб, ишлатиб-ишлатиб отиб ташланганлигини айтадиган вақт келди.

Энг катта лагер Дмитлогда жуда кўп маҳбуслар сакланган.

Шундай қатағон йилларида шоир яратган шеърларни ўқисангиз, қувнок, завқ-шавққа ҳамоҳанг, ҳаммаёқ кўм-кўк, баҳтлар водийсига

айланган бу ўлкада ҳамма баҳтиёр яшаётганини хис киласиз. Биз бу оҳангни болаликдан қалбимизга сингдирғанмиз.

Аслида-чи? Ҳаёт шоир айтгандай, шеърларидаги тасвирлангандай эдими? Одамлар баҳтиёргиди?!

Бу ерда савлат тўкиб ўтирган устозлар мендан ҳам кўра яхши билишади. – Сахнага яна бир караб олди. – Адабиётимизнинг асосчилари – Абдулла Қодирий, Фитрат, Чўлпон, Усмон Носир, Абдулла Авлоний ва қанча олим узбеклар катагон курбонлари бўлишди, уларнинг номларини бир соат ўқисангиз ҳам тугата олмайсиз.

Афсуски, уларнинг фожеали ҳаёти, бугунги кунда ҳаммага тўлик маълум килинмаган. Матбуотда сукунат, телевидениеда жимлик...

Хўш, бу улуғ зиёлиларнинг ўлимига кимлар сабабчи бўлган?..

Унинг овози жаранглаб чикарди. Залда жимжитлик ҳукмрон эди. Талабалар нафас олмай эшиштаётгандай, уларнинг кўзлари шоирга қадалган, шоирнинг овози эса акс-садо берарди. Ўтирганларни ўз измига солиб, кўринмас, қандайдир даъват этувчи сўз кучи билан уларни бошқаради. Менинг этим жимирлаб кетди. Сезаяпманки, ўтирганларнинг қалбида, сўз билан ифода этиб

бўлмайдиган туйғу ўзлигини ошкор қилгандай ҳаммани ўз сехрига олган эди.

Кулоклар динг, вужудлар таранглашгандан-таранглашиб борарди.

Эллик йиллар орасида бунака манзарани ҳеч ким эшифтмаган. У даврларда бунака сўзларни айтиш, бошини кундага қўйиш билан баробар эди.

Шоир сўзини давом эттирди:

– Биз келажакка тик бокишни ўрганишимиз керак. Ўзимизни-ўзимиз мақтаб, ота-боболари-миз улуғ кишилар бўлган деб кўкракка кўтари-шимиз яхши, лекин бу билан биз ҳам яхши бўлиб колмаймиз-ку.

Улар биз айтолмаган ҳак сўзларни айтиб, курбон бўлишди. Қачонгача ўзимизнинг тинч-лигимизни кўзлаб, ҳаётнинг маъқул томонлари-ни ёритишда давом этамиш? Устозлар мени ке-чирисину, турмушнинг ҳамма кирраларини баланд-пастигача очиб бериш, маданият юксали-шига одилона хизмат қилиб, одамларни маъри-фатга етаклаш биз адибларнинг вазифаларимиз эмасми?

Устоз шоирнинг тантанали туғилган кунида, яшаган давридан келиб чиқиб, илохийлашти-май, унинг инсонга хос бўлган сифатлари очиб

берилса, ўтирган ёшларга катта сабок бўлади-ку,  
нега кўрқамиз?..

Шоир шеър ўқий бошлади:

Ўлгин дединг – ерга кўмдинг –  
Илдиз бўлдим.  
Кўкка отдинг – йўқ бўл дединг –  
Юлдуз бўлдим.  
Тилим кесдинг – дилим айтди  
Рост калима...  
Қийин бўлди сенга шўрлик  
Душманим-а!  
Душманим-а, тошлар отиб  
Тўймайдирсан –  
Тупрок бўлай десам, нега  
Кўймайдирсан?..\*

Талабалар шоирнинг шеъри тугаши билан ўр-  
ниларидан туриб қарсак чалишди.

Шоир ўрнига бориб ўтирмади. Тўғри эшикка  
қараб йўл олди. Зал уни қарсак билан кузатиб  
колди. Изидан мен ҳам кўчага отилдим.

Мана сенга олис ёшликтининг бир бўлаги.

---

\*Усмон Фзим шеъри

\* \* \*

Кўл телефоним ўчди.

Тушунарли.

Кийиниб кўчага чиқдим. Ҳаво анча салкинлаб колган. Енгил шамол дарахтлар баргини шитирлатиб кишига ором бағишлайди. Мезон ойининг бошлари. Каерларданdir учиб келаётган узун, ипак толасини эслатувчи оппок толаларига илашиб, сунбула ойи билан хайрлашаётгандай хил-пирашади.

Кузнинг шашти йўклиги шунчаки табиат учун ўйин. Дарахтлардаги барглар чанг-ғуборларга кўмилган. Ойлаб ёмғир кўрмаган барглар табиий рангини йўкотган. Теракларнинг пастки шохларида япроқлар сарғая бошлаган. Кексаларнинг айтишича, дарахтларнинг барглари пастдан сарғайса қиши совуқ, сарғайиш тепадан бошланса қиши иссиқ келар экан. Бу ҳикматни билишга ҳали эрта. Куз эндинга бошланди.

Катта йўл четида секин қадам ташлаб борар эканман, гўё эркинликка қараб бораётгандай эдим. Қафасдан чиккан қушдай енгил учардим.

Юлдузларни соғингандим. Ҳар замонда осмонга қараб-қараб кўярдим.

Кеч түшса, безовта килаётган ўй-хаёлларим тун кўйнига шўнғиб уйкуга кетадигандай осмонни кузатардим.

Йўлда катнов сийраклашиб колганди. Ахён-ахёнда енгил машиналар ёнимдан ўтиб фикрими ни жамлашга, эҳтиёт бўлишга ундарди. Кўча бўйлаб болалар, катталар, асосан хотин-қизлар сайрга чиқкан, қаторлашиб кўлларида турли рангдаги елим халталарини кўтарганича гоҳ у ёнимдан, гоҳ бу ёнимдан ўтиб кетишарди. Яёв айланиш қанчалар мазза. Табиблар бекорга айтишмаган: эллик ёшдан кейин ҳар куни тўрт-беш километр пиёда юрган киши қаришнинг олдини олади, саломатликни мустаҳкамлайди.

Иш-иш деб, бу муҳим машқларни бажармай, орқада колганимдан афсусланардим.

Уйга кайтдим. Хотинимга жума куни пойтахтга боришим кераклиги учун йўл анжомларини хозирлаб кўшишини тайинладим.

Аслида телефондан кочаётган эдим. Энди бунинг иложи йўқ. «Фаришта» чўнтағимга жойлашиб олди. Шоир билан маслаҳатлашиб яхширок оромгоҳда дам оламан. Колаверса, ўзимни малакали шифокорларга кўрсатаман. Телефонни кўп ҳам ўйлайвермай, уйда бир кун бўлса ҳам дам олай.

Эрталаб... тушлик... уйку. Яна худди кечагидай қўккисдан уйғондим. Соат уч. Телефоним ажойиб оҳангни таратди.

«Ха, қадрдоним, мана энди ҳар доим чўнта-гимдасан. Иложи бўлса сухбатлашишни кеч тўк-кизларга кўчирсак. Менга кулагай бўлар эди. Таътил тугагач, яна ўз ҳолига кайтарамиз.

Биродар бўлганидан кейин бир-бири билан келишиши, маслаҳатлашиши, ўзаро ёрдам бериши уларни яхшиликка етаклайди. Мен айтганларингни қилдим-ку.

Бир-бирига зиён етказаётган оға-инилар, кариндошлиқ ришталарини узаётганлар камми, деб ўйлајпсан.

Тўғри, айрим ака-укалар, опа-сингиллар, якин жигаргўшалар арзимаган бир кариҷ ер учун ёки хотинларининг сўзига кириб, гоҳида отасининг мулкини бўлишолмай қирпичоқ бўлишаяпти. Менда эса на ака, на ука, на опа, на сингил бор. Фарзандларим, оиласи борлигига шукур қиласман. Аллоҳим уларни ҳамиша ўз паноҳида асрасин.

Пойтахтга боришимга сен сабабчисан.

Тўғриси, олдин мен вахимага тушдим. Ўзинг хам телефонимга хабар жўнатиб қўркитдинг. Менинг ўйлаган ўйларимни, фикрларимни қандай килиб билиб оляпсан? Бу жуда даҳшатли-ку!

Аста-секин хаммасига қўниқдим. Бошқа иложим йўқ. Энди абадий дўст бўлайлик. Мен ҳам одамман, адашиб фифоним чиқиб сени сўксам аччиғинг келмасин. Менга ёмонликни раво кўрма. Эндинга оёққа турган фарзандларим ҳақки. Агар болаларим, оилам бўлмаганида, менинг ҳаётим тамом бошқача кечган бўларди. Юрагимда ёнаётган исён алангасида аллақачон коврилиб, бошқа оламга кетган бўлардим.

Ҳозир эса бу сирли олам билан муроса килишга, айрим одамларнинг аклдан оздирувчи жиҳатларини кўрсам-да, кўрмаганга олиб жим яшашга мажбурман.

Бу менинг ожизлигим. Бир файласуф айтган экан: «Халқ бу миллион ноллардан иборат» деб. Олдига бир рақами қўйилса у ҳаракатга келади. Мен бир рақами бўлолмайман. Шу миллион нолларнинг ичида битта ноль бўлиб яшяпман. Мехнат одамни улуғлади, дейишади. Мехнат меъеридан ошса-чи? Буни ўз кўзим билан кўрганман. Ҳамма ишларнинг ўз меъерида бўлиши хаёт мезони саналади.

Ҳар қандай воеа унга қандай нуктаи назар билан карашга боғлик. Хайриҳоҳ кўз билан қаралса яхши. Агар қора кўзойнак остидан қаралса, унинг оддий кўзга кўринмаган доғларини кўриб

истаганча кораласа бўлади. Худди шундай ҳаёт сўқмоқларидан теран нигоҳ, ўта зийраклик билан оғишмай юриш ҳам муҳим. Унинг ботқокларига ботиб ётган чувалчангү илонларга: «Сизларнинг ҳақкингиз йўқ», – деб уларга қарши очикдан-очик жангга кириш, шу йўлда курбон бўлиш ақлизликдан бошқа нарса эмас.

Ўзимнинг ҳаёт тажрибамдан келиб чиқкан хулосам шуки, Аллоҳ, Ватан ва Муҳабbat – абадийдир. Бу буюк учликда ҳаёт мужассамлашган. Қайси одамнинг кўнглида Аллоҳ, Ватан, Муҳабbat бор экан, у яшаяпти. Шу учта илоҳий қудратдан маҳрум мавжудотлар (одамлар дейишга тилим бормайди) ботқокларда ботиб ётибди.

Неча кундирки, сен билан сухбатимизда айтилаётган аламли, изтиробли гапларга келсак, бу менинг дардларим. Буларсиз инсон – инсон бўла олмайди.

Сен ҳам Худонинг ожиз қулидирсан, сенга буюрилгандирки, мени танлабсан.

Эллик йилдан ошиқ яшадим. Бунаقا сиру синоатга дуч келган одамни эшитмаганман.

Худодан илтижом шуки, сенинг кимлигингни билсан, кейин армоним йўқ эди».

Телефон ўчди.

Соат тўрт.

Назаримда фикрларим теранлашиб, юксалғандан-юксалиб борадим. Ўтган санокли кунлар хаётимда туб бурилиш ясаётгандай, қалбимда эркинликни соғиниш ҳислари кўзғалаётганини англай бошладим. Мен уйғонаётган эдим. Узок уйкуда ётган ўлик томирларимга жон кириб мени бошқача яшашга ундар эди. Нима учун шоирга интилишимни, нега шоирни қўмсашимни билмайман, бизни боғлаб турган ришта дўстликми? Ёки яна мен англаб етмаган, энди эшигини очаётган у ердан қалбимга кираётган тоза шамолнинг беғуборлиги мени бошқача яшашга ундарди. Шоирни ички меҳр билан соғинардим. Шоир ҳалқининг мардлиги, дорнинг тагида бўлса ҳам ҳақ гапдан тонмаслиги, ўз эътиқоди йўлида событ туриши уларгагина ато этилгандай эди. Ҳавасим келарди. Нега мен улардай бўла олмайман? Олдин ҳам кўп бор ўзимга шу саволни берганман. Ҳақиқат йўлида курашиш истаги бўлган, уддалай олмаганман. Ҳаёлимдан шунга ўхшаш ўйлар ўтар экан, нега ён телефонимда айнан ишхонамдаги телефон раками кўринаяпти, деган кизиқиш мени ишхонага етаклади. Эрталаб ишхонага бордим, телефоним ишляяпти. Баъзи жойларга қўнғироқ қилиб кўрдим. У ёк-бу ёкни тартибга келтирган бўлдим. Эртага саккизларда

йўлга чиқсан, эрталаб пойтахтда бўламан, деб ўйладим. Сафарда килишим керак бўлган айрим ишларни режамдан ўтказдим. Албатта рухшуносга учрашаман. Шоирга бу ғаройиб воқеалар тўғрисида айтсаммикин, деб ўйлардим.

Хонамнинг эшиги очилиб, котиба ичкарига мўралади.

– Эй, Эрқор ака, сиз шу ердамисиз? Ассалому алайкум, – табассум билан салом берди Моҳира.

– Ваалайкум ассалом, Моҳирахон. Мумкин бўлса, чой дамлаб берсангиз. Озрок ишламоқчиман, – дедим. Котиба эшикни секингина ёшиб кўйди. Қиз тўғрисида ўйлай бошладим.

Туппа-тузук, эс-хуши жойида, бир рўзғорни гуллатади. Агар ўзи рўйхушлик берса, манаман деган йигит уйланади. Бирок Карим Суяровичнинг бу қиз ҳакидаги фикри бошқачарок: «Уни факат сайилларда, байрамларда кўз-кўз қилиб олиб юрса бўлади. Ундан яхши хотин чикмайди», – дейди.

Котиба чиройли, ихчам пахта гулли чойнакда чой ва пиёла олиб келди.

– Ўтилинг, Моҳирахон, – дедим мулойимлик билан. У мендан бу илтифотни кутмагани учунми, ажабланиб, тортиниб чап томонимдаги курсига чўкди ва чойни ҳафсала билан қайтара

бошлади. Унга диккат билан разм солдим. Оппок юзига тушкунлик соя солган. Кўзлари катта-катта, чарос. Ҳар қандай йигитнинг аклини оладиган даражада гўзал. Бу қиз ташқи жиҳатдан бекаму кўст. Жозиба ато этган табиатга тасанно айтса арзиди.

Моҳира зимдан кузатганимни сезса ҳам нокулай ахволга тушмади. Пиёлага чой қуйиб узатар экан, ўта назокат билан қараб кўйдики, тўғриси, баданим жимиirlаб кетди. Карим Суяровичнинг дидига қойил қолдим.

– Хўш, Моҳирахон, ишлар қалай? Бошлиқ шу ердами?

– Карим Суярович қандайдир иш билан кетди. Бугун бўлмасалар керак. Ишларим эса ўзига яраша, – деди синик жилмайиб.

– Мен меҳнат таътилига чиқдим, сафарда бўламан. Тўй қачон, яна қолиб кетмай. – Моҳирага тасалли бериш ниятида ҳазиллашдим.

– Тўй ҳали бўлмайди, Эркор Орипович. Чунки яхши кўрган йигитим Россияда ишляяпти. Унинг келишини кутаман, – деди маъюс тортиб.

– Майли, сизга раҳмат чойингиз учун. Кўп ўқинманг, ҳаммаси яхши бўлади. Албатта тўйни зўр ўтказамиз, – дедим кўнглини кўтариб. У жилмайганича чиқиб кетди.

Ҳа, шўрлик қизга кийин. Яшашни қайта бошлиши учун анча тер тўкиши керак. Ҳали ёш. Яхши кийингиси, яйрагиси келади. Бунинг учун пул керак. Пулни топишнинг ўзи бўладими... Хонада озрок вакт бўлдим-да, уйга қайдим. Ҳаёлларимни чалғитиш мақсадида бир шоирнинг охирги чиккан китобини жавондан олиб варалай бошладим:

Гар ўлсам бешигимнинг  
Ёпинчигин топинглар.  
Йиртиқ, ямок бўлса-да,  
Тобутимга ёпинглар,

Кўрсинлар йигилганлар,  
Умрим бари хатодир.  
Бу оламда топганим,  
Шу бир парча матодир...

Шеърнинг мағзини чакиш учун файласуф бўлиш шарт эмас. Фақат одам бўлиш керак эди, холос. Нима учундир ўзимга-ўзим аланималарнидир валдираб уйга сиғмасдим. Бошлиқнинг ҳайдовчисини соат учларга яқин чақириб идорага қайтиб келдим. Хонамга кирдим.

Хаёлимда мени кандайдир шарпа кузата-  
ётгандай туюла бошлади. Хох уйда, хох ишхонамда бўлмай, мени таъкиб килаётган кўзга  
кўринмас бу қўланкадан кутулиш йўлини излай  
бошладим.

Соат уч. Дабдурустдан қўл телефоним жи-  
ринглаб қолди. Яшил тугмачани босдим:

Жимлик...

– Ҳой, нега қўл телефонимга чиқаяпсан?

Ахир мен атайлаб сен билан сухбат қилиш  
учун бу ерга келдим. Кел, хонамдаги телефон-  
да сухбатлашайлик, – деб гўшакни кўтардим.  
Қисқа-қиска дуд-дуд-дуд овозини эшитдим. У  
дил сўзларимни қўл телефонимда эшитишни ис-  
тарди.

«Марказга кетаётганлигим сабабли ҳаётимда-  
ги унutilmas бу воқеани сенга айтмоқчиман.

1986 йилларда мамлакатда Муборак Наврўз  
байрамини ўтказиш, майитнинг жанозасини  
ўқиши, мозорга бориш, диний маросимлар, мачит-  
ларга қатнаш умуман тақиқланган эди. Одамлар  
ҳайрон. Нима бўляяпти? Нега қадриятларимизни  
оёқ ости қилишаяпти? Қанча минг йиллик тарих-  
га эга урф-одатларни тўхтатиб кўйиш мумкин  
экан-да, деган гаплар чойхоналарда, ошхоналар-  
да, майда гурунгларда айтилса-да, бирон кимса

юрак ютиб очиқчасига минбардан айта олмайди. Ҳадди сиғмайди. Зиёлилар бу жараён яхшиликка олиб бормаслигини билсалар-да, жим...

Бу даҳшатли жимликнинг замирида кучли тўфон борлигини кўпчилик англаса ҳам, унинг качон бошланишини билмайди. Бунга бош-қош бўлиб турган юкори мансабдорлар ўзлари бош-караётган механизмнинг бирон винти синиб бузилишидан кўрқади.

Радио, телевидениеда Наврўз сайлининг диний маросимлигини уқтираётган, газета, журналларда ёритилаётган олди-қочди мақолаларни ёзаётган журналистлар шу юртнинг фарзанди эканини унутиб кўйгандай вайсагани-вайсаган...

Ҳозирги ёшлар аллақачон ўтмиш бўлиб қолган бу кўнгилсиз воқеаларни эшишишса ажабланмайди. Олдинги раҳбарлар сиёsat қурбонлари бўлган деб кўйишади, холос.

Халқнинг урф-одатини йўқقا чиқариш, қадрятларини ерга уриш, ясама тарихий ибораларни тўкиб, улусни парчалаш, унинг бир тан, бир жон бўлишига йўл қўймаслик ғояси давлат тепасида турган бир сиким амалдорларнинг байроғи бўлиб бошкарув тизимини осонлаштириш йўли эди.

Тўксон олти уруғга бирлашган қудратли бу улусни факат бир-бирига карши қўйиб, ғурурини

топташ орқали жиловлаш мумкинлигини тарих саҳнасига олиб киришди. Қарлик, ўғуз, найман, киёт, кўнғирот, кенагас, барлос, дўрмон, буркут, курлаут, манғит, дўлдой, чимбой, чигатой, тубой, ўқтой, теймас, эчки, шункорли, шодбокли, жалойир, кирк, юз, минг, лакай, қатағон, можор, турк, қарой, элбек, қурама, қанғли, уз, нукуз, тангут, уйғур, аргин, аймок, уйшун, ғончи, кушчи, ийжон, суғд, иғроқ, чингил, яғмо, аргу, тухш, басмил, кипчок, субрин, татар, кирғиз, қозок, коракалпок, ковчин, кейикчи...

Кўп уруғларнинг номлари йўқ бўлиб кетди. 70 йил мобайнида улар орасига адоват солиб, ўз ғояларининг кучлилигини исботлаб ҳам беришди. Улар бундан усталик билан фойдаланиб, катта уруғларни миллатларга бўлиб, шу миллат вакилларининг кўли билан бажаришди. Бажаришмаса сиёсий ўйинлар топиб, қатағон килишиди. Бу фитна машинаси қанча-қанча улуғ инсонларнинг бошини еди. Не-не алломаларининг ёстиғини куритди.

Бу таниш саҳнада кўп ўйинлар бўлди, бўлаяпти...

Шундай алғов-далғов пайтларда пойтахтга бордим. Катта шаҳарда осойишталик хукм сурса-да, зиёлилар даврасида, талабалар шаҳарчасида хаёт бошқача эди.

Шоир мени уюшмага бошлаб борди. Уюшма олдида анчагина одам тўпланган, уларнинг кўпчилиги шоир, ёзувчилар, олиму фозиллар, вилоятдаги ижодкорларни ташкил қиласди. Тўп-ланганлар Наврўз сайлининг нотўғри кораланганини, уни халкка қайтариш кераклигини ёқлаб ҳукумат раҳбарларига мурожаатнома юборганини, ҳозир жавобини кутишаётганини айтишиди.

Мен одамларнинг бу даражада аҳил бўлиб йиғилганларини ҳеч кўрмаган эдим. Улар тўда-тўда бўлишиб, Наврўзнинг қадимий халк сайли эканлигини, унинг ислом динига алоқаси йўклигини жон куйдириб тушунтиришарди. Дўстим ҳам шоирлар даврасига бориб кўшилди. Баҳс-мунозара авжида, бу тўлқин денгиздан тошиб чикқану, адашиб шаҳарнинг қок ўртасига келиб колган. Энди яна денгизга кўшилиш йўлини изларди...

«Союз» биноси ёнига чиройли никелланган кора рангли енгил машина келиб тўхтади. Машина эшиги очилиб, кора кўзойнак такқан, мовий рангли бежирим кофта-юбка кийган, ёши 40-45 ларга борган қомати тик аёл тушиб келди. Йиғилган одамларнинг кўплигини кутмаган шекилли, тараддувланиб атрофга қаради. Уюшмариси югуриб опанинг олдига борди.

Опа тўпланганларга қараб: «Нима бўлаяпти бу ерда?» – деди.

– Озрок анжуманимиз ҳам бор эди. Шунга келишган, рухсат берсангиз, ичкарига киришса, Хуррият Аёзовна, – деди раис пичирлаб.

– Улар кўпчиликми? – ажабланиб сўради Хуррият Аёзовна. – Ичкарига киришсин. Нега кўчада туришибди?! – деди опа зарда билан. Унинг кўз қарашларидан бунча кўп одамлар тўпланганидан норозилиги шундоккина кўриниб турарди.

– Қани, ўртоклар, ичкарига киринглар, – деди раис. Раис деганлари олтмишлардан ошган, барваста, соchlарининг ок-қоралиги ўзига ярашган, комати тик, чет элларда ишлаб келган дипломат одам эди.

Опа шошилмай бино ичкарисига йўл олди. Одамлар унинг орқасидан эргашдилар.

Катта бинонинг йиғилиш залига ҳамма йиғилди. Опа юкорига ўтиб, стулга ўтирди. Ёнига раисни чақирди. Улар ниманидир пичирлаб гаплашиб олишди. Саҳнада ихчамгина стол, унинг атрофида тўртта стул. Ўнг томонда мамлакат герби чизилган минбар.

Раис ўрнидан туриб, йиғилганларга бироз қараб турди-да, салмоқлаб гап бошлиди:

– Хурматли ижод ахли. Бугун бизнинг мажлисимиизда биринчи бор ҳукуматимизнинг таникли арбоби маданият ва маърифат ишлари бўйича ЦК компартияниң секретари, хурматли ва муҳтарама Ҳуррият Аёзовна қатнашайтилар.

Ўзларингизга маълумки, Наврўз сайли ҳакида турлича фикрлар мавжуд. Бизнинг максадимиз ҳар хил қарашларга чек кўйиш. Ягона мақсад йўлида, яъни совет давлатининг равнаки ҳакида кўпроқ бош котириш, шу йўлда ахил, бир тан, бир жон бўлиб курашмоғимиз лозим. Бу бизнинг бурчимиз, – деди.

Ҳукуматимизнинг Наврўз сайлини Навбаҳор байрамига айлантириш тўғрисидаги оқилона қарорини халққа тушунтириш, сиз ва бизнинг асосий максадимиз эканлигини унутмаслигимиз керак. Дўппини бошдан олиб ўйлаб кўрайлик-чи, биз учун сайилнинг номи Наврўз бўлди нимаю, Навбаҳор бўлди нима? Энг асосийси, Навбаҳор бу баҳор фаслидан нишона, у келгусида улуғ кунларнинг бирига айланишига ишонаман.

Ҳукуматимиз қарорини бир овоздан қўллаб-куватлайлик, давлатимизнинг биз ижодкорларга кўрсатаётган ғамхўрлиги, яратадётган шарт-шароитига тасаннолар айтиб, Ҳуррият Аёзовнадек жонкуяр раҳбар йиғилишимизда иштирок этаёт-

ганидан фахрланиб, бизнинг, яъни ижод ахли-нинг фикри раҳнамоларимиз кўрсатган одилона йўлда муштарак эканлигини юқори раҳбарларга етказишига ишонаман. Аввалдан миннатдорчилик билдириб, Ҳуррият Аёзовнани бу хизматлари учун олкишлаб қўйганимиз маъқул деб ўйлайман, – дея карсак чалди. Ўтирганларнинг озчилик кисми карсакка кўшилди.

Раис залга синчковлик билан қаради-да: «Сўз айтувчилар борми?» – деб сўради. Раис иложи борича йиғилишни тезгина тугатиш тараддуудида эди. Ҳамма жим. Ҳозиргина қўчада Наврўз ҳакида бир-бири билан тортишаётган одамлар елкала-рини кисиб, мум тишлаб ўтиришарди.

Кутимаганда шоир минбар томон юра бошлади. Не-не профессорлар, устоз шоирлар, ёзувчилар ўтирган жойда шоирнинг саҳна томон бориши раиснинг энсасини котирди.

– Нима, шу боладан олдин сўзлайдиган одам йўқми?! – ажабланиб залга қаради раис. У ўзининг гапини маъқуллайдиган кексарок шоир ёки ёзувчининг чиқишини кутаётган эди.

Ўтирганлар жим. Ҳамманинг кўзи минбарга яқинлашаётган шоирга қаратилган. У минбарга чиқиб, аввал раисдан узр сўради. Нега узр сўради, бу менга коронғу. Кейин жуда босиклик билан гап бошлади.

– Хурматли устозлар, аввалимбор сизлардан хам узр сўраб шуни айтмокчиманки, биз бугун халқ сайлининг номини нега ўзгартиришганини мухокама килишга йиғилмадик. Қадим-қадимдан ота-боболаримиз ардоқлаб келган Наврӯз сайли бугунги кунда халқдан нега тортиб олинаётганини билишга йиғилдик. Ўтмишимизни қадрловчи бу улуғ сайил нега бизнинг ҳаёт турмушимиздан чикариб ташланиши керак?

Сайилнинг ислом динига алокаси йўклигини яхши биламиз. Тўрт минг йиллик, балки ундан хам кўпдир, тарихга эга бўлган Наврӯз бугунга келиб нега диний байрам бўлиб колди? Буни сиз устозлар, калам ахли, жуда яхши биласизлар-ку!

Наҳотки, юкорида ўтирган ҳукумат раҳбарлари билмайди, деб ўйлайсизлар? Бу кимнингдир топшириғи билан ўйлаб топилган, чаласавод, тарихни ўқимаган, атеистик таълимотга тиштарноғи билан ёпишган диндан хабарсиз кимсанинг навбатдаги хуружи. Қадимий покиза кадриятларимизга тош отиш кўп йиллардан бери давом этиб келаяпти. Алам киладиган жойи шуки, тошни ўз кўлларимиз билан оттираяптилар.

Шу ерга келганда раис микрофонни уриб: «Қисқа қилинг», – деди. Залда бир овоздан, одиндан келишилгандек: «Гапирсин», – деган гу-

риллаган овозлар янгради. Бундан рухланган шоир сўзларини чертиб-чертиси гапиради:

– Менинг кимларгадир таъна, – маломат ки-лиш ниятим йўқ. Бугун юртнинг зиёли қатла-ми йифилган эканмиз, хар биримиз юрагимизга кулоқ солайлик. Кўхна тарихнинг қаъридан ке-лаётган нидоларга кулоқ солайлик. Доро, Александр Македонский, мўғулларнинг шафкатсиз кирғинларини, арабларнинг босқинларини ола-сизми, ана шу талотўплардан ўтиб Наврўз айё-ми эсон-омон бизгача етиб келди. Халқ ўзининг оташпарамстлик даврида бу сайилни қандай из-зат-икромда ўтказган бўлса, ҳозиргача янги кун-ни янгиланиш, уйғониш фасли деб нишонлаб келмоқда. Нишонлайди ҳам!

Нуткини тутатган шоир минбардан тушиб, ўз жойига бориб ўтирди.

Раис сўз беришга улгурмай минбарда яна бир ёш ижодкор пайдо бўлди.

– Ўртоклар, – деди у тантанавор оҳангда. – Мен шоир дўстим Элёрнинг таклифини маъкул-лаш ва қўллаб-кувватлаш билан шуни айтмоқ-чиманки, хукуматимизнинг вакили ҳурматли Хуррият Аёзовна, очиғи, биз ёшларнинг қўйида-ги талабларимизни мамлакат раҳбарларига етка-зинг.

1. Давлатимиз БМТ га аъзо бўлсин.
2. Ўзбек тилига давлат тили мақоми берилсин.
3. Ўзбекистонда етишириладиган пахта, қазиб олинаётган олтинлар, нефт маҳсулотлари, ер ости бойликлари мамлакатнинг ўзида қайта ишлансин...

Хуррият Аёзовна чидай олмади, ўрнидан сапчиб туриб кетди ва важоҳат билан:

– Бу қанака ғалаён! Ҳамманг жавоб берасанлар! Нонкўрлар! – дея бакира кетди. Ва шитоб билан эшик томон юра бошлади, ернинг остидан чиқдими ё бошқа ёқдан тушдими, милиция ходимлари пайдо бўлди. Опага йўл ажратиб унинг чикиб кетишига шароит яратишди. Опа дадил қадамлар билан йўлакдан юриб борар экан, рўпарасида бир ёш йигит кўндаланг бўлиб туриб олди.

– Хуррият Аёзовна, сўзимизни охиригача эшитасиз, дардимизни сизга айтишга келганмиз. Сиз эса раҳбарларга етказасиз. Маъкул келмаса, ҳаммамизни тутиб қамокка ташлайсиз. 37-йилнинг шарпаси кезиб юрибди. Сизларнинг қўлингиздан қамаш, отиш, йўқ килиш келади.

Милиция ходимлари келиб, йигитнинг қўлини қайира бошладилар. Опа қўрикчиларга ишора килиб, қўйиб юборинглар, дея буйруқ берди.

Шу шашт билан опа изига кайтди ва минбар томон юрди. Сўзи чала қолган шоир раисга қараб: «Мен сўзимни тутгатишим керак», – деди.

Опа минбарга чикди. Йигитга қараб: «Фикрингизни ёзма равишда топширинг», – деди.

Йигит иложсиз жойига бориб ўтирди. Опа бироз тин олиб, рус тилида гапира бошлади.

– Товариши!

Залдан қийкириқлар эшитилди:

– Ўзбек тилида гапиринг! Ўзбек тилида гапиринг! – деган хитоблар эшитила бошлади. Опа иложсиз ўзбек тилида гапирди.

– Ўртоқлар! Бу нима шовқин?! Мен бизнинг зиёли ёшлар шунчалар маданиятсиз эканлигига ишонмаяпман. Устозлар нега жим ўтирибдилар? Бу ўзбошимчалик эртага сизларга жуда кимматга тушади-ку! Қудратли мамлакатимиз коинотни забт этиб турган бир пайтда, бутун ер юзининг тинчлигини кўзлаб, қудратини жаҳонга кўз-кўз килаётган бир пайтда, сизлар қандайдир эскилик саркити бўлган Наврўз ҳақида оғиз кўпиртира-япсизлар, ўзларингизнинг ички ҳаяжонларингизни босолмай тутуриқсиз, мантиқсиз талабнома кўйишдан кўркмайсизларми?!

БМТ га аъзо бўлгин эмиш, ўзбек тилига давлат тили мақоми бер эмиш – бу нима? Исёнми

бу? – сўнг раисга қараб мурожаат қилди:

– Ким эди фамилиянгиз?

Ҳамма жим ўтиради.

– Азизов, – деди раис аста.

– Азизов! – Опанинг овози микрофонда гуриллаб чикди. – Ҳозироқ марказга борасиз. Бу ўзбошимчалик учун аввал сиз жавоб берасиз. Кейин сўзга чиққанларнинг исм-фамилиясини ёзиб беринг!

Опа шиддат билан минбардан тушиб, зални тарк этди...»

Телефон овози ўчди. Соат тўрт. Ҳаёлимга бундан 24-25 йиллар аввалги воқеалар ўзининг тарихий ўзанидан тошиб, пишқириб келарди. Афсуски, ён телефоним энди эшиштаётган эди.

Йўлга чикишим керак. Шоир кутаяпти. Ҳонамга обдон назар солиб, ўрнимдан турдим. Стол устида тўзғиб ётган газеталарни тартибга сола-ётганимда эшик очилди. Қарашга улгурмадим. Бошимга оғир нарсанинг текканидан йикилдим...

## КАСАЛХОНАДАГИ КҮРГУЛИКЛАР

Кўзимга қаердандир шуъла тушгандай бўлди. Гўё майин шабада ёнокларимни охиста силаётгандай. Ўзимни ўнглашга харакат килардим. Хиралашган ёруғлик оғушида хотирамни жамлай бошладим. Аста кўзимни очдим. Назаримда тонг ёришаётган эди. Деразадан сизиб кираётган ёруғлик тонгнинг отишидан дарак берарди.

Фикримни жамлаб, рўпарамда мудраб ўтирган хотинимни кўрдим. Атрофни аста кузата бошладим. Қандайдир ихчамгина хонада бошим бироз кўтариб кўйилган ҳолда, юмшоқ диванда ётардим. Қаршимдаги оромкурсида хотиним кўзини gox очиб, gox юмиб, бошини унинг суюнчиғига қўйганча кимирламай, харакатсиз ўтирас эди (ёки менинг назаримда шундай туюлдими-кан?)

Унинг ухлаётгани ёки уйғоклигини аниклай олмадим. Кўзларимни бир нуктага қадаб, озги на кимирламоқчи бўлдим. Уддалай олмадим. Танамдаги оғриқ зўрайиб, миямга урди. Бакириб юборишдан қўркиб нафасимни ичимга ютдим.

Оғзимнинг куриб қолганини ҳис килдим. Чўлда қолган одамдай томоғим қақраб, сув излаган йўловчи каби атрофга кўз югуртирдим.

«Сув» дедим пичирлаб. Овозимни хотиним эшиитмади. Ё овозим чикмадими... Эҳтимол, хаёллимда айтдим шу сўзни. Нима бўлганда ҳам ўйлаяпман, демак, тирикман. Кўзимни очиб-юма бошладим. Ҳозирча шу машқни бажаришга курбим етарди. Бу ҳолат, билмайман, қанча дакика давом этди. Хона деразасидан тушган ёруғлик уни тўлиқ ёрита бошлади.

Кўзларимни аста юмдим. Хотиним ўрнидан туриб, юзимга синчиклаб қаради. Киприкларим орасидан уни кузатар эканман, нега бу ахволда ётганимни ўйлай бошладим. Ахир мен пойтахтда бўлишим керак эди-ку. Менга нима бўлди? Хотиним нам латтани лабимга босди. Лабим қовжираб қолган чоғи, бутун вужудим билан чанқокни хис килардим.

Кўзимни очдим.

– Эркор ака!!!

Кулокларимга аянчли чинқирик эшитилди.

– Эркор ака, қўркитиб юбордингиз-ку! Мана, етти кундан бери ўзингизга келмайсиз. Ким сизни бу кўйга солди? Худонинг ғазабига учрасин! Сиздай одамни азобга кўйган олчок кимсаларни ер ютсин...

У тинмай йиғларди. Кўзларидан тўхтовсиз оқаётган ёшларини тиёлмасди. Юрагим эзилиб кетди.

«Ўзингизни тутинг, азизам» дегандай бўлдим. Негадир ўзимнинг овозимни ўзим эшитмадим. Шу гапни айтганимни идрок киламан. Лабим ҳам айнан шу сўзни айтиб кимиrlади. Аёлим менга термулиб қолди. Кўзимдан шашқатор ёш оқарди.

Хотиним ўзини тутиб, юмшок оқ мато билан кўз ёшларимни арта бошлади. Менга тинмай тасалли берар эди.

– Бардам бўлинг, қанча азобларни бошингиздан кечирдингиз. Сиз иродали, кучли одамсиз, бир ўлимнинг оғзидан кайтдингиз. Умрингиз узок бўлади. Бахтимизга омон бўлинг, – энди аёлим йиғламас, ўзининг қатъиятли ва дадиллигини менга кўрсатишга ҳаракат киларди. Назаримда, у анча кексайиб қолгандай туюлди.

Хонага кимдир кириб келди. Навбатчи шифокор бўлса керак. Ҳушимга келганимни кўриб, бош томонимга стулни кўйди-да, якинроқ ўтируди. Бошимни пайпаслаб кўра бошлади. Бошимнинг дока билан ўралганини хис килдим.

– Ахволлар яхшими? Оғриқ сезмаяпсизми? – деб пешонамга кўлинини кўйди.

Негадир овозим чикмас эди. Ё мадорим йўк, ёки тилдан қолганман. Фикримни назорат килиш даражасида бўлсан-да, танам ўзимга бўйин эгмасди. Кўлларимни кимиrlатишга ҳаракат кил-

дим, бефойда, дикқатимни жамлаб оёқ панжаларимни ўйнатмоқчи бўлдим. Бу ҳам самарасиз. Жон факат кўзларимда, кулокларимда мавжуду, колган аъзоларим ўлиқ эди.

Доктор хотинимга тасалли берди:

– Асосийси, мия жойида, бу яхшиликка. Марказдан кучли мутахассислар келишган. Турмуш ўртоғингизнинг ўзига келгани яхши бўлди. Мутахассислар аниқ ташхис қўйишади. Бардам бўлинг, – деб хонадан чиқиб кетди.

Хотиним лабимни сув шимдирилган докада намлаб, кўзларимга маъюс боқаркан, нимадир демокчи эканимни англади. Кулоғини лабимга яқинлаштириди.

– Сув,— дедим. Овозим ўзимга жуда узоклардан эшитилди. Гўё мен эмас, кимdir шу сўзни аста пицирлагандай бўлди. Хотиним қошиқ билан оғзимга сув куя бошлади.

Сўзимни эшитди. Демак, мен гапирдим. Томчи сувлар қизилўнгачимдан ўтиб, танамга ёйилаётганини сездим. Танам гўё қақшаб ётган сувсиз тупрокдай ўлиқ ҳолда ётгану, беш-олти томчи сув билан жон киргандай бўлди.

Қадимий ривоятларда ўқигандим, бадиий киноларда кўрганман, жон танадан чиқаётганда буралиб, жуда қийналиб, минг бор азоблар билан

танани тарк этаркан. Кейин ўз танасини кузатишни, атрофда кечаётган воқеаларни кўришини, танадан умидини узгандан кейин, самога караб кетишини ишонарли килиб тасвиirlашган.

Бу ҳолатни ўлиб-тирилган (яъни ўлимни бошидан кечирган) кимсалар ҳам тасдиқлашади. Жон танамдан чикиб кетса, тамом. Кейин мен йўқман. Жон фактат оғиздан чикиб кетадими? Нега танамда оғрик сезмаяпман?

Оиламнинг ҳаракатларини аниқ кўриб турибман. У ўзини кўярга жой тополмай севиниб, ҳаяжонда ҳолатимни кузатар, нима килаётганини тўлиқ англамасди. Такрор-такрор лабимни намлаб, кўз ёшларимни артар эди.

Куёш кўтарила бошлади. Буни парда орасидан тушаётган заррин нурлардан ҳам сезиш мумкин эди.

Хонага ўғилларим, қизларим кириб келишди. Улар кўзимнинг очиқлигини кўриб, ҳайрат тўла нигоҳларини онасига тикишди ва қучоғимга отилишди. Овоз чиқармай йиғлашди.

Хотиним болаларга:

– Отанг соғ-саломатлар, энди бемалол ишларингта боринглар. Ҳовлини супириб-сидириб, тартибга солинглар. Насиб бўлса уйга қайтамиз, – деди.

Катта кизим келиб мени ўпиди қўйди. Кейин кичик кизим, ўғилларим қўлимдан ушлашди. Уларнинг қўлимдан ушлаганини кўрдим, лекин сезмадим.

Танам жонсизга ўхшарди. Хотиним болаларга ҳар хил топшириқлар бериб, уларни хонадан чикариб юборди. Сўнгра рўпарамга келиб, крес-лога ўтирди.

– Етти кун деганда кўзингизни очдингиз. Билмадим, бу ишни ким килди? Укангиз Элёржон (шоирни назарда тутаяпти) ҳам шу ерда. Ҳамманни оёкка қўйди. Пойтахтдан зўр-зўр профессор мутахассисларни олиб келди. Сиз билан қўшилиб жон бериб, жон олишди. Умридан барака топсин, – деди хўрсиниб.

«Ахволим жуда жиддий. Нега ҳеч жойим оғримаяпти? Танамда жон бўлмаса миямда жон турибди-ку. Жон бор жойда оғриқ бўлиши табиий-ку? Бошим ҳам оғримаяпти? Жароҳатни бошимдан олганман. Ким бўлса ҳам бошимга урди. Ким бўлиши мумкин? Мени йўқотиш уларга нега керак бўлиб қолди?» деган саволлар хаёлимдан ўтар экан, бирдан телефон эсимга тушиб колди. Ё телефон бир тузокмикан-а? Ҳозир кўл телефоним каерда экан?

Хотинимга умид билан қарадим, «телефоним» дедим ичимда. Овозим худди сув деганимдек олислардан келди.

— Телефоним, — бу сафар назаримда гапиргандай бўлдим. Хотиним кўзларимга жовдираб қааркан, ниманидир англағандай ўрнидан турди. Кўлига ручка олди-да, қоғозга нималарнидир ёзиб, менга кўрсатди.

«Сизни унча тушунмадим. Озрок сабр килинг, ҳаммаси яхши бўлади. Бардам бўлинг. Ҳар нарсани ўйлайверманг, ўтиниб сўрайман».

Капалагим учеб кетди. Наҳотки овозим чикмаётган бўлса?! Ахир мен гапирдим-ку. «Телефоним», дедим. Кулокларим эшитди бу сўзни. Эй жон, танамга тарқалсанг-чи, майли, оғриқлар бўлсин. Азобланай, кундага ўхшаб ётгандан кўра, жонимни жунбушга келтирувчи азобларни бер. Додлайнин, қичкирайин, одамга ўхшаб ўлайда, ўладиган бўлсам. Нега танамга қараб юрмайсан, жон? Ҳозиргина ичакларим сув томчилари ни сезди-ку.

Хонага Шоир кириб келди.

— Ассалому алайкум, янга! Бирон ўзгариш борми? — деди-ю, менга кўзи тушиши билан шошиб қолди.

– Эркор ака, омонмисиз? Одамни күркитиб юбордингиз.

Келиб юзимга юзини күйди. Ҳеч нимани хис килмадим. Шоир қаршимда ўтириб юзимга бокар экан, унинг анча тўлишганини, юз кўриниши ўта жиддийлигини англадим. Боқишлирида қандайдир маъсумлик ҳукмрон эди.

Унга худди нажоткорга қараган одамдай қарардим. Ҳалоскоримга миннатдорчилигимни билдиrolмай, кўзларим билан жовдираб унга термулардим.

Элёр кўзларимга караб, хаёлимдан ўтаётган гапларни англааб етди.

У тасалли бериш учун эмас, худди соппа-соғ одамга муомала қилгандай кўлимни кафтига олиб шеър ўкирди.

Ҳайкирдим, ўрнидан кўзғалиб тоғлар,  
Қаршимда саф тортди бамисли рўё.  
Ҳайкирдим, уйғонди кўкда чакмоклар,  
Аммо уйғонмади ғафлати дунё.

Ҳайкирдим, ўликлар қабридан чикиб,  
«Не гап?» деб исённи кутгандай гўё  
Кафанларин байроқ қилдилар тикиб,  
Аммо уйғонмади ғафлати дунё.

Хайкирдим, бўғзимга конлар сачратиб.  
Куёшдай отилиб чиқди юрагим.  
Аммо, Дунё хануз турибди қотиб,  
Уни уйғотмасам борми керагим?!

Ҳа, бу шеърни эшитдим. Танамга тарқамади. Томирларимда жўш урмади. Вужудим бўм-бўш эди. Фақат унинг кўзларидан англадимки, юраги дунёни уйғотишга кодир эди.

Қани энди, юртимиз, миллатимиз шаъни-ни юксалтирувчи, фидойи азаматлар сен каби кўп бўлса. Шу ҳолатда юз йил ётишга ҳам рози бўлардим.

Шоир хотинимга тасалли бериб, ҳозир марказдан келган мутахассислар яна кўрикдан ўтказишини, лозим бўлса, яна бошқа шифокорлар чакиришишни уктириб, хонадан чикиб кетди.

Шифтга термулиб ётар эканман, бошимда кучли оғриқ сездим. Кўз ўнгим қоронғулашиб, зим-зиё бўшлиққа айланди. Энди ёруғ олам кўйнида эмас, кувурга ўхшаган, ҳамма томонини зулмат коплаган узун ер ости йўлида жоним шиддат билан кетаётганини ҳис килдим. Кўзим юмилиб, хушимни йўқотдим...

Қора қуюн. Овозсиз танамга азоб билан буралиб кирди. Ҳамма ёқ қоп-коронги, жимлик. Ўнг

кўлимни аста қимирлатдим. Ҳаракатланди. Аник билдимки, ўнг қўлимга жон кирди. Кўзларим ҳеч нарсани кўрмасди, ажабланадиган жойи, қўлим кимиrlаяпти, ўйнаяпти. Бу қандайин сир-синоат. Увишиб ётган ўнг қўлим ҳаракатта келди. Пайпаслаб, нозик бир қўлни ушладим. Бу қўл менга ўттиз беш йилдан бери таниш. Бошимни меҳр билан силаган, кези келганда, сеҳрли бармоқлари билан умр дафтаримда из колдирган рафиқамнинг қўли эди.

Узок ушлаб турдим. Кўйиб юборгим келмасди. Қанчалар соғингандим, муҳаббатимнинг нозик қўлини, майин ҳаракатларини... О, нақадар меҳрибон қўллар.

Нега бу қўллар ҳар доим ҳам меҳрибон бўлавермаган? Қаҳри келганда, шаппатга айланган. Ўринсиз қўпол киликлар килган. Ҳозир эса бу қўл ўта аклли, ўта юмшок, узок кутган соғинчига етишгандай шивир-шивир гаплашаяпти.

Кейин қўлимни бошка таниш, нотаниш қўллар ушлай бошлади. Бири кичкина, жажжигина, семиз, катта қўллар, хуллас, хона қўлларга тўлиб кетди. Кўпчилиги қўлим билан гўё охирги марта кўришаётгандай, ўз қўлларини қўлимдан олгунча, узок сийпалашарди. Баъзилари қаттиқ кисиб кўяр, айримлари шунчаки омонатгина қўлимни

ушлашарди. Кўлларнинг сухбати аралаш-кура-  
лаш бўлиб тушунарсиз тарзда бир қанча вақтгача  
давом этди. Кейин яна мен истаган кўл кафтла-  
рим устида пайдо бўлди. Уни кўлимнинг кучоғи-  
га олиб эркалай бошладим. Бу соғинчни узок  
кутган эдим. Бармокларимни очиб, бармоклари  
орасига тикдим. Панжаларим чирмашиб шундай  
маза килдики, бу роҳатни биринчи бор таниш-  
ганимизда, илк бор шу кўлни ушлаганимда хис  
килган юрагимнинг ҳансираши кўлимда акс эта  
бошлади. Кўлим худди юрагимдай ҳапкириб ўзи-  
ни тутолмай шу қадар ҳаракатланар эдики, пан-  
жаларим орасидан ўзини олиб қочишга уринаёт-  
ган хотинимнинг бармоклари уялгандан-уялиб,  
кўлим орасидан чикишга ҳаракат киларди. Пан-  
жаларим эса унинг бармокларини маҳкам ушлаб  
олган, ҳозир кўйворса, кайтиб бошқа кўрмайди-  
гандай, у меники, бир умрга меники дерди. Эхти-  
мол, бошқа кўллар караб тургандир, ўйларди кў-  
лим. Уни кучоғингдан ҳозирча озод кил. Уйга  
борганда соғинчларинг ҳиссасини оласан...

Аста панжаларимни бўшатдим. Оиласминг  
бармоклари бармокларимни силай бошлади. Де-  
мак, хонада бошқа кўллар йўқ. Яна коронғулик.

Тубсиз жарликка кетаётган жон кўлни тарк  
этди...

Жон оппок ёруғлик томондан келди. Оғзимдан кириб, юрагимга жойлашди. Ғаройиблиги шунда эдики, жон киргунча ҳам, чикқунча ҳам хотира билан юрарди. Факат коронғуликка шүнғиганда тушунарсиз қуюн билан олишиб азобланар. бу минг хил тикан симлардаги игналарга урилиб-урилиб жароҳатланган ҳолда ёруғликка етарди. Кейин у эркин ҳаракатланиб атрофдаги вokeаларни аник кўрарди. Жон менинг жоним, хотира эса менинг хотирам эди.

Кўзларимни очдим. Тепамда оқ ҳалат кийган одамлар менга ажабланиб, ташвиш тўла кўзлари билан қараб туришарди...

Мен танамдаги оғриқдан додлаб чинкирадим...

Во ажабо! Бу қандай мўъжиза? Куппа-кундузи ҳавода учиб юрибман. Аввал ҳам шунга ўхшаш ҳолатлар бўлган, унда туш кўргандим. Тушимда фазога қўлларимни ёзиб сайр килганим, кўм-кўк манзарапарга маҳлиё бўлиб, танамнинг шу даражада осон ҳавога қўтарилиганидан ҳайратга тушганман. Иккала қўлимни олдинга чўзсан кифоя, худди эртаклардагидек, ердан кўтарилиман, кейин тўғри текислик бўйлаб, ўнгимда кўрган, бир-бирини такрорламайдиган ғаройиб, нотаниш ўлкаларга сайр килиб уча бошлайман.

Үнгга бурилмокчи бўлсам, ўнг елкамни, чапга бурилмокчи бўлсам чап елкамни бураман. Тепага кўтарилимокчи бўлсам, ўзимни тик ушлаб кўлларимни тепага кўтараман. Пастга тушмокчи бўлсам иккала қўлимни тушираман, бошимни пастга эгаман. Худди катта океанда сузаётган мохир дengизчидаи шу даражада ўзимни ҳушёр бошкараманки, бунақаси эртакларда ҳам бўлмаган. Гўё ҳаммаси олдиндан режалаштирилгандай осон ва содда кечарди.

Ҳаётим давомида бу мўъжизакор холат бир неча бор такрорланган...

Уйғонганимдан сўнг кишини ўйлантирадиган, хис-туйғуларига сезиларли даражада таъсир кўрсатадиган, кўнгилнинг ҳузур-халоватини остун-устун килиб юборувчи бу ажабтовур вожеалар хаёлимда узоқ муддат сакланиб коларди.

Вакт ўтиши билан ҳаётимда ҳам шу тушдан кейин айрим ўзгаришлар юз берарди. Мансабим ошарди ёки илмий ишларимнинг ишлаб чиқаришга тадбиқ этилиши жадаллашарди.

Кизифи шундаки, тушимда кўрганларим ўнгимда мавжуд бўлган ҳаётдаги кўрганларимдан тубдан фарқ киласарди. Яъни тоғлардаги ям-яшилик, яйловлар, дарёлар кирғоғидаги ўзига хос гўзалликларни ҳаётим давомида кўп бор кўрган

бўлсам-да, тушимда кўрган бетакрор кенгликларни, яшил водийларни, таг-туби кўринмайдиган жарликларни, баҳайбат осмонга туташиб кетган тоғларни эллик ёшдан ошибманки, ҳали ҳаётда кўрган эмасман. Эҳтимол, мен бормаган мамлакатларда бунака, таърифини сўз билан келтириб бўлмайдиган гўшалар бордир. Бор бўлса киноларда кўрадим, йўқ деб ўйлайман...

Ҳозир эса айнан иш жойимнинг ҳовлисида иш кизгин. Кўтарма кранлар машиналарга ҳар хил курилиш материалларини юклаяпти. Иш билан банд одамлар шошилиб ўзига юклатилган топширикларни бажариш билан овора. Майдоннинг энг тўрида жойлашган пишиқ ғишт ишлаб чикириш бўлимида ишчилар қуёшда куриган хом ғиштларни пишириш учун хумдонларга тेरяпти, айримлари эса тайёр бўлган пишиқ ғиштларни автоуловларга юклаяпти. Кенг майдонни синчиклаб кузатаман. Тахта, ёғоч, темирбетон буюмлари, шиферлар, ойналар ҳар бири алоҳида-алоҳида тартиб билан, усти ёпилган, тўрт томони очик айвонлар остига жойлаштирилган. Шоҳбекат томондан кириб келаётган, юк ортилган вагонлар темир йўл бўйлаб темир панжарадан қилинган дарвозадан ичкарига ҳаракатланиб кўтарма кран остидаги майдонга келмоқда. Чা-

мамда, тушлик вақти бўлиб қолган бўлса керак, айрим ишчилар ўз иш ўринларида дастурхон ёзишиб, тамадди килишмоқда.

Кунботар томондаги икки қаватли ҳашамдор бинога боқдим. Бу иншоат мен ишлайдиган идора бўлиб, унинг иккинчи қаватида жойлашган хонам рўпарасига келиб деразадан қарадим. Ойнага қўлимни теккизишм билан ичкарига кирдим. Ҳамма анжомлар жой-жойида тартибли тахланган. Стол устидаги китобларга қарадим: шеърий тўпламлар, бадиий асарлар, иккинчи қаторда эса «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» ҳамда «Солик ва божхона» газеталарининг йил бошидан бери чоп этилган сонлари хонамга салобат бериб турарди. Бу газета ва асарларнинг ҳаммасини ўқиганман. Менинг ҳаёт йўлларимда ҳал қилувчи тарбиявий рол ўйнаган бадиий асарлар кўзимга мўъжиза бўлиб кўринади. Олиб кўрмоқчи бўлдим, қўлимга ололмадим... Ҳамма ҳолат ўнгимдагидай, фақат оёғим ерда эмас. Туш кўраяпманми? Ўйлайман, нима учун эшикни кўйиб, ойнадан кирдим? Бориб эшикни итардим. Осонгина йўлакка чиқдим. Эшик очилмаса ҳам, мени ичкарига ўтказди. Қабулхонада ҳеч ким йўқ. Демак, тушликка чикишган. Бошлиқнинг хонасига ўтдим. Уйнинг тўрида дуб ёғочдан ясалган, иш

анжомларига мүлжалланган, узунлиги ўн метрлар келадиган қимматбаҳо жигар ранг мебель, сариқ жигар ранг стол, чарм қопланган оромкурси ва икки томонга катор килиб стуллар кўйилган. Полда мебель рангига мос эрон гилами ёзилган. Чап томондаги девор юзида сурат, ўнг томондаги деворга шифтдан полгача оқ рангдағи ипакдан тўқилган парда деразаларни тўсиб турибди. Тепадаги учта катта-катта кандил кундуз куни бўлса-да, ёкиб кўйилган. Ўнг кўл томонда кўлдан безак бериб ясалган чиройли стол, устидаги каттакон телевизор. Мебелнинг кийим илишга мүлжалланган қисмидан эшик орқали ичкари хонага йўл борлигини билар эдим. Кўлимни теккизib, бошлиқ дам оладиган хонага кирдим.

Карим Суярович қип-қизил диванда яrim яланғоч бўлиб ётибди. Моҳира унинг елкасини хафсала билан уқалаяпти. Бемаврид кириб қолганимни сездим-да, изимга қайтдим. Бироз вакт ўтиб, хонага яна кирдим.

Нега булар мени кўрмаяпти, эшитмаяпти...

«Ҳайф сенларга», – деб изимга қайтдим....

Оғриқ бутун вужудимни, танамни азоблай бошлади. Нима бўлаяпти? Мен каердаман? Нега бу қадар даҳшатли оғриқ миямни ёриб юборай деяпти?

Хансираб. додлаб кўзимни очдим. Кўзлари ёшга тўла рафиқам тепамда эгилиб оқ мато билан терга ботган баданимни артарди. Бошимдан то оёғимгача гўё эриб битаётгандай сув бўлиб кетган эдим. Танам чидаб бўлмас даражада азобланар, нима деб бақираётганимни ўзим ҳам билмасдим...

\* \* \*

Болалигим ўтган, ўз бағрига мени худди онамдек чорловчи қишлоғим тепасида парвоз килиб юрибман. Овулимнинг у четидан-бу четига осонгина бориб келаман. Қишлоғимни осмондан кузатар эканман, шимоли-шарқ томонига қараб тепаликлар катталашиб улкан тоғларга уланиб кетгани, жануби-шарқ кисмида қиялик кичрай-иб айрим жойларида катта жарлик ҳосил бўлиб, кейин гарбга қараб кенг текисликларга уланиб Нишон чўли яйловига қўшилиб кетиши, жарлик ҳосил бўлган жойдан ўтадиган ариқ шаркка қараб борилса, Ғузор дарёсидан бошланишини, гарбга қараб юрилса, Қашқадарёга қуишлишини кузатиш мумкин эди.

Тошгузар. Бежизга бу қишлоқни шундай аташмаган. Қадимда карвонлар қайси юртдан келишса ҳам, шу қишлоқ устидан ёки яқин атрофи-

дан ўтишган. Бу қишлоқнинг мозорида боболарим, момоларим, отам, онам, опам, сингилларим, менга якин бўлган қариндош-уругларим ётибди...

Мен қишлоғим устида озод күшдек парвоз килардим. Негадир ерга тушмасдим, ё тушгим келмасди. Очик ҳавода яйраб учар эканман, болаликдан таниш бўлган, мен учун қадрдон пахса уйларнинг хар бирига, ҳовлиларга, кўчага, йўлакка, йўлға, ёрикка, кемтикларга, дарахтларга, ҳайвонларга, қумларга, ҳашаротларга алоҳида соғинч меҳри билан қаардим. Нима учундир қишлоқдошларим кўринмасди. Улар қаёққа кетишган? Тун эмаски, ухлаётган бўлса? Кундуз куни. Куёш чараклаб турибди. Далаларда ҳам кўринишмайди. Ё уйларида дам олишаяптими? Кўй-кўзилар, сигир-бузоклар, иту мушуклар, ҳатто аҳён-аҳёнда каламушлар кўзга ташланади. Одамлар кўринмайди. Айникса, қишлоғимизнинг чумчуклари мен билан басма-басига парвоз қилишди. Мусичалар эса дарахт шохларига кўнишиб «ку-ку, ку-ку»ларини маромига етказиб болаликда қандай эшитган бўлсан, худди шундай сайрашини эшитаман.

Бу ўнгимми, тушимми?! Мен ҳаётни тарк этдимми? Худойим менга туғилган жойингдагилар билан хайрлаш, деб имконият бераяптими?

Осмоннинг бу қадар кенглигини, ернинг нақадар беадоқлигини наҳотки олдин билмаган бўлсан. Шундай ажойиб қадрдон қишлоғимни, қиндиқ қоним тўкилган гўшамни, болаларимни, оиласми, дўстларимни, қариндош-уругларимни ташлаб, сабабсиз кетавераманми? Ҳали уларга маъкул бўладиган бирон иш қилмадим-ку. Наҳотки ўлиш шунчалар осон бўлса. Жон чиқди, йўксан. Ҳеч қачон кайтиб келмайсан....

Мана, эллик ёшдан ошибман-ку, бирон элга мадад берувчи, одамларнинг оғирини енгил ки-лувчи жўяли иш қилмабман. Тўртта «бизнесмен»га кўрсатган йўл-йўриғинг билан мактана олмайсан. Уларнинг ҳамёнини қаппайтирдинг, холос. Маълумки, бу ёғига.... ҳали тирикмисан? Бу сенга сўнгти имконият. Тангри таоло сенга шуни раво кўрибдими, шунисига ҳам шукур кил.

Қишлоғимни соғиниб келдим-ку. Ана, мен туғилган уй ҳувиллаб, букчайиб, қийшайиб ётибди. Уйнинг ёғочлари чириган, томи тешилган, кўримсиз, ночор ахволда. Кирқ йилдирки, бу уйда ҳеч ким яшамайди. Уйни ота-онамнинг хурмати учун ҳам кайта тиклаш керак...

Кўзимни очдим, оғриқ баданимни ўйиб оладиган даражада симиллатар, мен чидолмай бакирардим....

Рафиқам нигоҳини мендан узмай жовдираб қараб турарди. Назаримда мендан кўзларини олса, хайр-хўшлашмай дунёни тарк этгудек аянчли ҳолатда эдим.

Хонани бошимга кўтариб додлашимдан ҳамшира югуриб келди. У менга яна тинчлантирувчи, оғриқни қолдирувчи уколлар қилиб, осойишта ҳолатга кайтарди...

Яна парвоз қиласман. Энди ўзим ётган касалхона ичидан учиб юрибман.

Шифохона кўзимга хунук, бефайз кўринди. Ҳамма одамлар касал, уларни даволашни шифокорлар атайлаб чўзишаётгандай, шунчаки ўлиб қолмасин деб номигагина муолажа қилиб қўйишади. Ҳар бир касал тепасига келиб синчилаб қарайман. Оёғи чикқан, калласи ёрилган, умурткаси синган, қўли осилган bemорлар жой йўклигидан йўлакларга жойлаштирилган. Кимдир инграйди, қичқиради. Кимларнингдир онасини сўқади. Гўё мамлакатда уруш кетаяпти-ю, ярадорлар хоналарга сиғмайди...

Ҳамшира кизлар гирдикапалак:

– Қани энди ҳеч бўлмаса оғриқни қолдирадиган дори бўлса, – дейишади зорланиб...

Демак, оғриқнинг олдини оладиган дори ё танкис, ё топилмайди. Топилса ҳам пули борларга раво кўришади.

Шифокорлар хонасига ўтаман. Бош шифокор бўлса керак, ўта жиддий холатда, юзида озгина бўлса ҳам хушфеъллик сезилмайди. Оқ ҳалатининг тугмалари ечилган, қўлларини ҳавога ёйиб ходимларига гап уктирмоқда:

– Шифохонада ўлим бўлиши мумкин эмас! Тушундингларми?! Агар кимнинг бўлимидан ўлик чикса, мен билан ишламайди!

Айнан шундай буйрукни болалар шифохонасига қатнаб юрганимда, набирам заҳарли вирусдан тузалмай, бу олам билан видолашганда эшитганман ва тавба деб ёка ушлаганман...

Ўртада ўтирган аёл кишининг овози эшитилди:

– Иссик жон. Кўлимидан келганини килаяпмиз. Дори-дармон етишмайди. Аллоҳнинг иродаси. Биз бандалар ўлим олдида нима ҳам қилаолардик. Ожизмиз.

– Жим! – қаттиқ гапирди бояги киши. – Сизнинг вазифангиз даволаш! Иложи бўлмаса, уйига жавоб беринг! Уйида... касалхонадан жўнатинг! Тамом-вассалом!

Эркак шифокорлар унинг гапига парво килмадилар. Афтидан, бунаقا сўзларни эшитавериб пишиб кетган. Гапирган хотин шашт билан ўрнидан турди.

– Ўртоказов! Ахир инсоф билан ўзингиз ўйлаб кўринг. Ўлим тўшагида жон талашаётган беморнинг одамларига қандай қилиб, «менинг қўлимдан келмайди даволаш», деймиз. Бу бизнинг касамёдимизга зид нарса-ку?! Бахтсиз ҳодисага йўлиқкан беморларнинг айби нима?! Кимнидир машина уриб кетган, кимдир томдан тушиб жароҳатланган. Уларнинг орасида қайси качон ўлишини биз билмаймиз-ку?! Ундан кўра дори-дармон топиб, бизга ёрдам беринг. Уларни оёқка қўйиш чораларини излаш биз, шифокорларнинг бурчи эмасми?

Аёлнинг чимирилган қошлари ёй шаклига келди, кўзларидаги нафрат ўти бош шифокорга кадалди. Агар иложи бўлса бош шифокорга ачишиб гапиришдан ҳам тап тортмас эди.

Холбозоров деганлари тараддуланиб, овозини пасайтирди, хушмуомалик билан:

– Комила Авазова, сиз мени нотўғри тушундингиз. Марҳамат, даволанг. Дори-дармонга келсак, имкони борича бераяпмиз. Топилмаганини касалнинг якинларига айтинг. Ҳозир нима кўп, дорихона кўп, истаган дорини топса бўлади. Ўлим бўлмасин деяпман. Тушундингизми?!

Бу можародан чарчаб, касалхонадан очик ҳавога чиқдим. Ҳаво иссик. Шаҳарни шовкинга кўмиб катнаётган автоуловларнинг сон-саноғи йўқ. Шаҳар тутун ичида қолган. Бу кора куюн уйлар устида эркин сузиб юради. Истаб-истамай парвоз қиларканман, ҳавоси тиниқ жойни излай бошладим. Узоқда, шаҳар чеккасида, хаёлимда худди нур таратаетган гаройиб жойни кўрдим. Шу томонга қараб бурксиган ҳаво ичида сузар эканман, ҳавоси ёмон жойларда ишлаётган одамларга ачиниб кетдим.

Шаҳарнинг кишлок билан туташиб кетган кисмига учиб бордим. Бу тоза маскан ўзим хис килганимдай, қабристон эди.

Пишик ғиштдан баланд килиб курилган дарвоза устидан учиб ўтарканман, сокинлик чулғаб олди мени, осуда, шовқин-суронсиз бу ҳаёт, ўзга бир оламдай, абадиятни эслатади.

Тоза ҳаво, кўм-кўк дараҳтлар, ям-яшил арчалар, ок, кизил, сарик, кирмизи, бинафша рангдаги гуллар, марҳумлар ёди учун ёдгорликмиз дегандай бошларини эгиб салом беришади. Кейин кабрлар бошланади. Ҳаётнинг ҳакикат, қадрият деган конунлари шу ерда амал қиласи. Ҳеч ким хеч кимдан кам эмас. Тўғри, айрим инсонлар баҳайбат тошлар кўйиб кабрларни табакаларга

ажратиб юборишган. Унинг остида ётганлар – у раҳбарми, олимми, зиёлими, алломами, оддий меҳнаткашми, барчасининг ётган жойи бир.

Бу ерга ўз яқинларини кўйгани келган одамлар бир муддат бўлса-да, ўзлигига қайтади. Қилган гуноҳларини кўз олдидан ўтказади. У дунёда бериладиган азоблар тўғрисида хаёлга чўмади. Ким эканлигини, шу масканга бир куни барип бир келишини англайди. Ўзини ўзи койийди. Бу муқаддас жойга ҳамма тириклигида кам келади. Кимдир момосини, онасини, опасини, синглисими, бобосини, отасини, акасини, укасини, набирасини, ҳамشاҳарларини, маҳалладошларини, ҳамсоясини тирик одамлар куршовида, елкаларда олиб келиб тупроққа қўйган.

Супурилган йўлаклардан борар эканман, мармар тошга ишланган суратли қабрлар, ҳар бирига алоҳида түғилган йили, вафот этган санаси, исми-шарифи ўйиб ёзилган. Улар Аллоҳ ихтиёрига топширилган.

Катта-кичик қабрлар устидан ўтарканман, ёнма-ён кўйилган, ҳатто бир-бирининг устига тушиб колган, илма-тешик каровсиз қабрларга кўзим тушди. Ҳа, инсон тупроқдан пайдо бўлиб, шу тупроққа кайтиши барчамизга маълум.

Набирамнинг миттигина қабрчаси олдида турибман. Саккиз ой, саккиз кун, саккиз соат, саккиз дақиқагина нафас олган жажжи гўдакка, Худойим нега шунчагина кунни раво кўрди экан? Ўзига керак бўлибди, Ўзи олибди. Бу бегуноҳ, норасида чақалокда нима айб бор эдики, Тангрим унинг ота-онасига шу жазони раво кўрди? Ёки уларнинг билиб-билмай қилган гуноҳлари эвазига шу набирамни курбонлик қилишга унда дими? Эй Худо, бу жумбоқларнинг сиру асрори Ўзингга аён! Кечир биз гуноҳкор осий бандаларингни!...

Мозористондаги сокинлик, осойишталик тирикликка раҳна солувчи ажалдай кўринади кўзимга.

Куёш ўз нурини аямай тикка тушиб турарди, у қабр устидаги баҳорда ўсган майса ўтларни ўз тафти билан қовжиратиб, сап-сарик рангга бўяган. Қабристоннинг бошланишидаги манзара билан ўртасидаги кўримсиз ҳолат ер билан осмончалик масофада эди. Аслида эса бор-йўғи беш юз-олти юз метр узокликда бўлган бу икки ҳолат дунёнинг табакага бўлинганини эслатарди. Бир томчи сувни, бир тола кўк гиёҳни кўрмадим...

Набирамнинг қабрчаси устида турар эканман, ўзимни-ўзим койий бошладим.

– Кўлидан ҳеч бир иш келмаган бобонгни кечир! Сени омон сақлаб қололмадим. Беш қўлини оғзига тиққан, эгнига оқ халат кийиб юрган айрим олғирларнинг касофати билан сен ва сенга ўхшаган гўдаклар умри завол бўлмоқда. Туғруқхоналарда тирнокларини ўстириб, дуч келган чет эл бўёқларини чаплаб юрган сатангларнинг олдини қайтариб бўлмади. Бўйинларига тақилган тилло, бриллиант тақинчокларда ботмон-ботмон заҳарли вируслар борлигини айтиб ишонтира олмадим. Уларни фақат эндиғина дунёга келаётган чақалокларнинг, «ўғил туғилди, қиз туғилди» деб ота-оналар, момолар-боболар қархисига «суюнчи беринг» лаб югуриши, олам севинчларига шерик бўлиши гуноҳларини оқлай олмайди...

Набирагинам, сен яшашинг мумкин эди. Агар доя «опанг» киндигингни кесаётганда ёки шамоллаб колганингда укол килаётганда қўлидаги асбобига юқумли вирусларни юктирмай, озода ишлагандан, ажал комига тушмасдинг. Сен яшардинг. Албатта, яшардинг. Гунг, кўр, кар бобонгни канча айбласанг ҳам оз. Энди сен қайтиб келмайсан. Менинг гуноҳларим эса катталашиб бормоқда...

Кўзимни очдим. Тепамда шоир турарди.

– Хўш, Эркор ака! Ахволлар жойидами? Мен билан мулокот килишга тайёрмисиз?! Гап бундай, мен терговчи Қодир Аллаёров билан сұхбатлашдим. У киши сизнинг соғайишиңгизни кутаяпти. Бу иш узок чўзилса керак. Етук шифокор олимларнинг хulosасига кўра, ўзингизни авайласангиз, асабларингизни таранглаштирадиган ўй-хаёллардан йирок бўлсангиз, миянинг асл ҳолатига қайтиши тезлашар экан. Жиноятчи албатта топилади. Бунга ишончим комил. Сизни бир оз вактдан кейин Наманган вилоятига олиб кетаман. У ерда дам оладиган жойлар кўп. Бир ой ўзингизга карайсиз. Бу ҳакда бош шифокор, терговчи билан келишиб олишим керак. Оилангиз рухсат берди.

Шоир менинг розилигимни кутмай чиқиб кетди. Хотиним ташвишланиб ичкарига кирди. Унинг юзидаги хоргинлик чарчоқдан эмас, у негадир ташвишли кўринар эди.

– Элёржоннинг гапига нима дейсиз? Борасизми водийга?! У мени ишонтирди. Сиз соғ-омон бўлсангиз бўлгани, – деди хорғин жилмайиб.

– Бошлиғингиз Карим Суярович келган. Сиз билан гаплашмокчи. Кирсинми ё бошка кунга колдирасизми? Аёлимнинг бу хонага Карим Суяровични киритгиси келмаётгани кўзларидан билиниб турарди.

– Майли, кирсин, – дедим. Хотиним Карим Суяровични бошлаб келиб, сўнгра ўзи чикиб кетди. Карим Суярович мен билан куюқ саломлашди. Гапни чўзмай максадга ўтди.

– Эркор ака, сизни акам деганман, бор гапни айтсам ишонмайсиз. Терговчи Қодир Аллаёров бу ишни ўзинг уюштиргансан, вазиятга қандай ёндашмай қатаванинг учи сенга тақалади, деди. Ҳайронман, сиз билан, мана, қанча йиллардан бери бирга ишлаймиз, ҳамиша оға-инидек ҳамфикр, ҳамжиҳат бўлганмиз. Ўзимга-ўзим тинмай савол бераман. Бу кабиҳ ишни ким қилиши мумкин? Тепасида турган одам ким? Идорага нотаниш одам кирган бўлса, нега коровул кўрмаган? Котибам Моҳира-чи, у каерда бўлган? Уни ҳеч ким кўрмаган. Фойибдаги бу одамнинг асл мақсади нима? Эркор ака, бу жавобсиз саволлар мени тамом қилди. Терговчининг иккilanмай мендан гумон қилиши ортиқча. Моҳирани, ўша куни на-вбатда турган коровулни ишдан ҳайдайман. Улар айнан сиз жабр кўрган сонияда йўқ эдик дейишяяпти. Нима учун иш жойларида ўтиришмайди? Назаримда Моҳира ниманидир билади, лекин айтмаяпти. Терговчи Моҳирани, коровулни тинмай сўрок қилаяпти. Мен билан Моҳира ўртасидаги яқинлик қисман сизга ҳам аён. Агар Моҳира шу

ҳақда терговчига гулласа, буларни ўзингиз биласиз, мени «шиладилар», бор-будимни талаб, кейин тинчийдилар. Умуман, мана бир ойдирки, на ейишимда, на ичишимда ҳаловат бор. Қаёққа бош уришимни билмай олдингизга келдим.

Танамда кечаётган сим-сим оғриқ бир оз йўколгандай бўлди. Карим Суяровичнинг сўзлари га чалғиганим учунми, ўзимни анча енгил ҳис кила бошладим.

«Терговчига баҳона керак, яхшигина «семиз балиқ» кармоғига илинди. Энди уни қандай ейишини ўйлаяпти. Унинг иштаҳаси баланд. Ҳа, сизга жуда кийин бўлди, Карим Суярович», ўйлардим ўзимча.

– Карим Суярович! Сиз безовта бўлманг, ахир бу ишга сизнинг заррача ҳам алоказингиз йўклигини жуда яхши биламан. Бир чорасини топамиз. Сиз ташвишланманг, ҳаммаси яхши бўлади.

– Қани энди айтганингиздек бўлса, Эркор aka!

Унинг юзи сўлғинлашиб, кўзларида эса бостириб . келаётган ташвишли фалокатдан дарак берувчи кўркув акс этган эди. Жуда эзилган, ғамгин киёфада хонадан чикиб кетди. Хотинимга дори-дармонга деб, анчагина пулни, олмайман деса ҳам, қолдириб кетибди.

Ойлар ўтиши билан соғлигим тиклана бошлади. Бошимдаги докаларни олиб ташлашди. Хона-

да у ёқдан-бу ёқка бемалол юра бошладим. Ҳар замонда бошим зирқираб, кўзларимнинг тинишини хисобга олмаса, ахволим анча тетик эди. Хотиним, фарзандларим хурсанд, уйга олиб кетиш тараддуудида юрардилар.

Хонага қизим кириб келди. Унинг кўзларидаги ҳазинлик ҳали кетмаган. Бундан уч ой олдин саккиз ойлик ўғилчасидан айрилганини ўйласам, бу оғриклар ҳолва эканлигини тушунардим. Айниқса, она учун бу фожеанинг оғирлигини, кечаю кундуз аллалаб, еру кўкка ишонмаган гўдагини тупрокқа қўйиб, додини кимга айтишини билмай, телбаларча ўзи билан ўзи гаплашиб тақдирга тан беришнинг ўзи бўладими. Гувоҳи бўлдим-ку, фарзандини болалар шифохонасида даволатиш учун бор-будини бериб ҳам олиб қололмади. «Ставилакок» деган бало гўдакни ўз домига тортиб кетди. Эҳ, кизгинам, сенга қийин, жуда қийин. Нима кила олардинг, тақдирда шу кўргуллик бор экан, деган ўй хаёлимдан ўтар экан, уни юпатишга сўз ахтардим. Кўзларим жиқка ёш, унга бу ҳолатимни кўрсатмаслик ниятида, уни бағримга олдим. Ўзимни тутиб олгунча кучоғимдан бўшатмай, ниҳоят тилга кирдим:

-- Мана, мен ҳам соппа-соғман, насиб бўлса уйга кетамиз. Ширин-ширин овқатлар килиб берасан, – дедим уни ҳам, ўзимни ҳам юпатиб.

Қизим юм-юм йиғларди. Унинг вужудида бир умрга ўчмас из қолдирган дардининг давосиз эканлигини билардим. Фақат, бу азобни вакт даволайди. Тақдирга тан бериб яшаш, яна фарзандли бўлиши, йилларнинг ўтиши жараёнида бу кулфатларни унутиш мумкин бўлар. Лекин у каро кунни ҳеч качон буткул унутиб бўлмайди....

Қизимнинг биринчи боласи эди. Унинг кулишлари, жажжи қўлларини боши узра харакатлантириб осмонга талпиниши, кўзингизга маъноли карашлари, ассалом деб кўл чўзсангиз, қўлчалари билан салом бериши.... Мусика қўйганда, оҳангига маҳлиё бўлиб ором олиб ухлаши, куйни пасайтирганда, кўзларини очиб қайтадан қўйинглар, дегандай қўлларини ҳавода ўйнатиб типирчилашлари – бу дақиқаларни ёддан чиқариб бўлармикин?!

– Кизим, биламан, сени яхши тушунаман, иродали бўл. Сенга ота сифатида айтадиган сўзим шу.

– Мен яхшиман, отажон! Сиз эсон-омон эканлиз, яна ҳам яхши бўламан.

– Раҳмат, она кизим!

Хонага рафиқам, күёвим, ўғилларим, кичик кизим кириб келишди. Биз оиласый жамулжам эдик. Ҳамманинг юзида севинч аломатлари барк уради...

\* \* \*

Бу кўнгилсиз воеалар кандай содир бўлганига ақлим етмасди. Оиласы, ошна-оғайнилар, қариндош-уруглар, қўни-қўшнилар барча-барча хайрон. Мен катта бизнесмен бўлмасам ёки бирор калондимоғ бойваччанинг ғашига текканим йўқ.

Мен касалхонада икки ой деганда озгина бўлса ҳам ўзимга келдим. Билиб турибман. Шоир бўлмаганда, (аввало Худо) азбаройи шу олийхиммат шифокорлар сабабчи бўлиб жонимга аро кирмаганда, бу дунё билан мангуга хайларашган бўлар эдим. Ҳали тақдиримда яшаш бор экан, хаёт-мамот олишувидан омон чиқдим. Бошимга ёғилган бу бало-қазо чекингандай бўлса-да, ўзимни у даражада соғлом ҳис килолмасдим. Ҳар қалай давом этган, шу икки ойдан ошиқ кечган шифохонадаги ана кетди, мана кетди, деган хавфдан йироқлашганимни сеза бошладим. Танамдаги кучли азоб ҳаддан ташкари мени кийнамоқда. Хотиним олдимга келган қариндошуругларни киритмас, факат фарзандларим кунига

бир маҳал келиб кўришишларига рухсат бериб, шифокор бўлгани учунми, назоратни кўлга олиб, ўзи ўрнатган тартиб-қоиданинг бузилишига йўл кўймасди.

Шундай кунларнинг бирида ўрта ёшлардаги, мундири ёши кирқлардан ошган, баланд бўйли, бакувват, ўзига ярашган киши майор Қодир Аллаёровман деб хонага кириб келди. У ўта муҳим ишлар бўйича бош терговчи эканини, мен билан боғлик жиноят иши унинг зиммасидалигини тушунирди. У мендан шу ишга алоқадор айrim муҳим жиҳатларни билиши, бу жиноий ишнинг тезроқ очилишида менинг кўрсатмам катта аҳамиятга эга эканлигини тушунирди-да:

– Яширмай, ўзингиз гумон қилган одамлар ҳакида билганларингизни, уларнинг исм-фамилияларини, қаерда яашини, ишлашини айтишингиз керак, – деди.

Мен бу тергов бўйича ҳеч қандай маълумот бера олмаслигимни, ўзим таниган кишилардан шубҳам йўклигини соддагина қилиб тушунирдим.

У ажабланиб:

– Ўзингиз ўйланг, бу фалокат қайта рўй бермайдими? – деди киноя билан.

Унинг кўзига тикилдим. Ишхонамда охирги куни содир бўлган воқеани сўзлаб бердим. У ҳар

бир харакатимни синчилаб кузатаётганини, сўзларимдан ўзига керакли бўлган тафсилотларни излаётганини сездим.

Қодир Аллаёров сўзимни бўлиб:

– Бошлиғингиз ҳакида қандай фикрдасиз? Иш юзасидан тортишиб қолганларингда сизга нисбатан адоватини сезмаганмисиз? – деб сўради.

– Йўқ, у одам ҳакида бундай бемаъни хаёлга бормайман. Сиз ҳам Карим Суярович тўғрисидағи гумонларингиздан воз кечсангиз яхши бўлар эди, – дедим бир оз асабийлашиб:

– Бизнинг вазифамиз, шубҳа-гумонлар курсовидан жиноятчини суғуриб олиш. Жиноятчи ҳеч қачон, бу жиноятни мен уюштиргаман ёки мен қилганман, деб айтмайди. Сизни кийнаётган, сизга тинчлик бермаётган ўй-фиқрларингизни яширмай менга айтишингиз керак. Ахир, фаришта эмассиз. Сизнинг ҳам рақибларингиз бор, олим одам экансиз. Бу жиноятнинг очилиши асосан ўзингизга боғликлигини унутманг.

– Бугунча етади, – деб у ўрнидан турди.

– Яхшилаб ўйлаб кўринг, мана менинг ташриф коғозим. Хоҳлаган вақтингизда қўнғирок қилинг. Менинг вазифам жиноятчини топиш. Топаман ҳам. Омон бўлинг, – деб чикиб кетди.

Узок ўйладим. Бу вokeа нега содир бўлди?  
Уюштиришдими? Нима учун? Ким томонидан?

Босиб ўтган ҳаёт йўлимни ўзимча тафтиш килар эканман, бирон кимсага ёмонликни раво кўрмаганимни, кўлимдан келадиган даражада, имконим борича яхшилик килганимни, ўзимга яқин тутган одамларни хамма соҳада, хамма жойда қўллаб-куватлаганимни бир-бир эслаб чиқдим. Ўшалар орасида ракибларим ҳам бор эдими? Ракиб деб бўлмайди-ю, иш юзасидан бўлган айрим келишмовчиликларни назарда тутмаса, жиқка мушт бўлиб килган курашлар ҳаётимда бўлмаган. Доим камтарона яшаганман. Бойликка, аёлга, шон-шуҳратга, мансабга ўч бўлмаганман.

Яхши яшашни, тўкин ҳаёт кечиришни болалигимдан то ҳозиргача орзу қиласман. Бу орзулар менинг ичимда куртак очгану, улғаймаган, ўрнига сабр, бардош, кўникиш ҳиссиётлари билан алмашган. Кечирган умр йўлларимни диккат билан кузатар эканман, эсимни таниганимдан бери вужудимда кечаётган жараёнларни (ғалаён деса бўлмайди) дардлашадиган сирдошим Шоирдан бошқа кимсага айтмаганман. Энди телефонга келсак, унинг пайдо бўлганига кўп бўлгани йўқ. Агар ҳукумат одамлари бу тузокни кўйган бў-

лишганда, чакириб олиб, «Сен бизларга керак экансан, юртни ўғрилар босиб кетишиди, бирга ишлайлик», деган бўлар эди.

Менга қилинган бу суикасднинг тагида нима ётибди?!

Мансаб илинжида талашганлар, бир-бирларини йўкотиш ниятида турли ўйинларни ўйлаб то-пишган, масалан, меҳмондорчиликда овқатига ёки ичадиган ароғига, чойига заҳар кўшиб, ўлдириб баъзан чиройли аёл ёллаб, обрўйинни (ўзи йўқ) тушириб кутулишган. Мен-чи, мансабдор бўлмасам, бош ҳисобчилик бир вактлар мансаб ҳисобланса-да, хозирги кунда мартаба ҳисобланмайди, оддий хизматчи вазифасини ўтаяпман холос.

Зимдан ўзгаларга чоҳ казувчилар ҳар замонларда бўлган, бундан кейин ҳам бўлади. Бу энди умуман бошқа олам. Бу олам менинг ғариб ва беғубор оламимга тўғри келмайди...

Телефон каерда экан? Телефоним тўғрисида ўйлай бошладим. Хаёлимга мобил телефонимда узундан-узок вайсаган кезларим келди. Эҳтимол, телефондаги дўстим мен билан ўтказган ғойибона сухбатлар ҳосилини ҳадя килгандир...

Хонага катта кизим Дилбар кириб келди. Мени ўпиб кўяр экан, кайфияти анча яхши эди.

– Онам бугун ишга чиқдилар. Сизга энди мен қарайман, – у ўнг кўли билан бошимни меҳри-бонларча силади.

– Яхши, қизим. Менинг кўл телефонимни кўрмадингми? – деб сўрадим.

– Йўқ. Онам бирон жойга яшириб қўйган бў-лишлари мумкин.

– Ундаи бўлса, онангнинг олдига бор, кўл телефонимни топгин-да, менга олиб кел.

– Онам тушликда олдингизга келадилар. Шунда сўраймиз. Онам менга отангнинг олдидан жилмагин, деб тайинладилар.

– Сен боравер, ҳозир соғлигим яхши. Бир соатда бориб келасан. Менга телефон жуда ҳам зарур, қизим.

– Мана, менинг телефонимдан фойдаланинг, – деб ўзининг кўл телефонини узатди қизим.

– Йўқ, қизим. Сен айтганимни кил-да, телефонни топиб кел. Тунда мен қўнғироқ қиласиган ракамлар ёзилган, – деб қизимни хонадан чиқариб юбордим.

Хаёлимни телефонда ҳар куни бир соатлаб қилинган сухбатлар эгаллади. Нега мен дабдурустдан дардларимни телефонга тўкиб солдим?

Кимdir ўйларимни ўйинчоқ қилиш мақсадида атайлаб уюштиргани аниқ. Шунча ҳам содда

бўламанми? Наҳотки шу оддий ҳақиқатга фаросатим етмади, а? Ўзи кўрқок одам бўлсам. «Деворнинг қулоги бор», деган нақлга ишонар эдим. Эх, галварс Эркор! Қандай жин урди сени? Ҳеч бўлмаганда ўзинг билан ўзинг ҳасратлашиб яшасанг бўлади-ку. Сени кийнаётган, ҳар куни тумшуғингнинг остидан «лаббай» деб чикаётган муаммоларни, жавобсиз саволларни қоғозга тўкиб, шу жонсиз қоғоз билан дардлашганингда бошингта бундай балолар тушмасмиди? Телефонда овозимни ёзиб олишган бўлса, нима бўлади? Билдимки, мен катта хатога йўл кўйгандим.

Қани энди, юракда йигилиб ёттан қат-қат ала-му изтиробларни тўкканинг билан мухит ўзгариб колса. Афсуслар бўлсинки бу дарду аламларинг сенга қарши бош кўтаради. Курашиб кўр-чи. Ким билан курашасан? Ичингдаги ёввойи одам сени шундай тузлайдики, туғилганингга пушаймон бўласан. Уни йўқотишнинг иложи йўқ. Бекорга айтмаган: «Ўлдир, ичингдаги хоинни ўлдир!», деб. Ташқарида эса сенга қараб турган бир тўп тўда, ўлса-ўлдирадики, дардингни тушунмайди. Ўлиб кетасанми, парвойига хам келмайди. «Палончининг бошига уриб ишхонасида ўлдиришибди», «Пистончини меҳмондорчиликда заҳарлашибди», «Анави бор-ку, йўлда машинасида

халокатга учрабди»... Бир балоси бордирки, улар касофатга учрайпти, деган узундан-узок миш-мишларни тўкишиб, бўлмағур иллатларни ёпишириб гўрига ғишт калашади. Ўз ажали билан қариб ўлганларга эса «ёшини яшаб, ошини ошади», «бечоранинг армони колмади», «Палончининг тўйи бу»... (тўй ҳам бўладими) деган иборалар билан қўлини қовуштириб, саф-саф бўлиб жанозага келишади. Дуойи фотиха қилишади.

Ўлим... Ким тўрт ҳарфдан иборат шу жумлани эсласа, бадани жимирлаб сесканиб кетади. Чўчиб тушади.

Ўлим шунчалик кўрқинчлими?!

Миямда айланаётган тутуруксиз саволлар гирдобидан зўрға кутулдим. «Кизик, одамни нима бошқаради?» деб ўйладим. Инсонни ғайриконуний бир куч бошқариши аниқ.

Онгми?

Онг инсонни чалғитади. Онг тоифага бўлинади. Олий онг (комил), ўрта онг, кейин онгсизлик ҳам мавжуд. Ўрта онгли бўлиш, одамга яхшилик олиб келиш билан бирга ёмонлик ҳам олиб келади. Яхшилик келтиргани, киши ўзини англайди, яшашдан максад нималигини тушунади. Ўз олдидаги бурч, кадри-

ятларнинг фақат инсонга хос эканлигини эътироф этади. Ёмонлиги: билиб туриб, онгли равишда гуноҳларни кўпайтиради...

Олий онг инсонни эзгуликка ундейди, бунга эришиш жуда машаққат.

Виждонми?

Виждон бошқарганда, турмуш бошқача бўлар эди.

Кучми?

Куч ҳам бошқармайди.

Ёвузликми?

Ёвузлик ёвузликдан туғиладиган иллат, холос.

Бу ҳакда одамзот миллион йилдан бери ўйладиди.

Гўзалликми?

«Гўзаллик дунёни куткаради» дейишади. Хўш, нимадан куткаради? Ёвузликданми? Куткарса, шу вактгacha куткарап эди-да.

Қонунларми?

Ўзимиз ўйлаб топган қонунларнинг кўли калта, у инсон зотининг ботинига кира олмайди.

Илмми?

У онгнинг маҳсули, инсонни бошқаришга ожиз.

Нафсми?

Нафс одамни тубанликка етаклайди.

Бунақа саволлар узлуксиз, олдинма-кейин, зинама-зина гох пастга, гох тепага күтарилиб, ўйласа тубига етиб бўлмайдиган ўпқондай домига тортаверади.

Одамнинг рухияти, ички олами шу кадар мурракаб жараёнки, уни англаш, ҳис қилиш, тубига етишнинг имкони йўқ...

Имконнинг бир киррасида ўзини-ўзи тафтиш қилиш, ўзини-ўзи англаш, қилган гуноҳларидан азобланиш, ундан азият чекиш охир-окибат кўркувга олиб келади.

Одамни кўркув бошқаради.

Кўркув ёшлиқда пардаланган, кўринмас иплар билан боғланган, ҳар ёқда ўзини намоён этмайдиган даражада жиловланган бўлади. Одам улғайгани сари, кўркув ҳам катталашиб, иплярини секин-секин уза бошлайди, кейин вужудни эгаллаб олади.

Кўркув инсон рухиятига ўтиб, уни акл тасаввур қилмайдиган даражада рисоладагидек бошқаради. Одамлар кўркувни гох тан олиб, гох тан олмай, қилган гуноҳларини поклаш учун тавба-тазарру қилишади. Гуноҳ қилишдан кўркишиб – гуноҳ қилишади.

Кўркувнинг тури минг хил бўлмасин унинг ранги, таъми бир хил. У инсонни бошқаради.

Окибат битта манзилга етаклайди. Бу манзил Худога юзланишдир...

Бошимда каттик оғриқ турди. Миямдаги симсим азобнинг ҳали-вери тўхтамаслигини сезар эканман, гўё бир тўда игналарни бошимга кимдир секин-секин суқиб олаётгандай, кейин эса тезлашиб, катта жуволдиз, бигизларни аямасдан олдинма-кейин санчаётгандай оғриқ зўрайгандан зўрайиб борарди... Овозимнинг борича додладим. Ҳамшира қиз югуриб келди.

– Тоғажон, нима бўлди?

Кўзларим олайиб, унинг саволига жавоб беролмадим. Ҳансира, оғриқни тўхтатувчи уколдан килишини сўрадим...

\* \* \*

Ниҳоят, уйга қайтдим. Кўнгил сўрашга келаётган қариндош-уруғлар, ошна-оғайнилар мен билан боғлиқ можарони билишни исташар, мен эсам уларга ўзим билганча (албатта телефон ҳакида лом-мим демасдан) бўлган воқеани тушуниравериб чарчадим. Кўл телефоним эса ғойиб бўлди.

Карим Суярович кунора, кечки пайтда келар эди. Ўзига қўйилаётган айбларни бир бошидан сўзлаб берар эди. Бир гал жуда кеч келди. Са-

ломлашиб, терговчининг олдидан келаётганини айтди:

– Эркор ака! Иш шу даражага бордики, Мохирани агар менга қарши кўрсатма бермасанг, хибсга оламан, деб қўркитиби. У ҳали ёш, қаёкка қайирса, бурилади, ўта нозик ва қўрқок. Унга: «Ваҳимага тушма, ахир сенинг ҳеч нарсадан хабаринг йўқ-ку? Ё шу воқеа ҳакида бирон нарсани биласанми?» – дедим, у бўлса:

– Терговчи агар шу воқеада Карим Суяровичнинг кўли бор демасанг, сенинг бўйнингга кўяман, сени ўйнаш қилиб юрганини ҳам биламан. Мен айтганимдай кўрсатма бер-да, ўзингни четга ол. Сенга уч кун муҳлат. Агар айтганимни қилмасанг, сен ҳам қамаласан, Карим Суярович ҳам қамалади, – дебди.

– Мохира ёлғон айтиётгандир. Сиздан бирон нарса ундириш ниятида тўкиётгандир?! – дейман унга қандай тасалли беришни билмай.

– Йўқ, Эркор ака! Терговчининг менга килаётган ортиқча ҳаракатлари, соатлаб тун ярмигача олиб ўтириши Мохиранинг сўзларини тасдиклайди. Аллаёров: «Сизнинг бошингизни котибангиз «ейди», деб шаъма қиласди.

– Терговчи сизни шунчаки қўркитаётган бўлиши мумкин. Калаванинг учини тополмаётгани-

дан гумон қилиб, шу йўлга ўтган. У менга ҳам шунга ўхшаш алланарсаларни айтди, сизнинг бу воқеага алоқангиз борлигини исботлашга уринди. Кўрасиз, жиноятчи топилади. Ҳаммаси ўз ўрнига тушиб кетади. Чидамли бўлинг, – дедим.

– Қани энди, тезроқ топилса, жудаям чарчаб кетдим. Ўзимниям айбларим кўп, қаерданам шу Моҳирага илашдим. Афсус килганим билан фойдаси йўқ. Терговчига катта пул ваъда килдим. У баттар тутакиб, бир гап борки пул ваъда кила япсиз, бунинг тагига албатта етаман. Ташкилотингизнинг беш йиллик фаолиятини қайта текшириб, соликдан яширган кинғир ишларингизни очаман. Чучварани хом санабсиз, мендан осонликча кутулмайсиз, мулкингизни давлат фойдасига мусодара қилиб, ўзингизни панжара оркасига ўтқазаман, деб пўписа қилди.

– Бекор қилибсиз. Хатонгиз шуки, ҳамма нарсани пул билан ҳал қилса бўлади, деб ўйлайсиз. Ундей йўл тутмаслигингиз керак эди. Ўзингиз ишничувалаштирибсиз-да!

– Нима қиласай, Эркор ака! Ахир менинг оиласм бор, болаларим катта-катта бўлиб колишган. Бу шармандаликдан кутулиш учун ҳамма нарсага тайёрман. Терговчи эса Моҳирадан усталик билан фойдаланаяпти. Менга қарши кўрсатма

олишга албатта эришади, кейин кўринг ўйинни. Бу шармандаликка кандай чидайман? Болаларим олдида нима деган одам бўламан! Ҳатто, бу гапларни отамга ҳам айта олмайман. Бошим котди. Миям ваҳимали ўйларга тўлиб, ўзимни-ўзим бошқаролмай қолдим.

– Бўлари бўлди. Эртага терговчига бориб, билганингни кил, бу воқеаларга менинг алокам йўқ деб айтинг. Сўзингизда туриб олинг. Бу ишларда алокангиз йўклигига уни ишонтиринг. Бошқа йўл йўқ. Бўлмаса пулингизни ҳам олади, шарманда ҳам қиласди, – дедим унга тасалли беришнинг бошқа чорасини тополмай.

Карим Суярович бошини этганича чикиб кетди.

\* \* \*

Ўзи шифокор бўлгани учунми рафиқам мени парвариш қилишга ўта масъулият билан ёндашарди. Шифохонадан келган кунимдан, меҳнат таътилига чиқиб олди. Ҳар куни бошимдаги доқаларни ечиб муолажа қилас, ўз вактида овқат едирап, дам олишимни, очик ҳавода сайд қилишимни, хуллас, касалхонадагидек режимга ўта амал килган холда мени авайлаб, асрарди. Бу меҳрибонликлар менга кераклигини у жуда яхши биларди.

Ҳақиқатан ҳам, мана ўттиз беш йилдирки, мендан ўз саҳоватини аямай рўзгоримни бут қилиб, фарзандларимни тарбиялашда, оиласминг фаровонлигини таъминлашда мендан кўра кўпроқ ҳисса қўшган оқила аёлдир. Рафиқам билан қандай танишганимни эсладим:

1973 йилнинг айни ёз палласи. Эндиғина аскарлик хизматидан қайтганман. «Каршистрой» бирлашмасига қарашли «Саноат корхоналари бошқармаси»га хисобчи бўлиб ишга жойлашган кезларим. Бу ўзим ҳакимдаги воеаларни Ҳалиманинг кундалик дафтаридан тасодифан ўкиб колганман:

«Тошкент тиббиёт институтида 5-курс талабаси эдим. Ёзги таътилга чиқиши арафасида, Тошкент Ирригация институти талабалари Қашқадарёга, яъни «Шайх Али» қишлоғида жойлашган «Саноат корхоналари бошқармаси»га ишга келишди. Биз тўрт нафар дугоналар талабаларга шифокор бўлиб бирга келдик.

Карши шаҳрига биринчи марта келишим. Шаҳардан ўн икки километрлар узокда, Бухоро йўлининг ўнг қўлида жойлашган «Шайх Али» қишлоғи менинг ҳаёт йўлимни белгилаб берган муқаддас макон эканлигини алоҳида қадрлайман.

Талабаларга ётоказана сифатида, икки қаватли бинодан жой ажратиши. Бинонинг узунлиги эллик метрлар бўлиб, энига ўн беш метрлар килиб курилган. Кириб-чиқадиган эшиги пастки қаватда. Курсдошим Қумри билан менга иккинчи қаватдан алоҳида хона бериши. Момохол ва Бибинор эса Қарши шаҳрида бошқа талабалар билан колишди.

Бинонинг олд томони боғ бўлиб, турли хилдаги мевалар эндигина пиша бошлаган. Боғнинг чекка кисмида овқат тайёрланадиган ихчамгина вақтинчалик ошхона барпо этиши. Ётоказнада талабалар кўпчиликни ташкил қиласа-да, пастки қаватда ташкилотнинг ишчи-ходимлари, ҳайдовчилар ҳам олдиндан яшашар экан.

Сурхондарёнинг Ҳазорбоғидек кўркам ва сўлим, анхоридан тиник зилол сувлари окиб ётадиган гўзал манзарали қишлоқда туғилган бир кизнинг, Қаршининг оддийгина кўримсиз қишлоғида бир умрга колиб кетиши, тақдир бўлса керак деб ўйлайман...

Талабалар сардори, ирригация институтининг тўртингчи курс ўкувчиси Бахтиёр ёшларни икки кисмга бўлиб, кундузи ва кечаси ишлайдиган тартибда ташкил қилди. Қумри ва менинг вазифам талабаларни ишга кетишдан олдин кўрикдан

ўтказиб, уларнинг соғлигини назорат килишдан иборат эди.

Июль ойининг охирлари бўлса керак, кучли чанг-тўзон турди. Тўполон шу даражада кучли бўлдики, эшик-деразаларнинг тиркишидан кирган чанг, яшайдиган хоналарни гардларга тўлдирди. Тўзон туни билан давом этди. «Мана сенга Қашқадарё, – дедим ўзимга. – Водийга борсам бўлмасмиди?» – деб афсусландим. Эртасига кечга бориб шамол тўхтади. Деразаларни очиб хонани (ўзимизча амбулатория шароитини яратиб олган маҳсус хона) тозалаётган эдим. Эшикдан бир йигит мумкинми, деб кириб келди. У мен билан шунчаки саломлашди.

– Кечирасиз. Сиз шифокорсиз-а? – деди.

– Ҳа, – дедим мен ҳам бўш келмай, ҳали шифокорлик дипломини олишимга икки йил бўлса ҳам.

– Унда менинг бошимни кўриб қўйсангиз! Ғувуллагани-ғувиллаган. Кечаси уйку бермаяпти, – деди жиддий киёфада.

Уни стулга ўтказиб обдон текширдим. У эса фақат, менга шу жой, деб бошининг чап томонидаги пешонасига яқин бўлган битта нуқтани кўрсатар эди. Унга керакли дори-дармонлар бер-

дим, олмади. «Ёзиб беринг, дорихонадан ўзим оламан», – деди.

Шу учрашувдан кейин ҳар куни эрталаб саломлашадиган бўлдик. Қиска муддат бир-бири мизга қараймиз-да, саломлашиб, тезда хайрлашамиз. Унинг шу бир дақиқалик бокишида тушуниб бўлмайдиган, кишини ўйга толдирадиган алланималар менинг дикқатимни торта бошлади. У жимгина ишга кетади. Ишдан келганини баъзан билмай ҳам қоламан. Хонасига киради-да эрталаб-гача қайтиб чиқмайди. Ҳеч ким билан иши йўқ. Шофёrlарга, ўзи билан ишлайдиган ишчиларга ҳам қўшилмайди. Туни билан хонаси ёруғ. Парда орасидан нималарнидир ёзиб ёки ўқиб ўтирганига кўзим тушади. Умуман, у бошқаларга ўхшамайди, аллақандай тушунарсиз хулқ-атвори кўпчиликни қизиқтирса ҳам, унинг олдига киришга ҳеч кимнинг ҳадди сиғмайди. Бирон ерга қараса, бир нуктага тикилиб узок термулиб қолади. Гўё олдинан ўтаётган одамни кўрмаётгандай тутади ўзини. Хонага бепарво кириб кетади.

Уни зимдан кузатар эканман, кундан-кунга бу йигитга қизикишим орта бошлади. У ҳақида Бахтиёрдан суриштирдим.

Яқинда аскарлик хизматидан қайтган. Биз ишлаётган ташкилотда хисобчи бўлиб ишлар

экан. Унинг юриши ҳам қизиқ. Пойабзалининг пошнасига нағал қоқиб олган, юрганда, так-тук, так-тук, так-тук... дона-дона қадам ташлайди. Унинг ишга кетишини ҳам, ишдан келишини ҳам қадам товушларидан ажратиб олса бўлади.

Айнан талабаларни эрталаб ишга чиқишдан олдин қабул қиласиган хонам, шу йигит турадиган хонанинг олдида. Ўзим истасам-истасам (албатта истайман) йигитнинг ишга келиб-кетиши хуфёна назоратим остида бўлади.

Эрталаб соат ўн дакиқа кам саккизда. Так-тук, так-тук, так-тук...

Кеч пайти соат бешдан ўнта ўтганда яна, так-тук, так-тук, так-тук...

Ўша пайти кўриб қоламан уни, қадди-бастини тик тутади, оркасига бурилиб қарамайди. Йигит яшайдиган хона шундайгина бинога кириш эшигининг ёнида. Дам олиш кунлари ҳеч ёкка кетмайди. Хонасига қамалиб олиб баъзан рубобда эзib юборадиган даражада куй чалишлари уни мохир созанда дейишга асос бўла олади. Бу ҳолат ҳафта-да бир марта, айрим ҳолларда икки марта такрорланади. Беихтиёр унинг рубобда бирон куйни чалишини кутаман. Оханг тарагадиган кунни билиб олганман, шу куни хонамда ўтириб бор вужудим билан уни эшитаман. Ўзиям бир соатдан ошиқ ча-

лади. Тановар, Муножот, Ушшок, Дилхирож, Дугох, Сегох, Қарши кизлари...

Қайси бирини айтай, ўзиям сел килиб юборади. Қизик, менинг шу куйларни мирикиб тинглаётганимни билармикин?...

Якшанба куни соат ўнларда ётоказона эшигидан чиқаверсам, шу йигит рўпарамдан келаяпти. Негадир, сесканиб кетдим. Кимдир юрагимга буйруқ бергандай «мехмонга таклиф кил», деди. Саломлашдим.

– Бошингизнинг ғувиллаши қолдими? – деб сўрадим. У «ҳа» дегандай бошини кимирлатди. Кета бошлади. – Тўхтанг-да, – дедим ўзимда куч билан журъат тўплаб.

У тўхтади.

– Сизни кечга чойга таклиф қилсан келасизми? – дедим. Ҳаёлимда эса «ҳозир йўқ дейди» деган шубҳали овоз эшитилди.

– Кўпчиликмисизлар? – деди паст овозда.

– Курсдошларим, яна талабаларнинг иш бошкарувчиси Бахтиёр. Сиз уни танийсиз.

– Майли, ўтаман, – деди.

– Рубобингизни ҳам олиб келсангиз яхши бўларди. Бизга куй чалиб берардингиз, – дедим унга термулиб.

У негадир жавоб бермади. Тез-тез юриб, так-тук, так-тук, так-тук... килганича хонасига кириб кетди.

Окшомни сабрсизлик билан кута бошладим. Мен бу ёввойи йигитни севиб... десам ёлғон бўлади, унга жуда кизикиб қолган эдим. У нихоятда эҳтиёткор, ҳар бир гапини обдон ўйлаб, кейин сўзлайдиган, хаёлпараст, назаримда фактавол берсангиз, жавоб берадиган камгап, содда йигит эди. Унинг маъюс қараб турган кўзларида мен тушуниб етмайдиган, хаётим мобайнида учрамаган, бадиий китобларда, киноларда кўрган одамларникига ўхшамайдиган алланималар бор. Бу ҳолатни сўз билан тушунтириб бера олмайман. Унинг карашларини кўз олдимга келтирсам, юрагим ширин орзикиб, шу беғубор кўзларнинг ичи-ичига киргим келади. Уни англағим келади...

Мана йигирма икки ёшга кирибману ҳали биронта йигитга тузукрок эътибор бериб қарамаганман. Фикру зикрим ўкиш, фактавот ўкиш бўлган. Ҳаёт йўлимда менга тўғри келадиган, мени тушунадиган, тақдиримга ёзилган йигит тўғрисида ўйлаб кўрмаган эканман.

Бу йигитга нега эътибор бераётганимни ҳали ўзим ҳам тўлик англамасдим. Табиатим хушчак-чакликни, гўзалликдан завқ олишни, чиройли

манзараларни ёқтиради. Жиддийликка унча хушим йўқ эди. Орзулар қанотида учардим. Катта шифокор бўламан, одамларни даволайман, отажонимнинг, онажонимнинг касал бўлишига йўл қўймайман. Уларнинг хурматини жойига қўяман. Кишлокдошларимнинг, кариндош-уруғларнинг дардига дармон бўламан, деб беш йил шу ниятда ўқидим...

Беихтиёр хаёлим яна шу йигитга кетди. Уни ўйлай бошладим. У кўзимга фариштадай кўринди. Унинг ташқи киёфаси ҳам ўзига ярашган, кўзлари катта-катта, юзи буғдойранг, думалок. Бўйлари узун. Қадамларини катта ташлайди. Сочига оралаган ок-кўкимтири толалар унга шунчалар ярашганки, агар рассом бўлганимда суратини чизардим. Шунчаки кўриш учун эмас, санъат дарражасига етказиб чизардим.

Юрганда доим олдинга караб юради, атрофга аланг-жаланг қарамайди. Қоматини тик тутиб, ўзига ярашган салобат билан қадам ташлайди. Кийган кийими озода, доим дазмолланган, кўпроқ ок шим, ок кўйлакда кўраман...

Курсдошим (синфдошим ҳам эди) Қумрини топдим-да, рубоб чаладиган йигитни кечга чойга таклиф килдим, дедим.

Қумри менга ажабланиб қаради, кошларини чимириб:

– Ёқтириб қолдингми? Юрагингдан урган шекилли, ҳали исмини ҳам билмай туриб чойга таклиф қилиш, қандай бўларкан? Яна сен-а? Шу вактгача бирон йигитга қарамаган киз... Бу мўжиза-ку!

Шу куни шаҳардан Момохол ва Бибинор дугоналарим ҳам кўргани келишди. Ҳалима, энди таништириш бўлар экан-да, деб жиғимга тегди Кумри.

Шаҳарга тушиб бозордан ҳар хил мевалар, конфетлар, нону пишириклар олиб келдим.

Курсдошлар биргаликда дид билан дастурхон тузадик. Интизорлик билан кутган оқшом, ўз жозибасини намойиш килиб, аста-секин кела бошлади. Унинг юришини пойлаб, қулогимни динг килиб, ўзимча ўйлайман: «Нега энди мендан бу ташаббус чиқди. У нотўғри тушунган бўлса-чи?» ТошМИнинг қизлари деган номимиз бор. Тўғри қилмадим. Бу таклиф мендан чиқмаслиги керак эди. Кумри ҳак. Ҳали исмини билмай туриб, қандай журъат килдим, дугоналарим нима деб ўйлайди. Бу йигитни чойга таклиф қилишга менда озгина бўлса ҳам асос бор эдими? Ҳали бир йил тўлиқ ўкишим керак, кейин интернатура (ўкиш битгандан сўнг бир йил мажбурий ишлаб бериш), нималарни ўйлајпман ўзи. Таклиф кил-

дим, вассалом, келади, ўтиради, бир-иккита куй эшитамиз, кетади. Бу номаъкулчиликни бошка килмайман.

Бахтиёр келди-да: «Мехмон ҳали келмадими?» – деди. – Уни ҳозир олиб келаман, – деди-ю пастга тушиб кетди.

Бахтиёр деганимиз хоразмлик бўлиб, дугонам Кумрини ёқтириб колган эди. Биз тўрттала дугона сурхондарёликмиз: Кумри, Момохол, мен Денов туманининг Ҳазорбоғ совхозидан, синфдош здик. Бибинор эса Денов шаҳридан.

Озрок муддат ўтгач, Бахтиёр мен кутган йигитни бошлаб, хонамизга келди. У саломлашиб, ўзига маъкул бўлган кулайроқ жойга ўтириш учун тараддулданар экан. Бахтиёр уни қўлидан ушлаб хонанинг тўрида турган стулга ўтиргизди. Мени канча кисташса ҳам унинг ёнида ўтиришга иймандим.

Бахтиёр йигитни бизга таништириди.

– Эркор Орипович! Якинда Москвада ҳарбий хизматни ўтаб келган. Ҳозирги кунда бошқармада ҳисобчи бўлиб ишлайди. Келгусида бош ҳисобчи, – деди овозини жаранглатиб.

Бу тантанали таништириш йигитга ёкмагани шундокқина юзидан билиниб турарди. У бу гапларга эътибор бермагандай, ҳамма билан бош

силкитиб саломлашиб чиқди. Кейин чой ичиб ўтирди. Биз тайёрлаган таомга қўлини узатмади. Жуда кам гапирди. Бахтиёрнинг саволларига «ҳа», «йўқ» ёки бош силкиб жавоб бериб турди. Дугоналаримнинг гаплашишга ё ҳаддилари сифмади, ёки уларнинг танишгиси келмади.

Кумри кулоғимга: «Бу билан яшасанг, ичинг тарс ёрилиб ўласан», – деди. Мен уни яхшилаб сонидан ўйиб олдим. Ўзимни қўлга олиб ўрнимдан турдим-да, унга чой қуийб узатдим. Дастворхондаги овқатлардан ейишига таклиф килиб, идишдан бир бўлак гўшт олиб унинг тақсимчасига солиб қўйдим.

– Ортиқча овора бўлманг, – деди у секингина.  
– Мен овқатланиб чиқканман, тўғрироғи, талабаларнинг ҳақини емайман, – деди дабдуруустдан. Бу сўз устимдан бир чеълак муздек сувни қуийб юборгандан баттар аҳволга туширди мени. Дугоналарим қайсиси оғзига овқат солган бўлса, шу ҳолатда, қошиқ ушлаганлар ушлаган ҳолатда донг қотди. Ҳамма жим, жуда ноқулай, кўнгилсиз вазият вужудга келганди. Йигит ўз гапидан хижолат бўлди, шекилли:

– Кечирасизлар, мен ундей демоқчи эмасдим. Тўғри тушунинглар. Ўринсиз айтган сўзимни, – деб ғўлдиради.

Яна алланималар деди. Қулоғимга хеч қандай гап кирмади. Қулоғим битган, тилим лол эди.

«Ўзи ким бу йигит?! Ўзини осмонларга қўйиб, нима демокчи? Биз талабаларнинг хақини еяпмизми? Ё тавба, «одамнинг ичидаги оласи» дегани рост экан-да. Степендиядан йикқан пулларимни сарфлаб унга дастурхон ёзсан-у, у талабаларнинг хақини еяпсан, деса. Наҳотки мен орзу қилган йигит шу бўлса?»

Бахтиёр вазиятни юмшатмоқчи бўлиб дўстига тушунтира бошлади.

– Эрқоржон, бизлар ҳам талабалар қатори хар ойда, овкат учун ўз улушимиизни қўшамиз. Шу жумладан, бу кизлар ҳам. Сиз нотўғри тушунманг, бугунги дастурхондаги неъматлар Ҳалимахоннинг хисобидан сизнинг шарафингизга килинган.

У хижолатданми, ё бошқа сабаб бўлдими, ўтиришни бошқа давом эттириш ортиқча эканлигини сезиб, қайта-қайта узр сўраб хонадан чикиб кетди.

Уни бир ҳафта кўрмадим. Деразасининг пардаси ёпик. Ўзим ҳам у даражада қизикмай қўйдим.

Ишларимиз охирлаша бошлади. Яна уч кундан кейин талабалар ўқиш жойига, биз тўрт ду-

гона уйга, ота-онамиз бағрига қайтиш тараддудида юрдик. Йигитни қайтиб кўрмадим. Ҳафсалам пир бўлди. Йигитнинг айтган гапи учун эмас, кандайдир камчиликларга тўла бу дунёning ишларидан кўнглим ғаш эди. Осмонни ўядиган даражада хунук воеа юз бермаган бўлса-да, орзу килган кишингдан сени изза киладиган танбехни эшитиш, менга алам киларди.

Қанча йил Тошкенти азимда ўқиб, аслида йигитларнинг менга ёкмаган айрим қиликлари учун ҳам уларга кизикмаганимни сездим. Уларнинг сабабсиз сўкиниб гапиришлари, мактансоғлиги, сигарет чекиши (у йигитнинг сигарет чеканини кўрмадим), арок ичганлари, чиройли қизларни кўрганда тамшаниб карашлари мени улардан узоклаштирган.

Хаёлимда китобларда ёзилган мукаммал қаҳрамонни кўпроқ излаганман.

Уйга қайтишимга бир кун колди. Кумри, Момохол ва мен шаҳарни айланишга чикдик. Ахир икки ой яшаган масканнинг эътиборга лойик жойларини кўриб кўйиш ҳам керак-да. Аслида Карши ота шахрим. Отажонимнинг юрти – Қашқадарё.

Шаҳарни томоша қилиб юрганимизда, расталар олдида ҳалиги йигитни кўриб колдим. У биз

билан саломлашиб, музкаймок ейишга таклиф килди. Мендан қачон қайтишимни сўради. Унинг саволларига кўпроқ Кумри жавоб берди. У сергаплик қилмаса ҳам, қайтишимиз ҳакида баъзи гапларни суриштирди.

– Хохласангизлар «Шайх Али»га бирга қайтамиз,— деди.

Бизлар бекатга келганимизда окшом тушиб, салкин шамол юзимизга ёқимли урилар, хаво тиник эди. Кеч бўлгани учун одамлар у даражада қўп эмас, онда-сонда кечиккан йўловчилар такси ёки бирон уловни тўхтатиб манзилига шошилишар эди.

У менга яқинлашиб: «Мумкин бўлса сизда гапларим бор, дугоналарингизга айтинг, ўзлари кетаверсин»,— деди.

Юз кўринишидан шуни англадимки, менга жиддий бир нима демокчи. Мен қизларни жўнатиб юбордим. Бекатда иккаламиз қолдик.

У тараффудланиб:

– «Шайх Али» томон яёв юрамиз, йўл-йўлакай сизга айтадиган муҳим гапларим бор, — деди.

Йўлга тушдик. У бир қанча вакт жим борди. Сўнг кўққисдан: «Менинг болалигим аянчли ўтган, менда на ота, на она, на опа, на сингил, на ака, на ука бор. Ёлғизман. Аскарлик хизматидан

кайтганимга икки ойдан ошди. Бу жойларга сиғ-  
маяпман. Москвага қайтсаммиカン?» – дея савол  
билин менга каради.

– Назаримда, сиз мени тушунадиган киз-  
га үхшайсиз. Киши қачонки бир-бирини анг-  
ласа, унга бор дардини айтгиси келаверади.  
Вақтингиз бор, сизга юрагимда чўкиб ётган,  
ҳали ҳеч ким билмайдиган сирларимни айтгим  
келаяпти. Фойибона бўлса-да, шуни сезаяпман-  
ки, юрагимда мавж ураётган туғёнларим сизга  
қизиқарли, мен ҳақимда ҳали тўлиқ тасаввур-  
га эга бўлмасангиз-да, гўё мен сизни олдин  
кўргандайман, сухбатлашгандайман. Менинг  
табиатимда ўзим англаб етмайдиган ғаройиб  
инжиқликлар борки, бу тушунмовчилик мени  
одамови қилиб қўйган.

Тўғрисини айтсам, қизларни ёқтирмайман.  
Нима учун? Нега? Бунга жўяли жавоб ҳам топол-  
майман. Назаримда, қизлар кўпроқ манфаатини  
олдинги ўринга қўядилар. Кўп нарсаларни ол-  
диндан режалаштирадилар.

Менга үхшаган ҳеч вакоси йўқ ёлғиз йигитга  
қайси киз ҳам турмушга чиқарди? Сиз кўрган хо-  
надан бошқа уйим ҳам йўқ (кишлoқдagi ҳовлим  
вайрон бўлиб ётибди). – Хўш, айтинг-чи, шундай  
холда ҳам сиз менга турмушга чиқармидингиз?!

Кўккисдан берилган бу саволдан ўзимни йўқотиб қўйдим. Унга қарадим, ой ёруғида унинг маъюлашган хира юзини аник кўрмасам-да, унинг ранги заъфарондай кўринди. У менга қараб жавоб кутарди. Бу сўзни ички хиссиёт билан чин юракдан айттаётганини англадим.

Бирданига хаёлимдан турли-туман, тушунарли-тушунарсиз, мен англаган ва англамаган, ҳали поёнига етмаган ғўр қарашларим, оила қуришга тайёр эмаслигим ўтди. Бу саволга жавоб беришга ҳали фурсат борлигини тушундим.

– Мен ўкишни битиришим керак, – дея олдим зўрға.

– Мен кутаман, – деди у иккиланмай.

– Ота-онамнинг розилигини олишим керак, – дедим. Нима учундир, бу йигитга йўқ деган жавобни юрагимдан топа олмадим. Ўзим ҳам ҳайронман, аллакандай ғайриқонуний куч мени унга қараб итарди.

– Хўш, ўзингиз розимисиз? Сизнинг аник жавобингиз керак?

– Розиман, – дедим. Бу сўзни шунчалар секин айтдимки, у эшитдими, йўқми, билмадим. Бутун танам кизиб кетди, юрагим севинчдан ҳаприкарди.

У бу жавобни эшитди. Шошиб қолди.

– Ростданми? Наҳотки? Ҳазиллашмаяпсизми? – деган саволларга кўмиб ташлади. Унинг ҳайрати мен ўйлагандан кучлирок, юрагидаги безовталик меникидан-да даҳшатлирок портлади.

– Ё сиз ҳазиллашдингизми? – деди ўзини тутиб, саволига савол билан.

– Ҳак сўзим. Мен тўлиб кетганман, вужудимда неча йиллардан бери кечаётган андуххларимни тингловчи одамга муҳтожман. Ўзимни овутиш учун эмас. Менга ҳақиқий елкадош, тушунадиган, хаётнинг севинчларию, захматларига бардош берадиган, бу кўш аравани бирга тортадиган йўлдош керак. Мен ёлғизман. Сиз ёлғизликнинг қандай аянчли азоб эканлигини, унинг тубсиз чоҳларини тасаввур кила олмайсиз. Ўн йилдирки ёлғизлик азобидан кутула олмаяпман. Ёлғизлик мени ўз комига тортиб кетаяпти. Ундан шу даражада кўрқаманки, ўлимдан бундай кўрқмайман...

У шоирлар каби гапиради. Унинг сўзлари танамга қандайдир оғир куйни сингдираётгандай, оҳанглари турмушни англашга, мен тушуммаган ҳаётимнинг моҳиятини кўз ўнгимда гавдалантириб, унга карши туриш йўлларини кўрсатаётгандай эди.

Биз қайтганимизда, кеч соат ўнлар эди. Иккаламиз ҳам саволларга жавоб излаш зарурлигини тушунган ҳолда, хайрлашиб хоналаримизга кириб кетдик.

Эрта тонгдан уйга кетиш тараддуудига тушдик.

Дугоналарим билан темир йўл шоҳбекатига келганимизда соат эрталабки тўққиз эди. Деновга поезд соат кундуз «икки»да бўлишини билганимизда, Эркор кузатиш учун етиб келди. У анча дадил, сўзларида қатъият мужассам эса-да, бозвталиги билиниб туради.

Суҳбатлашиш учун овлоқрок ўриндикларнинг бирига бориб жойлашдик. У анчагача жим ўтирди. Унинг ёнгинамда нафас олаётганини, ички ҳаяжонини хис этиб турарканман, ота-онамни ўйлардим.

Қандай килиб уйдагиларга тушунтирасам экан-а? Акамга-чи? Яхши кўриб қолдим дейманми? Олти йил ўкиб, топганинг ота-онаси йўқ, бечора йигит бўлдими? Шундай дейишса, нима деб жавоб бераман? Ўзимни рухан тайёрлашим керак. Оркага чекиниш йўқ. Турмуш дегани бойлик, мансаб, данғиллама ховли, факат ўйин-кулгу эмас-ку. Ота-онам мени албатта тушунади. Бунга ишончим комил, дея ўйлардим сукутга ботиб.

У секин тилга кирди: «Бу ердаги ишларингиз тугади. Кетаяпсиз. Энди яна қачон кўришамиз? Назаримда гўё мен чегарада тургандекман. Бир кадам қўйсам, ичкарига кираман. Аслида чегарадан ўтиш учун рухсат сўралади. Мумкинми чегарадан ўтсам?!» – Мен унинг тагдор гапларига тушунмадим. Ажабланиб унга қарадим. У кўзларимга шундай самимият билан боқдики, вужудим жимиirlаб кетди. Унинг нигоҳларидан, синовчан қарашидан нимага шаъма килаётганини англадим.

– Йўқ, мумкин эмас! – дедим.

– Нега? – савол аралаш мен томонга янайм яқинлашди. Ортикча ҳаракат қилишга хадди сифмади. Хайрлашув куни мендан эсадлик қолувчи ниманидир кутаётганини англаб турсам-да:

– Чегара миналаштирилган, портлаб кетишиниз мумкин. Киришдан олдин портловчи моддаларни олиб, яхшилаб тозалаш керак, – дедим.

Оқилона бу жавобимни у бошқача тушунди.

– Йигитингиз борми?

– Йўқ.

– Миналарни тозалашим учун олдин уларни зарарсизлантиришим керак. Ишни нимадан бошласам экан. Ҳа, топдим, совчи қўяман, – деди катъий. – Уйга етиб боришингиз билан, совчилаrim ҳам етиб боради.

— Мен уйда бир ҳафта бўламан, шу ҳафта ичидага юборишингиз керак. — дедим.

Бу сўзим чегарага кириш учун берган рухсатим эди...

Соат икки бўлганини сезмай қолдик, аҳдлашиб, дийдор кўришиш насиб килишини Аллоҳдан сўраб, бир-биримиздан айрилиш қанчалар кийин бўлса ҳам ниҳоят, хайрлашдик...

\* \* \*

Вактнинг шиддатига бардош берадиган кучнинг ўзи йўқ. Вакт яратади ва йўқ қилади. Унинг зарбига чидайдиган улкан тарихий иморатлар ҳам кези келганда дош бера олмайди. Вакт — ҳакам. Вакт — дўст. Вакт — душман...

Одам-чи? Унинг умри ўзи яратган иморатчалик эмас. Мустаҳкам қилиб курилган иншоот кўп йиллар яшайди. Қурдирган бандаси эса шу иншоот вайрон бўлгунча яшамайди...

Кейин яна вакт ўз йўлида абадийликка томон бир меъёрда кетаверади. Иншоот ҳам унутилади, одам ҳам...

Лекин шундай шахслар борки замонлар оша ҳалқ дилида яшайди. Мұхаммад алайҳиссалом, шайху уламолар... ҳазрат Навоийни олайлик. У асрлар оша вакт билан яшаб келаяпти. Улуғ шоир,

Хусайн Бойқаро замонида унинг ёнида яшади. Навоий ҳаётдан кўз юмгандан кейин эса мана олти юз йилдирки, улуғ Навоийнинг ёнида Хусайн Бойқаро яшаяпти. Чунки Навоий бобомизни эслаганда Хусайн Бойқарони ҳам ёдга оламиз.

Вакт билан бирга яшаб қолиш ҳаммага ҳам насиб бўлавермайди. Кадимги файласуфлар, олимлар, тарихий шахслар, шоирлар, умуман, илм ахли яратган ҳайратомуз асарлар вакт билан ёнма-ён, замонлар оша яшайверади...

Одам ёлғиз колганда кўпроқ «мен ўзи яшаяманми?» деб ўзига-ўзи савол беради. Соғайганим сари, ёлғиз қоладиган кунларим кўпая бошлади. Ёши элликдан ошган одам ёлғиз колганда, ўзини англашга караб интилади. Бу дунёга нимага келди? Нимага куп-курук бўлиб кетаяпти? Ҳаёти мобайнида бир марта бўлса ҳам чин сўзламаган одамлар (болалик давридан ташқари) ҳаётнинг мазмун-моҳиятини англайдими? Улар ҳам вактнинг зарбидан чанг бўлиб йўқолади-кетади...

Абадийликка факат Аллоҳнинг ўзи дахлдор. Бизга кўринмаган у дунёда абадийлик кай тарика кечади? Бу ҳам Тангрига аён. Шайху уламолар яратган, бизни эзгуликка унданган инсоф, диёнат, матонат инсониятнинг маънавиятини бой этадиган битиклар ер юзини равшан кила оладими?

Ўзимни ўзим қанча сўкмайин, гуноҳларимга тавба-тазарру килмайин, атрофимдаги тутуруксиз олди-кочди воқеалар ичидан чиқа олмаслигимни англаб эзилар эдим...

Бу рухият, шон, бойлик, мансаб, машхур бўлиш нимага керак? Одамлар бир-бирларига ҳавас килиш учунми? Ёки дунё устидан хукмронлик ўтказиш учун яшайдиларми?

Инсоннинг яшашдан мақсади ўзи тўқ, болалири тўқ, қайғуси йўқ мухитни яратиб, ўзим чиқкан тепа омон бўлса бас, дегувчи орзу-ҳавасларидан иборат эмас-ку!

Азобланишни яна қандай баҳтли инсонларга насиб этган Аллоҳ?

Шифтга қараб, ўй-хаёлимни жиловлай олмай, ўзимга-ўзим тазарру айтиётганимда, эшик очилиб Қодир Аллаёров кириб келди. У самимий саломлашиб ахволимни сўради.

– Анча вактдан бери кўришмадик, энди менга айтадиган гапларингиз бўлса керак, деб ўйлайман, – деди-да, бошидан ҳошиясига мамлакат тамғаси ёпиширилган кепкасини олиб хонтахта устига кўйди. Ёнимга ўтирди.

Унга диккат билан каар эканман, айтадиган гапим йўклигини қандай тушунтиришни билмай тараддуланаардим.

У синчков эмасми, мени тез англади. Сўз айтишимни пойламай, максалга ўтиб кўя қолди.

— Карим Суяровични хибсга оламан. Бунинг учун тўлик асосларим бор. Жиноятчини топдим. Сизни «у дунёга» равона қилиш учун ўн минг кўкидан ваъда килинган. Ярми олдиндан тўланган. Даил—ашёлар етарли. Эртага маҳкамага борасиз, сиз билан...

Мен нима дейишимни билмай, анграйганимча терговчининг юзига тикилиб, тилим калимага келмай қолди.

Аллаёров шундай ишонч билан гапирадики, бу уюшган жиноятчиликнинг бошида Карим Суярович турганини, жиноятчини Мохира топганини, бунинг эвазига Мохирага янги уй, машина, ўкишга киритиб кўйиш ваъда килиниб, умрбод Карим Суяровичнинг маъшуқаси бўлиб қолишлигини қистириб ўтди.

Узок йиллардан бери шу ташкилотда ишлаганлигим сабабли хўжаликнинг барча сирларини, яъни ишлаб чиқаришда бўлаётган нопокликлар, молларни кирим қилмай коғозларда қайд этмасдан, соликлардан яшириб сотиш, газ таъминоти, электр энергия манбаларини яшириш эвазига олинган фойдани ҳисобларда кўрсатмай таъминотчиларга пора бериб кўп йиллардан бери

давом этаётган номаъқулчиликлардан менинг хабардор эканлигимни, мабодо, уларга карши чиксам тегишли жойга хабар беришимдан қўркиб, шу йўлни танлаганини айтди терговчи.

Мендан кўрсатма беришимни сўради.

«Мен жабрланувчи Эркор Орипович Алихонов 1950 йилда Гузор туманининг Тошгузар кишлоғида туғилганман. Маълумотим олий, фан номзодиман. 4 нафар фарзандим бор. Хотиним олий тоифали шифокор.

1973 йилдан бери «Саноат корхоналари бошкармаси»да ишлайман. Мехнат таътилига чикиб, ўз ишим юзасидан корхонага бордим. Хонамда бир оз ўтириб, соат кундузи тўртдан ўтганда уйга қайтишга тайёрланиб, стол устидаги газета-журналларни тартибга келтираётганимда, оркамдан қаттиқ нарса билан кимдир урди. Унинг юзини кўра олмадим. Кейин ҳушимдан кетдим. Бошқа қўшимча қиласиган гапим йўқ. Кўрсатmani ўз қўлим билан ёздим деб, Эркор Алихонов».

– Сабр килинг, имзо кўймай туринг, – деди терговчи.

Савол:

– Сиз раҳбарингиз Карим Суярович билан қанча йилдан бери ишлайсиз?

Жавоб:

– Йигирма йилдан бери.

Савол:

– Ўрталарингда шу йигирма йил ичида ўзаро низо, иш юзасидан келишмовчилик бўлганми?

Жавоб:

– Йўқ.

Савол:

– Йигирма йил олдин корхонага ким раҳбар бўлган?

Жавоб:

– Суяр Иброҳимов раҳбар бўлган.

Савол:

– Суяр Иброҳимов Карим Суяровичга ким бўлади?

Жавоб:

– Отаси.

Савол:

– Ҳозирги кунда Суяр Иброҳимов қаерда?

Жавоб:

– Нафақада.

– Энди кўрсатмангизга имзо қўйинг.

Имзо қўйдим.

Кодир Аллаёров кўрсатмани яна бир бор синчилаб кўздан кечирди. Сўнг сумкасига солиб қўйди.

– Энди бу иккагизнинг орамизда коладиган гап. Истамасангиз жавоб берманг. Бир ойда қанча иш ҳақи оласиз?

– 135 минг сўм.

– Бу ойлик рӯзғор тебратишга етмайди-ку.

– Яна бошка корхоналарда ҳам ўриндошлиқ бўйича ишлайман.

– Шундай катта маблағ айланадиган жойда 135 минг сўмга кўндингизми?

– Бошлиқ маошни шундай белгилаган,— дедим.

– Ё кўшимча ҳак тўлаб турадими?

– ...

– Сизга қасд қилган одам Ўзбекистон фуқароси эмас. Эртага жиноятчини ҳисбхонадан олиб келаман. Кўрасиз,— деди ишонч билан.

У менга соғлик тилаб, викор билан уйдан чиқиб кетди.

«Карим Суяровичнинг эзилганича бор экан. Терговчи келтирган далиллар нахотки тўғри бўлса», дея ўйладим бу сухбатдан ўзимга келолмай.

Кимдан маслаҳат олса бўлади?

Карим Суярович оқловчи топдимикин?

У кишини топиш керак, балки ўзи келиб қолар.

Кенжа кизим Нилуфар келди. Унинг кўл телефонидан Карим Суяровичга телефон килдим.

- Карим Суярович, иложини топиб, бир келсангиз. Адвокат топдингизми?
- Ҳали топганим йўқ.
- Адвокат билан келинг. Кутаман.

Нима килиш керак? Бу одамга ёрдам беришнинг қандай йўли бор. Даъвомдан воз кечсам-чи? Иш тўхтайди. Ҳамма нарса олдингидай жойжойига тушади.

Тортган азобларим, оиласминг, оғайниларимнинг юурганлари. Шоирнинг пойтахтдан катнаб, соғлигимни тиклаш учун қилган харажатлари, шу кеча-кундузда ногирон ҳолга келиб колганим. Буларнинг ҳаммасидан қандай қилиб кўз юмиб бўлади? Парданинг орқасида ким турибди? Наҳотки ёпиклигича қолиб кетса? Қанча ўйлаганим билан, ўйимнинг тагига ета олмадим. Шу вақт осмондан тушгандай эшикдан Шоир кириб келди. Мени меҳр билан бағрига босиб:

– Худога минг қатла шукурлар бўлсинки, шу кунларга етказди. Илоё омон бўлинг, умрингиз узоқ бўлсин, – дея юзида севинч, кўзида кувонч билан кучоклаб, ўпарди.

– Зап вактида келдингиз, Элёржон. Сиз билан қандай боғланишни ўйлаётган эдим. Муҳим бир масалада бошим котиб турганди,— дедим кувончимни яширолмай.

Ўтириб ҳол-аҳвол сўрашдик.

– Бошингизни қотираётган муаммо нима экан? Бу бошни эҳтиёт килинг. Ўзингизни қийнаманг. Соғлик керак,— деди қатъий.

– Элёржон, ўзингиз биласиз, мен бир корхонада ўттиз беш йил ишладим. Ёмонлик кўрганим йўқ. Терговчи бу ишларнинг бошида Карим Суярович турибди, деяпти. Бошим қотди. Наҳотки шунча йил бирга ишлаб, шу одамни билмасам. Бунака қабиҳлик унинг қўлидан келмайди. Назаримда, терговчи бошқа ишларни режалаштирайпти. Унинг жиноятчини топиш мақсади йўқ. Жиноятчи бир никоб. Шу баҳонада ташкилотни бадном қилиш, каттагина пул ундириш мақсадида ишонарли далиллар тўплаб, ўзи ўйлаб топган копқонга ўлжа изляяпти.

– Карим Суярович нима деяпти?— деди чукур нафас олиб Шоир.

– У нима ҳам дерди. Сувга тушган булка нондай нима килишини билмай қолган. Қаттиқроқ дўк урса, титилиб кетади. Мулқдор бўлиш ҳам кийин экан. Барча пулдорни пойлайди.

– Чораси шуки, терговчини пора билан ушлатамиз. Нима иш қилаётганини билсин, — деди Шоир.

– Ҳозир Карим Суярович келади. Биргалашиб маслаҳатлашамиз, — дедим.

– Эркор ака, сиз Карим Суяровичнинг бунака нопок ишларни килмаслигига астойдил ишонасизми?

– Ўзимга ишонгандай ишонаман, Элёржон! Тўғри, у бой-бадавлат, ўз манфаати йўлида айрим қонунбузарликларга бориши мумкин. Лекин бунака расво, қабих ишни ҳеч қачон килмайди.

Суҳбатимиз тугамасдан Карим Суярович кириб келди. Саломлашиб кўрпачага ўтириди. Унинг хориган юзида ажинлар, соchlарида эса ок толаларнинг анча кўпайганини сездим.

– Шоир укам Элёр. Бу ишлардан хабари бор. Бемалол тортинмай маслаҳатлашиб олайлик. Адвокат топдингизми?

– Ҳа, эртадан ордер олиб, ишга киришади, – деди. – Сиз ҳам танийсиз, Озод Жўраев, – деди Карим Суярович.

– Уч соатлар олдин терговчи Қодир Аллаёров келди. Мендан кўрсатма олиб, жиноятчининг топилганини айтди, шулардан хабарингиз борми, Карим Суярович? – дедим унга синчковлик билан караб.

У ҳайрон қолди-да: «Жиноятчи топилган бўлса, кутулибмиз бу можародан, – деди соддалик билан. – Ким экан у номард, Эркор ака?! – Овози ҳам бироз баландрок чикди.

– Ҳали кўрганим йўқ. Менга шундай деб айтди. Эртага юзлашираман, – деди.

Бу хабарни эшитиб Карим Суярович ўзини анча босиб олди. Элёр эса, безовталаниб, тўғрисини айтинг дегандай менга каради.

– Карим Суярович, – дедим босиклик билан. Унга терговчи айтган гапларни меъёрига етказиб тушунтиридим.

Карим Суяровичнинг ранги окариб, ўзини каерга кўярини билмай, хушидан кетиб кўрпача устига йикилди. Шошиб қолдик.

– Сув! – деб қичкирдим.

Элёр Карим Суяровични суяб юзига шапатилади. Чойнакдан чой олиб, юзига сепди. Чой иссиқмиди, совуқмиди – билмайман. Карим Суярович кўзини очди.

– Тамом қилишди мени, – деди.

Бу сўзни кимга айтди, билмадим. Бир оздан кейин ўзига келиб, нохуш вазиятдан чиқа бошлиди. Кўзларини катта-катта очди-да, уйкудан уйғонган одамдай:

– Тамом бўлдим энди, – дея ҳўнграб йиғлаб юборди.

– Нега ундей дейсиз, – деди Элёр. – Агар ҳак бўлсангиз охиригача курашинг. Тамом бўлиш –

бу сўнгги чора. Уларнинг ноғорасига ўйнамай, чорасини топинг. Бу ишни факат битта терговчи амалга оширади деб ўйламанг. Суд бор, матбуот бор, жамоатчилик бор, давлат бор, ҳакиқат учун курашиш керак.

Карим Суярович ўзининг айбини билмаган ёш боладай жовдираб гоҳ менга, гоҳ шоирга, на-жот кутиб, ожиз ва нотавон мўлтираб қаарди....

\* \* \*

Кундуз куни соат ўнларда, терговчи мени гумондор билан юзлаштириш мақсадида, ўз қабулхонасига келишимни тайинлади.

Ҳамма айбларни ўз бўйнига олаётган бу банди девонани кўриш менга ҳам жуда қизиқ эди. Соат ўн яримларда терговчининг хонасига етиб келдим.

Қодир Аллаёров компьютерда нималарни дир ёзаётган экан. Мен билан қадрдонлардек қуюқ сўрашди. Кейин максадга ўтиб, рўпарасидаги стулга ўтиришимни таклиф этди. Хона ихчам бўлса-да, жуда тартибли. Шкафларда ҳар хил жиноят кодексига оид китоблар қатор терилган, бу ҳолат келган ҳар қандай одамнинг диққатини тортади. Китоблар жавонга ҳафсалла билан терилгани, китоб ҳошияларининг кўркамлиги, улар-

нинг турли тилларда (рус. турк. инглиз. ўзбек) эканлиги киши эътиборини ўзига тортар эди.

Терговчининг столи устида тартиб билан ракамланган, жиноят ишига алокадор коғозлар катор турибди. Шулар ичидан анчагина қалинлашиб колган бир папкани олиб, узок вараклади, ичидан варакнинг икки томони тўлдирилган коғозни олиб менга узатди.

— Мана ўкинг, кейин ўзини ҳам чакираман, — деди. Матн рус тилида ёзилган экан, унинг ўзбек тилидаги таржимасини тўлиқ келтираман:

«Мен Сари ўғли Аёз 19... Йилда Қозоғистоннинг Шевченко шаҳрида туғилганман. Миллатим козок. 19... йилдан буён Ўзбекистонда яшайман, Ўзбекистон фуқаросиман. Ҳозирги кунда ҳеч ерда ишламайман. Олдин ҳам судланганман. Менинг бу жиноятга қўл уришимнинг асосий сабаби, пул топиш эди. Шу важдан ушбу жиноятни содир этдим.

Эркор Ориповични танимайман. У кишига нисбатан душманлигим, ғаразлигим, ўзаро келишмовчилигим бўлмаган. Менга бир киз келиб, иш бор, бажарсангиз каттагина пул оласиз деди. Қилинадиган топширикни пул тўловчи айтади. Сизни у киши билан учраштириб кўяман, деди. Киз ўз исмини ҳам айтмади. Кўрсам танийман.

Ўша қиз мени айтган одамига учраштириди. У ҳам ўзини таништирмади. Қиладиган ишингни кейин айтаман, деб анча вакт мени синовдан ўтказди.

Менинг Козоғистонга кетишим аник бўлгандан кейин, у менга мақсадини тушунтириди. Бир одамни йўқ қилишим керак экан, эвазига ўн минг доллар бераман, олдиндан мана уч минг доллар, деди. Мен кўнмадим. Ярмини берасиз, қолганини ишни тугатганимдан кейин оламан, деб келишдик.

Йўқ қилишим керак бўлган одамни икки марта кўрсатди.

Мен жуда кўп пойладим, у одамни ёлғиз учрата олмадим. Шофёри билан эрталаб ишга келади, кеч уйига қайтади. Баъзан хонасида ту nab колади. Анча вакт иложини тополмай юрдим. Кейин унинг меҳнат таътилига чикканини, Тошкентга кетишини аникладим. Изидан Тошкентга борсам иш чўзилиб кетади, шунинг учун унинг кетишига йўл қўймайман, ишхонага келганида йўлинни килиб (девордан ошиб) ташкилот ҳовлисига тушдим, кейин ҳеч кимга сездирмай, хонасига кириб бордим. Оркасидан келиб арматура билан бошига урдим...

Қандайдир овозлар эшитилгандай бўлди. Кўркканимдан қочдим. Бор-йўғи бир марта урдим.

Бошқа ҳозирча қўшимча киладиган сўзларим йўқ. Кўрсатмани ўз қўлим билан рус тилида ёздим.

19... йил 20.XI. Сари ўғли Аёз, имзо.»

Калламга турли шубҳа-гумонларни олиб кирган бу кўрсатма, ҳакикатдан ҳам мени жиддий ўйлашга ундаи.

Кўрсатмада баён килинган маълумотлар, менинг қилишим керак бўладиган иш режала-римга анча ҳамоҳанг эди. Пойтахтга боришимни, меҳнат таътилига чикишимни, қисман бўлса-да, Карим Суяровичга ва шоирга айтганман, холос. Козок бу сўзларни қаердан топиб ёзди экан.

Наҳотки адашаётган бўлсам...

Менинг чуқур ўйга толганимни сезган терговчи менга узок қараб турди-да, сўнг гапира бошлади:

– Эркор Орипович! Сиз беозор, бироннинг ҳакига кўз тикмайдиган, доно, олим одамсиз. Ўзингиз обдон ўйлаб кўринг-чи, узок йиллар бир идорада ишляпсиз. Олдин отаси билан, кейин ўғли билан. Шу корхонада кариб кирк йиллик тирик архивсиз. Хўш, коғозлар, бошланғич хуж-

жатлар ҳар уч йилда, айримлари бир йилда йўқ килинади. Ишчи-хизматчиларнинг иш ҳақларига тааллуқлилари эса умрбод архивларда сакланади. Бу хужжатларнинг йўқотилиши, уларнинг нафақага чиқишига боғлик томонлари бор. Шу сабабли узок сакланади. Сиз эса ҳали-вери ўлмайдиганлардансиз.

Сизга яна қандай далил керак? Шуларнинг барчаси, сизнинг энди кераксиз эканлигингизни кўрсатмайдими?

Ҳали нафақага чиқишингизга анча бор. Хўш, дўппини бошдан олиб қўйиб, бир ўйланг-чи. Нима учун сизнинг ўлимингиз Карим Суяровичга керак бўлганини англайсиз. Мен эҳтиёт чорасини ўзгартириб, Карим Суяровични қамоқка олдим. Мана Моҳиранинг кўрсатмасини ўқиб кўринг.

«Мен, Моҳира Иноят кизи 19...йилда Қарши шаҳрида туғилдим. 19... йилдан бери шу корхонада котибалик вазифасида ишлайман. Карим Суярович бир куни мени хонасига чақириб:

– Моҳира, сенинг чет элда ишлайдиган йигитинг бор. Биламан, телефон орқали гаплашиб турасан. Шу танишингни чақир, йўл харажатлари билан қўшимча яхшигина ҳақ ҳам бераман. Топширикни бажаради-ю, изига кайтади. Шу ишни

(килинадиган ишнинг мохиятини менга айтганий йўқ) тезлик билан бажарса, сенинг ҳам хоҳлаган истагингни бажараман, деди. Қандай топширик эканлигини менга айтган эмас. Мен топган қозок башарали йигитга Карим Суяровичнинг нима иш буюрганидан хабарим йўқ. Йигитнинг исми-ни ҳам, фамилиясини ҳам билмайман. Қилган ишим – йигитни Карим Суяровичга учраштириб кўйдим, холос. Бошка кўшадиган кўшимчаларим йўқ. Юкорида айтган сўзларни ўз кўлим билан ёздим. Имзо».

Воқеаларнинг бу кўлами мени жиддий ўйлашга мажбур килди.

– Наҳотки... – деган сўз миямда чарх урага эди.

## БУ ҲАЁТ...

Уч кундирки суд давом этмоқда. Барча кўрсатмалар Карим Суяровични айблашга каратилган.

Дастлабки тергов давомида йифилган ҳужжатлар бу ишнинг буюртмачиси шахсан Карим Суярович эканлигини кўрсатиб турса-да, жабрланувчи сифатида ўз қарашларимни судга очик, лўнда қилиб фикрларимни куйидагича баён қилдим:

– Бу ишнинг тепасида ҳеч качон Карим Суярович турмаганлигини, у кишининг кўлидан бундай қабиҳлик келмаслигини, бунга умуман асос йўклигини, терговчи Қодир Аллаёровнинг тўкиган уйдирмалари, қилинган жиноий ишни ёпиш мақсадида ишга гувоҳ ва далил сифатида киритилган айбловларнинг барчаси сохталашибтирилганлигини, Карим Суяровичда даъвом йўклигини билдириб, суд аъзоларига рўй-рост айтдим.

Вактинча хибсда сакланаётган Сари ўғли Аёзнинг суд мажлисида сайраши, ҳатто ашёвий далил сифатида олинган беш минг долларни Карим Суяровичдан олганини, колган беш мингни ишни тутатгандан кейин бераман, деб ваъда килганини, аммо ҳали ололмаганлигини айтиб, Карим Суяровичнинг буюртмачи эканини тасдиклади.

Тўғриси, бу узундан-узок можароларни тўхтатишга кучим етмасди. Уни жиловлашга қодир кучнинг ўзи йўқ эди. Жуда кўп йиллардан бери шу соҳада ишлаган, конунни сув килиб ичиб юборадиган ҳимоячи ҳам бу ишнинг уддасидан чиқа олмади. Ҳамма далилу ашёлар Карим Суяровичнинг тўлиқ айбдор эканлигини тасдикларди.

Суд ҳайъати ўз ишини якунлаш арафасида айборлардан охирги сўзни эшифтмай, кутилмаганда уч кунга танаффус эълон қилди.

Ақраб ойининг 25 кунлари, осмоннинг қовоғи солик, булутлар паға-паға сузиб юрибди. Даражтлар сарғайған баргларини аллақачон ўз пойларига тўшаганидан шохлари яланг бўлиб колган. Баъзи буталарга боғбон ишлов бермаган чоғи, новдалари бўртиб кинғир-кйишиқ холда ўсиб ётибди. Бу манзара ёкимсиз эди. Айрим даражтлар эса дид билан кузалган, қоматини кўз-кўз килиб, кишининг ҳавасини келтирадиган даражада кад ростлаб турибди.

Кўча бўйлаб бу икки хил манзарани кузатар эканман, хаёлимга олди-охири кўринмайдиган фикрлар ёғилиб келаверди. Кўз олдимдан суд маҳкамасидаги воқеалар бирин-сирин ўта бошлади.

«Наҳотки.., – дейман қайта-қайта. – Бўлиши мумкин эмас. Карим Суярович бундай қабиҳ иш килишга қандай журъат этди экан-а...»

Терговчи Кодир Аллаёров чиндан ҳам ҳак бўлса-чи. Пул, дунё, мансаб шунчалар юкори эканки, менинг қанча йиллик ҳалол меҳнатимдан ҳам баланд турса. Мен ўзи нима учун яшадим?

Бир тұда «бойваччаларни» янада бой килиш учунми?! Дунёдан топганим шуми?

Бошимдан калтак еб, хали нафақа ёшига етмай, ногиронлик азобини қолган умрим учун мүкофот қилиб олиш жоизмиди?!

Хаәлимдан ўтаёттан мантикли ва мантиксиз ўйларимга жавоб излайман. Нима бўлганда ҳам ёмон бўлди. У энди қамалиб кетади. Даъво қилмайман десам-да, қамалиб кетади.

Уйга яқинлашганимда, дарвоза олдида нотаниш бир йигит турганини кўрдим. У мен билан худди айбдордай ийманиб кўришди.

– Хўш, мулла йигит, хизмат? – дедим.

– Сизга бир мұхим гапни айтмоқчиман, – деди у жиддий тусда. Менга қўлидаги телефони узатди-да:

– Бу телефон сизники, – деди.

– Ишхонангиздан олиб кетганман. Уни эгасига ўз вақтида қайтара олмаганимдан жуда кўп азоб чекдим. Бу азоблар менга кам.– У юзимга каролмас эди.

Ҳақиқатан ҳам, телефон меники эди, бундан тўрт ой олдин йўқолган матоҳим.

Хўш, бу телефон унинг қўлига қандай тушив колди? У ким? Мендан нима истайди? Шуташвишли ҳолатимга чанг соладиган қандай

ўйин бошланаяпти. Бутун ўй-хаёлим айкаш-уй-каш бўлиб кетди.

Уйга таклиф килдим. Ўз хонамга уни бошлаб киарканман, зимдан кузатардим. Бўйи бўйимга тенг, хушбичим, келишган гавдаси ҳали унинг навқиронлигидан далолат берарди. Сочи қоп-қора, юзи оппок. Худди менинг юзимга ўхшаган думалок. Кўзлари катта-катта, ўта хушрўй йигит эди. У ҳам мени жимгина кузатарди. Таклифим билан оромкурсига ўтирди.

– Соғлиғингиз яхшими? – деди ниҳоят.

– Хўш, сизни бу ерга нима бошлаб келди? Менинг телефоним сизнинг қўлингизга қандай тушиб қолди? Сиз ўзи кимсиз? – дея кетма-кет саволлар бера бошладим.

– Ҳозир ҳаммасини айтиб бераман, – унинг овози ё жарангларди, ё назаримда шундай ту-юлди.

– Кечирим сўрашга келганим йўқ. Мендан хунингизни олинг, деб келдим. Сизнинг жонингизга қасд килган менман. Мана, қаршингизда турибман. Шу ўтган тўрт ойни ит азобида ўтказдим. Бу кўргиликларни душманимга ҳам раво кўрмайман. Изтироб мени барибир ўлдиради. Ундан кўра, сизнинг оёкларингиз остида ўлганим

маъқул. Мени таъқиб қилаётган виждан азобидан кутуламан.

Ўрнидан туриб ўзини оёкларим остига ташлади.

– Бу нима ўйин? Тушунтириброк гапирсангиз-чи? Кимсиз? Нима гап? – уни саволларга кўмиб ташладим. У эса бошини кўтармай оёғимни кучоклаб:

– Мен аҳмокни, номардни, аблахни, манқуртни ўлдиринг! – дерди тинмай. – Ҳаммасига мен сабабчиман. Бу воқеаларнинг барчасини мен килдим. Яхши ҳам тирик экансиз. Бўлмаса армон билан ўлиб кетардим, акажон! Сиздан кечирим сўрамайман. Хунингизни олинг! Мана, мен қаршингиздаман.

У ўрнидан турди. Кўзлари тўла ёш, бояги чиройли кўринишдан асар ҳам қолмаганди. Ё кудратингдан, одам зоти бир дакикада шунчалар тез ўзгарадими?! Юзи сўлган, қўллари шалвираган, гавдаси кекса чолникидай эгилган, соchlари тўзиған, каршимда мендан ҳам кекса одам тургандай эди.

Елкасидан ушлаб жойига ўтқаздим, кўлим билан соchlарини текислаб, унинг ёнига ўтирдим. Чойнакдан пиёлага совиган чой куйиб узатдим. У чойни симириб охиригача ичди, кейин газак ахтаргандай стол устига каради, бир дона кон-

фетни олиб оғзига солди. Уни кузата бошладим. У яна аста-секин олдинги ҳолатига кела бошлади. Чиройи очилди, гавдасини тутиб олди, кўзларида умид учқунлари уйғонди. Ўзини эркин хис этиб, юзимга каради.

Унинг кўзлари шу даражада тиник, жозибали эдики, нафасимни ютиб унга ҳайрат билан термулардим. Қаршимда гуноҳкор, руҳий азоблар гирдобида қолтан мағрур ёшлигим турарди.

Во ажабо, бу йигит бунчалар менга ўхшамаса. Унинг ташки сифатлари, сочининг қоралигини эътиборга олмасак, куйиб қўйгандай мени эслатар эди. Гўё биз бир ота-онадан туғилган акаукалар каби (ёшимиз орасида тафовут бўлмаганида айнан Ҳасан-Хусанлар эдик) бир-биrimизга ўхшардик.

Вужудимда аланга бўлиб ёнаётган жумбоклар қуршовидан чиқолмай, турли ўй-хаёлларга чўман. Ҳали ўзим тушуниб етмаган мохияти сирли воеаларни, хотирамда бир муддат жонлантирсам-да, унинг окимида окиб, гирдобида чўкиб кетаяпман.

Бошимда шундай саволлар айланди:

«Бу йигит ким? Нега у менинг оёғимга бош уриб, хунингизни олинг, деяпти? Наҳотки шу йигит менинг қотилим бўлса? Унинг мақсади нима?

Мендан нима истайди?!» деган одамни куюшконидан чиқариб юборадиган саволлар ич-ичимда инграйди. Негадир ҳеч қандай сўз тилимга келмайди.

Мен ҳам, у ҳам узоқ жим ўтиридик. Унинг юзида ажабланиш, (чамамда у ўхшашлигимиздан шу ҳолатга тушди) кейин кувонч пайдо бўлди. Гўё узоқ вақтлардан бери соғиниб юрган жигарини топгандай ҳаяжонини яшиrolмади.

Ниҳоят ўзим тилга кирдим.

– Менинг исмим Эрқор, фамилиям Алихонов.

– Мен, – деди у ўта ҳаяжонланиб, – Қаландарман.

– Мана, танишиб ҳам олдик, бир оз тамадди қилиб, кейин сухбатимизни давом эттирасак бўлади. Чамамда менга айтадиган гапларингиз (муҳим демокчи бўлдиму, ўзимни тийдим) кўп бўлса керак?

– Ҳа. Мехмон қилишга шошилманг. Мени хонадонингизга судраб келган куч, бор-будимни парчалаб шу ерга олиб келди.

Тўрт ой ўзим билан ўзим курашдим. Мен амалга оширган қабих, мудхиш хунрезликни (бошқа сўз тополмаяпман) ҳеч ҳам кечиришнинг иложи йўқ. Буни пул ёки касд олиш учун килмадим, бирон киши буюртма ҳам бермаган.

Рашк ўтида, тушунмасдан қилдим. Сиз билан ишлайдиган Мохирани биласиз. У менинг яғонам, аҳди-паймоним. Мен фактат шу киз учунгина бу дунёда мавжуд эканимни тасаввур қиласман. Унга берган ваъдаларим, унинг билан қилган аҳду-паймонларим вакт ўтиши билан саробга айланди, тўғрироғи, биз кутган никоҳ кечасида симиришимиз керак бўладиган чинни косадаги ширин сувга заҳар солди. Тўй килишга ота-она-мнинг кучи етмаганлиги сабабли, мен Мохира-га етиш мақсадида, Россияга ишга кетдим. Нима иш бўлса қилдим. Кеча-кундуз тинмай кўча су-пирдим, ахлат тозаладим, курилишларда ишладим. Кези келганда ўласи килиб ҳеч сабабсиз калтаклашди. Бир рус аёли куткариб қолди мени. Мусофир юртда ўлиб кетардим. Қабрим ҳам бўл-масди. Қанча-қанча мен тенги йигитлар арзимаган иш ҳакига кул бўлиб ишламокда... То ўз йўлимни топгунимча бор азобни кўрдим.

Мен ҳам ўз юртимда тинчгина, борига қаноат килиб ишлаб юрсам бўларди-ку. Отам-онам, ука-ларим, сингилларим қанча ялинишди кетмасли-гимни сўраб. Мен ўжар бола, пул топиш ниятида, севгилимга қоп-қоп ваъдалар бериб, туғилган шахримни – она Ватанимни тарк этдим.

Пул ҳам топдим, мол-давлат орттиридим.  
Эвазига нима олдим? Такдир кўзимни кўр, ку-  
лоғимни кар қилди. Мехр-муҳаббатдан айирди.  
Баджаҳл котилга айлантириди. Орзу-умидларим  
чил-чил синди. Ўзимни бошқара олмадим.

Укам телефонда Моҳиранинг қандайдир таш-  
килотда ишлаётганини, ҳар куни уйига енгил  
машина олиб бориб, олиб кетаётганини айтиб  
ичимга ўт ёқди. Укамга тез кунда унга телефон,  
магнитофон олиб беришни ваъда қилиб, Моҳи-  
ранинг ҳар бир қадамини текшириб, қайси уйга  
боради, қандай русумли автомашинада юради,  
шулар ҳакида батафсил маълумот бериб туриши-  
ни сўрадим.

Моҳира баъзи кунлари ишга бормай кўп қа-  
ватли уйларнинг бирида кун бўйи колиб кетиши-  
ни, ишхонада эса, иккинчи қаватда ўтирадиган,  
келишган, ок соч одамнинг хонасига кўп кири-  
шини, хуллас, кўлидан келганча менга маълумот  
бериб турди.

Охир-окибат чидай олмадим. Чипта олдим-да,  
эрталаб шаҳарга учиб келдим. Шу куни уйга  
ҳам бормай машина ёллаб, укамнинг айтганлари  
ростми-ёлғонми, билиш мақсадида Моҳирани ку-  
затдим.

Ҳакиқатан ҳам, Мохирани эрталаб ок «Ласетти» келиб ишга олиб кетди. Ҳайдовчини пойладим. У билан гаплашишнинг иложи бўлмади. Кейин машинага дид билан кийинган соchlари ок, келишган одам минди. Назаримда бу сиз эдингиз. Сизнинг келишингизни узок пойладим. Шу куни сиз ишга келмадингиз. Лекин машина қайтиб келди. Бир оздан кейин Мохира машинага миниб, ишхонадан чиқиб кетди.

Менинг кўрганларимни тасаввурингизга келтиринг, укамнинг Мохирага нисбатан айтган ҳамма гаплари менинг шубҳа-гумонларимга олов ёқди. Мен ловуллаб эмас, жизғанак бўлиб ёндиндим. Бу оловни ўчирадиган кучни ўзимда топа олмадим. Тўғриси, ўйлаб ҳам кўрмадим. Ўйлашга вактим йўқ эди. Шу куннинг қандай ўтганини билмайман.

Авиакассага бориб эрталаб учадиган самолётга чипта олдим. Кейин Мохира ишлайдиган ишхонага бориб уни узок пойладим.

Тушдан кейин бир «Нексия» келиб, дарвоза олдида тўхтади. Ундан эрталаб мен кўрган ок соч одам тушди, ичкарига кириб кетди. Ҳовлига кирадиган кичик эшик олдида назоратчи кирувчиilarнинг рухсатномасини кўриб ичкарига қўйишини англадим. Унинг бирон ёкка чикишини

сабрим чидамай кутдим. Олам кўзимга тор бўлиб кўринарди. Ҳеч қандай тўсиқдан тап тортмасдим. Назоратчи бир соатдан кейин ҳовли ичкарисига кириб кетди. Бирон режа ўйламай дарвоза томон юрдим. Дадил ичкарига кирдим. Йўлакда менга ҳеч ким рўпара бўлмади. Кўккисдан калламга қўлимга нимадир олишим керак, деган фикр келди. Йўлакнинг четларига карадим, узунлиги бир метрлар келадиган темир арматурага кўзим тушди, ўшани олиб, қўйнимга тиқдим. Қадамимни тезлатиб, иккинчи қаватга кўтарилидим. Ичимдаги нидо «шу эшикни оч», деб буюрди. Эшикни очдим. Ичкарида тик турган ҳолда стол устидаги китобларга термулиб, эшикка тескари турган оқ соч одамни кўрдим. Куч билан бошига қўлимдаги буюм билан урдим. У «ғиқ» этди-ю, кулаб тушди. Стол устидаги телефонга кўзим тушди. Телефонни олдиму изимга қайтдим. Эрталаб самолётда Москвага учиб кетдим.

Бўлиб ўтган воқеаларни у шу кадар шошиб айтардики, худди орқасидан аллақандай куч шиддат билан таъқиб қилаётгандай эди. Гўё айтишга улгурмай қолса, ҳаммаси тугайдигандек.

Уни ўзига келтириш учун яна чой қуйиб бердим. У пиёлани узок ушлаб турди, чойдан ҳўп-

ламади. Кейин фикрини жамлаб, пиёлани стол устига күйди-да:

— Мени жазоланг, — деди.

Мен унга бу иш бўйича суд бўлаётганини, у ерга бориб бор гапни айтиб беришини таклиф килдим.

У:

— Хабарим бор, — деди хотиржам. — Менга Моҳира телефон килди. Уни ҳам қамашмокчи экан. Ҳаммасини бориб айтаман. Мен учун энг тўғри йўл шу.

Афсуски, сиздан қарзимни узолмасам керак. Ўйласам, томирларимда оқаётган коним тўхтаб қолгандай бўлади. Нафас олишим қийинлашиб, ўзимни ўлганлар орасига қўшаман. Ўзи мен кимман, дейман кайта-қайта.

Ўзимни-ўзим саволга тутганим сари, таг-туги кўринмайдиган чоҳга қараб шўнғиётганимни, энди ҳеч қачон баҳтиёр хаёт кўйнига қайта олмаслигимни англайман.

Надоматлар бўлсинки, севги деганлари шу қадар қасоскор бўлса. Аямай ўч олса, сени ўз кайнок кучоғидан олиб, улоктирса. Кўраётган кўзларингни кўр килиб, кулокларингни кар қилса. Ҳўш, бу жазо менга нима учун берилди? Ҳаётни теран англамай, ўзимга-ўзим бино қўйганим

учунми? Мен ҳам севишига, севилишга лойик эдим-ку. Орзу-истакларимнинг чеки йўқ эди. Шу ёруғ оламни ҳамма қатори севадиган, хокисор одамлар сафида эдим. Ўз меҳнатим эвазига ўзимга, яқинларимга етадиган даражада мол-дунё тўпладим. Ўзимни, ўзлигимни йўқотдим. Кани энди ҳаётга келмаганимда, мен учун канчалар яхши бўлар эди...

У бир нуктага тикилиб узок жим қолди. Назаримда у кетишга тараддуд кўраётгандай эди.

Унга кандай тасалли беришни ўйлаб, ўйимга етолмасдим.

Бу кандай ҳолат?! Такдир ўйиними? Ёки синов майдоними? Ҳали менинг teng ярмимча яшамаган бу йигитнинг олдида канча-канча синовлар турибди.

У албатта қилмишига яраша жазо олади. Мен даъвогар бўламанми, йўқми, конун олдида жавоб беради. Лекин у ўз фикрларини ўзгартириши керак. Олдига қўйган мақсадлари сароб эмаслиги га ишониши, у азоб чекадими-чекмайдими, ҳаёт оқими ўз ўзанида окаверишини теран кўз билан юракдан англаши шарт.

Унинг қўлини меҳрибонлик билан кафтимга олдим.

– Қаландар! Мен сенга ўғлим сифатида ёндошай. Энди сен икки ўғлим қатори ўғлим бўласан.

Сен ўзингни мендан қарздор ҳисоблама. Менинг кечиришим сени ҳаётга кайтарса, минг-миллион марта кечирдим. Факат сен ўксинган юрагингга шамол юбор. Авваламбор ўзингни сев, шундаги на бошқаларни сева оласан. Ўзингта ишон. Қалбингта ҳис-туйғулар яна қайтадан киради. Менинг кўзларимга бок. Теран ҳаётни кўрасан. Сен чекаётган афсуслар инсонни тарбияласа-да, уни улғайтирмайди. Сен ўсишинг, улғайишишинг, одамларга керак эканингни англашинг, ёлғонларга кўмилган бу оламнинг устидан кулишинг, кулгига айланмаслигинг, бир кам дунёнинг камини кенгайтириш эмас, камайтиришинг керак.

У маъюс, лекин чехраси очик эди. Худди меҳрибон, соғинган кишисини бағрига олгиси келгандай, менга тикилиб турарди. У сўзимни бор вужуд қулоғи билан тингларди.

– Сен ўзингнинг келажагингни яратишишинг керак. Мана шу юксак ишончни қалбингта байрок килиб қада. Тўғри, бу ҳаёт йўлида тўсиклар истаганча топилади. Бу тўсикларнинг пайдо бўлишига менинг ҳам, сенинг ҳам айбимиз йўк.

«Минг йиллик йўл бор сендан  
Мусулмонликка довур.  
Яна минг йиллик йўл бор  
То инсонликка довур.»

деганларида, Ҳазрат Румий жаноблари ҳак эди. Саккиз юз йил аввал Румийни кийнаган саволлар бизни ҳам қийин аҳволга солиб, жавоб излатади. Афсуски, жавоб топилмайди...

Бу билан ҳаётдан қўл силташ керак деган маъно келиб чиқмайди. Минг йиллар мобайнида «Инсонни қачон комил инсон деса бўлади?» деган саволга жавоб топилмадими, бундан кейин ҳам топилмаса керак...

Нима бўлти? Бир кизни деб бутун борликдан воз кечиш, бу – телбалик. Мен аминманки, сенинг вужудингда ҳаётга ишонч, ёлғонга қарши исён гупирмоқда. Бу хислат ҳар кимга ҳам насиб бўлавермайди. Москвадек шаҳардан келиб «Мендан ўз хунингизни олинг» деб турибсан. Шунинг ўзи сенинг ким эканлигингни, қандай инсонлигингни кўрсатиб турибди. Отангга раҳмат, ўғлим Қаландар!

Мен унинг чехрасидан ўзимча ўзгариш излардим. Қаландарнинг менга айтадиган гапи борлигини англадим. У менга беозоргина қаради-да:

– Эркор ака, майлими, сиздан бир нарса сўрасам? Албатта, сизнинг хоҳишингизга, иродангизга қарши боришга ҳаққим йўқ. Агар иложи бўлса, шу телефонингизни менга совға қилсангиз. Вақтинча эмас, бир умрга.

Мен тараддуланиб, эсанкираб колдим. Нима бало, бу йигит ҳамма воқеалардан хабардорми? Нега телефонни шунча узок йўлдан қайтариб олиб келиб, энди ўзиники килиш учун сўраяпти?

Бу йигит нега қўккисдан пайдо бўлди? Кел маслиги ҳам мумкин эди-ку. Ҳакиқатан, Мохирани севишини исботлаш учун келдими? У ўзини жазога ташлади. Тўрт ойга чидаган одам, яна азоб чекса ҳам, тинчини ўйлаб, сир бой бермай яшайверса бўлар эди-ку.

– Йўқ, Қаландар. Мен сенга бу телефонни бера олмайман. Хоҳласанг шунга ўхшаш бошка телефон олиб бераман.

– Йўқ деманг? Эркор ака, мен сиздан иложи йўқ нарсани сўраётганим йўқ-ку. Ҳакиқатан, оталик қилиш нияtingиз рост бўлса, телефонингизни аямайсиз. Мени хаётга қайтаришга қўшган хиссангиз бўлади.

Унинг жовдираб турган илтижоли кўзлари юрагимни ўртаб юборди.

– Болам, болажоним, минг афсуслар бўлсинки, ҳозирча биз нима яхши-ю, нима ёмонлигини билмай яшаяпмиз. Инсон зоти туғилганидан бери шу икки қутб орасида сарсон-саргардон. Айримлар, ҳожатини беминнат бажарган одамни яхшилик килаяпти, деб ўйлайди. Ёки аксинча, унинг

ишларига қасдданми, қасддан эмасми тўсқинлик килаётганларни, ёмонликка йўяди. Бир ўйлаб кўр-чи, аслида ҳам ҳакикатан шундайми?

Иши осонгина битаётган одамнинг ҳаёт йўли бекаму кўст, ҳамма нарсалар олдиндан шундай бўлгандай туюлади. Яшаш жараёнида у шунга кўниқади, азал-окибат ўзини енгилмас куч-кудрат эгасидек тутади. Ўзи билмаган холда (баъзан билиб) эринчок табиатига хос бўлмаган йўлдан кетади. Тўсикларга рўбару келганида-чи, у курашларда чиниқади, турмушнинг баланд-пастини кўради. Аклини пешлайди. Яшаш иштиёқида ҳар кандай ифлос ишлардан нафрлатланишни ўрганади. Унга қарши курашади.

Бир донишманд айтган экан: «Дўстинг балик егиси келса, сен унга балиқ олиб берма. Унга балиқ тутишни ўргат». Хўш, энди бу икки ҳолатнинг қайси бири яхши-ю, кай бири ёмон?!

Мен сенга насиҳат килишдан йирокман. Сен мусофирикни кўрган, ҳаёт йўлларида чиниккан, ўзини англашга интилаётган йигитсан. Ҳозир мен шу телефонни сенга берсам яхшилик килган бўламанми, ё ёмонлик? Ўзингга савол бериб кўрчи. Нимага шу оддийгина телефонни сендан йигитдан кизғанаяпман? Бунинг ўзига яраша жиддий сабаблари борлигини ўйладингми?

Сенга бўлган ҳурматимни ўзимча мулоҳаза килар эканман:

– Сен, ҳаётдаги бор яхшиликларга лойик одамсан, – дейман.

Телефонга келсак, унинг сир-синоатлари ҳозирча менга номаълумлигича қолмокда.

Ҳаётий тажрибамдан келиб чиқиб, ўзимча мулоҳаза киламанки, бу тақдир... Илохий кучнинг одамзот учун кўрсатаётган сирли кудрати...

Қадимий ривоятларда айтилганидек, одамларнинг азал орзу-умидларига йўлдош бўлган ёрилтошлар, учар гиламлар, тошга айланган ҳур қизлар, қанот чикариб учган отлар, хуллас, ота-бо боларимиз яратиб кетган эртакнамо мўъжизаларнинг бир кўринишидар.

Бугунги кунда мен билан сенга телефон сифатида намоён бўлаётган: сеҳрли коғозлар, ўзининг домига олувчи компьютер (интернет)лар... турли шаклларга кириб, ҳаётга энди кадам қўяётган авлодларга синов майдони... ёки маёқ вазифасини ўтаётган бўлса не ажаб!

Хуллас, менинг бу майдонда қолишга бардoshim етмаяпти...

Бу омадсизлик эмас, фожеа ҳам эмас... Бу – менинг ва сенинг ҳаёт йўлларида туташган тақдиримиз...

Ўзимча ўйлаб коламан, телефон можароси балким хаёлимда кечгандир, хеч қандай телефон қўнғироғи бўлмагандир, ўзим билан ўзим сухбат килгандирман... Ёки ўн саккиз минг оламнинг биз билмаган ғойиб оламидан келаётган огохлантиришдир. Ички оламимни оступ-устун килиб юборган, аслида телефон қўнғироғи эмас, ўзлигимни танишимдир. Мен ўзи қандай одам эканлигимни тўла англашга ундовчи ҳаётнинг синов қўнғироғидир... У хеч қачон саволларга жавоб бермайди, ўзинг билан ўзинг рўпара бўлиб, жумбокларга ўзинг жавоб излайсан...

Атрофда шундай одамлар борки (булар ҳаётда жуда кўпчиликни ташкил қиласди) бу дунёга нега келганини, нима учун яшаётганини билмай ўтиб кетадилар...

Ақалли, бир кун ҳисобидан, бир соатгина бўлса ҳам, ўзи билан ўзи ёлғиз қолишни хаёлларига келтирмайди...

Эҳ, одамлар! Одамлар! Инсоният ўзлигини теран англаши учун ер юзининг хар бир хонадонида, ҳар бир одамнинг қулоғи остида, вужудни (қалбни) тозалашга ундовчи, илоҳий ҳаёт қўнғироғи жаранглаб турса, дунё қандай ажойиб бўлар эди...

– Қаландар! – дейман унга термулиб.

– Ҳа, менинг бу хонадонга кириб келишим замирида, айнан сизга ўхшашлигим, дунёқарашибиздаги фикрларнинг ҳамоҳанглиги (олдиндан билмасам-да). тақдири азалнинг етаклови бор, деб биламан..

Сиз телефонни Қаландарга берсам яхшилик қиласманми, ёмонлик қиласманми, деб сира иккиланманг. Боя донолар зикридан далил келтирганингиздек, эл орасида шундай гап ҳам бор: «Мана бу олма сенга – есанг отанг ўлади, емасанг – онанг». Айтинг-чи, олмани ейиш афзалми, емаслик? Одамзот пайдо бўлгандан бери шу ҳакда ўйлади. Аслида олмани еса ҳам, емаса ҳам, ота-она бизни тарк этади-ку.

Менга ўз келажагингни ўзинг ярат дедингиз. Демак, менга ишондингиз. Шу мукаддас сўз хурмати, ҳеч иккиланмай телефонингизни беринг.

Ўзим сезмаган ҳолда унинг сўзларидан таъсиrlаниб, беихтиёр чўнтағимдан телефонни олиб, калбимнинг бир парчасини узатаётгандай, унинг кўлига тутказдим.

– Эҳтиёт қил, – дедим.

– Эҳтиёт қиласман...

Бу шивирлаб айтилган сўзлардан ўзимча неларнидир англағандай бўлдим. Елкамдан кўта-

риб бўлмас даражадаги оғир юк кулагандай, ўзимни енгил хис этдим. Гўё бу сир-синоатта тўла телефоннинг кудратини бу ёш йигит қандай кўтара олади деган хавфсираш билан Қаландарни кузатдим. У телефонни ён чўнтағига солар экан, унда ҳеч қандай ўзгариш сезмадим. У оддийгина килиб, каттадан-катта раҳмат айтди-да, ўрнидан туриб эшик томон йўл олди. Уни уйда олиб қолишга ундинадим. Негадир у безовталаниб соатига қаради. Ҳакикатан ҳам, соат миллари учга яқинлашаётган эди.

– Хўп дессангиз, эртага ҳам келсам, – деди оғир хўрсиниб.

– Марҳамат, сен учун ҳамиша дарвозамиз очик. Бемалол тортинимай келавер, – дедим унинг шу дакикада мен билан колмаслигига кўзим етиб.

У мағрур, шахдам қадамлар билан кўчага чиқди. Худди тушимда фариштани кузатаётган баҳтиёр одамдай, кўча йўлагида кўринмай колгучида орқасидан термулиб колдим...

Энг кизифи яна уч кундан кейин бўладиган воеалар кўз ўнгимда гавдаланади. Терговчи Аллаёровнинг ахволи ниҳоятда аянчли. Келишган, димоғдор юзидағи ўзгаришни аник кўрдим. Унинг башараси корайиб, худди кўмир тусига

кирган. Ҳар доим бурро-бурро сўзлайдиган тили калимага келмай, алланималар демокчи бўлади-ю, ғўлдирашдан нарига ўтолмайди...

Карим Суярович эса, қилган килмишидан кўнгли вайрон, кўзи тўла ёш, Мохира ўта паришон. Бошини қуи эгганича, якинларининг юзига қаролмай, ўзига-ўзи лаънат тоши отиб, килмишидан бир умр пушаймон....

Сара ўғли Аёз. Дунёга келганидан ҳайрон... уни ўйлаб топган Аллаёровнинг шўрига шўрватўкилишини билади...

Қаландар-чи!

У мағрур, ок булутлар устида эркин парвоз киларкан, юксак-юксаклардан туриб: «Мен ҳар қандай жазога лойикман!!!» – деб ҳайкиради...

Мен гарангсиб, диванда хаёллар оғушида ётар эканман, деворда осилган соатнинг чикиллаб учга яқинлашаётганидан юрагим безовта бўлиб, ўзимга-ўзим гапираман.

– Ҳа, Қаландар!

Энди бу сиру синоат ташвишларни ўз елкангга олдинг. Йўлингдан адашма! Изингга қайтма! Мен бу ўйиндан чиқдим...

Ҳа, энди одамга ўхшаб яшайман!...

*Адаатий-бадиий нашр*

**Али НИЁЗ**

**ТАКДИР ҚҮНГИРОҒИ**

*Қисса*

Мухаррир: *Алишер Назар*

Бадиий мухаррир: *Дилнурод Жалилов*

Техник мухаррир: *Екатерина Корягина*

Мусаххих: *Доно Түйчиева*

Сахифаловчи: *Умида Валижонова*

Нашриёт лицензия раками АI № 290. 04. 11. 2016.

2017 йил 20 апрелда босишига рухсат этилди.

Бичими 70x100  $\frac{1}{12}$ . Times New Roman гарнитураси.

Офсет босма. 8,75 шартли босма табоқ.

6,24 нашр босма табоғи. Адади 1000 нусха.

210 ракамли буюртма. Баҳоси шартнома асосида.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг

Faafur Fулом номидаги нашриёт-матбаа

ижодий уйида чоп этилди.

100128 Тошкент, Лабзак кўчаси, 86.

Телефон: (371) 241-25-24, 241-48-62, 241-83-29

Факс: (371) 241-82-69

[www.gglit.uz](http://www.gglit.uz)

[info@gglit.uz](mailto:info@gglit.uz)

w

22.000-00



ISBN 978-9943-4911-2-0

A standard linear barcode representing the ISBN number.

9 789943 491120